

**МҮМИН ҚАЮМ**

# **БОТМАЙ ҚОЛГАН ОЙ**

*Ривоятлар,*

*хикоятлар,*

*нафосат,*

*ўланлар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ  
2000 ЙИЛ

Езувчи, журналист Мұмин Қаюмнинг ушбу китобида Оҳангарон туманида истиқомат қилган ва истиқомат қилаёттаян фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса улар билан борлық воқеа-ходисаларнинг, улар эришганд жотукларнинг қизиқарли ҳолда ёрити-лиши, шунингдек, Оҳангарон кайвониларидан ёзиг олинган қўшиқ-лар, ўланлар, турли ҳангомаларнинг берилиши кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади, деган умиддамиз.

*Рисола «Оҳангароншифер» ҳиссагорлик жамияти  
жомийлигида чоп этилди.*

**МҰМИН ҚАЮМ**

**БОТМАЙ ҚОЛГАН ОЙ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2000

Муҳаррир *И. Шоймардонов*  
Рассом *Темур Сатъулма*  
Бадий мұҳаррир *Ф. Башарова*  
Тех. мұҳаррир *Д. Габдрахмонова*  
Мусахид *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 13.10.2000. Босишига рухсат этилди 9.11.2000.  
Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-  
ма табори 5,04. Нашриёт ҳисоб табори 4,9. Адади 3000 дона. Буюрт-  
ма № 1169. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси  
700083, Тошкент шаҳар, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти, 2000 йил.

1001  
A 882  
10 26225  
2

## ОСМОННИНГ ОФИРЛИГИНИ КҮТАРГАНЛАР

Одатда, осмоннинг оғирлигини энг баланд төглар күтаради. Оҳангароннинг ҳам баланд төглари бўлган. Лекин биз «изм-изм»ларнинг измида изидан юриб изимиздан адашиб кетган эдик. Мамлакатда амалга оширилган мустақиллик, аникроғи Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган истиқол тифайли Оллоҳ бизга ўтмишилизни қайтариб берибгина қолмай, изимизни ҳам тўғри йўлга солиб юборди. Ахир умримиз етмиш йил шапка кийганини мақтаб, дўппиликни қарғаб ўтгани ҳам ростку. Хайриятки, мустақиллик туфайли бошимизга баҳт қуши кўнди. Бу баҳт қушини на қумри, на ҳуджуд, на андалиб, на самандарга, на анқо, на ҳаққушга тенглаб бўлади. Бу тенгсиз, тимсолсиз бир күш. Шу баҳтни кўролмай кетганлар ҳаққи, шу мустақиллик нашидасини суролмай кетганлар ҳаққи ушбу рисола, ўша яқин ўтмишдошлиаримиз, Оҳангаронимизнинг кечаги куни, унинг одамлари, меҳнат аҳлиниң турмуш тарзи, буғунги оҳангаронликлар, ўша мустақилликка умидвор кеттан кишиларнинг ворислари ҳақида.

Биз баҳоли қудрат Оҳангарон ва оҳангаронликлар, уларнинг тарихий ўтмиши, бутуни ва келажаги тўтрисида Мўмин Қаюм билан бундан аввал ҳам иккита рисола чоп эттанимиздан боҳабарсиз, албатта. «Төглар бағридаги забаржад» (1996 йил) ва «Оҳангарон саркорлари» (1999 йил) деб аталган рисолаларни ўқиган аксари китобхонлар жуда кўп хатлар йўллашди бизга, оғзаки илтимослар қилишди, телефонларда айтишди илгариги рисолаларга кирмай қолган, илгариги рисолаларда эътиборимиздан четда қолган воқеалар ва ҳодисаларни, одамлар ва саркорларни. Бақт — қиличdir. Ҳар иккала китблар ўқувчилар қўлига бориб етганидан сўнг одамларнинг, ўқувчиларнинг йўллаган мактублари бизни ҳар куни қиймалай бошлади. Уларнинг илтимослари, талаблари, истаклари туфайли кўлингиздаги рисола — «Ботмай қолган сой» юзага келди. Оҳангаронда улкан төглар кўп. Улкан төглардай давр юкларини елкаларида кўтариб юрган одамлар кўп

бўлган. Уларнинг эл учун қилган хизматлари, касбкорлари баъзан афсоналарга ўхшаб кетади, кўплари нинг ҳаётини худди эртакларга ўхшатасиз, кўплари худди ширин қўшиқдай умр кечиришда. Шунинг учун ҳам муаллиф рисолани ривоятлар, ҳикоятлар ва нафосат йўналиши билан тузганида айрим кутқулардан кўркиб ўтирумади. Булардан ташқари рисолада Оҳангарон кайвониларидан ёзиб олинган қўшиқлар, ўланлар, ҳалқ орасида латифанамо бўлиб кетган турли ҳангомалар ҳам қаламга олинганки, булар рисолани ўқиган кишида оҳангаронликларнинг юморга қанчалик бой эканлигидан ҳам далолат беради.

Болта ушлаган қўл билан қалам ушлаган қўлнинг орасида ер билан осмонча фарқ борлиги ҳаммага маълум. Кундалик Республика газеталари, Ўзбекистон радиосига дастёрлик қилишдан қўли бўшаган пайтларда талантли журналист Мўмин Қаюм шу учинчи китобнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлди.

Тўғри, рисолада анчагина жиiddий нарсалар ҳам бор. Жиiddийлик эса беклиknинг аломатидир. Оҳангаронликларнинг бугунги ҳаёти ҳақида биз Мўмин Қаюм билан жуда кўп маслаҳатлашдик. Маслаҳат — розиликнинг тузори, илиндингми, қутилиш қийин. Хуллас, мен бу ерда китобдаги бор нарсалар ҳақида кўп гапириб ўтирумочни ўзимга эп кўрмадим. Лекин рисола қусури ҳам йўқ демоқчи эмасман. Китобда учраган хатолар учун авф Оллоҳдан, иноят кибриёдандир.

Одатда, яхши йигит, яхши от элники бўлади. Мен бунга қўшимча равишда яхши китоб ҳам деган бўлардим. Қўлингиздаги мухтасар рисолани яхши китоб деб қабул қилганингиз учун сизга ташаккур.

Улубек ИБРОҲИМОВ,  
Оҳангарон тумани ҳокими,  
Тошкент вилоят Кеягапи депутати.

## O X A N G A R O N

Оҳангарон, ярми ойдан, ярми кундан яралган,  
Ярми сахий она ердан, ярми бордан яралган,  
Ярми зардан, ярми тилло, ярми нурдан яралган,  
Ярми ўтлок, ярми сувлок, ярми төрдан яралган,  
Ярми севги, ярми иффат, ярми гулдан яралган.

Аждодларнинг назари бор сув тўла сойларида,  
Занги бувам меҳри тушган қўйлари, тойларида,  
Юрт шодлиги уфурмоқда қўшиғу куйларида,  
Ҳизр бувам пойи қолган Оқтош қояларида,  
Ярми Оллоҳ нигоҳидан, нусратидан яралган.

Хазиналар яратмоқда меҳри дарё одамлар,  
Дўстга содик, ғанимларга қаҳри дарё одамлар,  
Юртбошига, қардошига бағри дарё одамлар,  
Ҳарсангларда дон ундирган сехри дарё одамлар,  
Ярми соҳир табиатдан, ярми болдан яралган.

Йигитлари мард, баҳодир, қизларининг нози кўп,  
Ҳар уйда тўй, ҳар гўшанинг жонга мадор  
сози кўп,  
Кексалари пиру комил, бир-бирига рози кўп,  
Ҳасад билмас, шўх, хушчақчак, сарафroz овози кўп,  
Ярми санъат, ярми иффат, баҳт-иқболдан яралган.

Оҳангарон ярми ойдан, ярми кундан яралган.  
Ярми Оллоҳ нигоҳидан, ярми гулдан яралган.  
Ярми севги, ярми иффат, ярми нурдан яралган,  
Ярми соҳир табиатдан, ярми болдан яралган,  
Тонгти хуштаъм, онгти бегард, истиқлолдан  
яралган.

## РИВОЯТ

### «ОҲАНГАРОН ЖУЛҒАСИ»

Машҳур Финд давлат ва жамоат арбоби, Ҳиндистоннинг биринчи Буш министри Жавоҳарлал Неру ғоятда буюк эъзоз билан «Дилбар шахс» деб атаган Заҳиридин Мұҳаммад Бобур «Бобурнома»сида Оҳангароннинг жўғрофий кенгликлари, сойлари ва сувлари, жойлари ва төплари ҳақида суйиб, энтикиб, куйиниб, севиниб ёзган эди.

Сарой фитналари, таҳт ва давлат талашлари, аёнлар ўртасидаги фитна, ирво, ҳасад, ғаразлар туфайли аста-секин емирилган машҳур бобомиз Темур давлатининг фожеаси ўз навбатида улуғ шоир ва мутафаккир Бобур Мирзонинг ҳам фожеаси эди. Отаси Умаршайх Мирзонинг вафотидан сўнг 12 ёшида Фарғона музофоти таҳтига Андижон шаҳрида ўтирган Бобур Мирзога давлат ва идора ишларида унга севимли воалидаси Нигорхоним, бекатка (регент, отахонбек) Мазидбек, кейинчалик Бобоқули бобо Алибеклар ёрдамлашдилар. Бобур Мирзо бутун умри давомида бобоси Амир Темур давлати сингари марказлашган давлат тузишни орзу қилган эди. Шунинг учун ҳам у Самарқанд билан Бухоро ҳукмдорлари ўртасидаги ихтилофлардан фойдаланган ҳолда 1498 йилда Самарқандни эгаллаб олганида эндиғина 15 ёшга кирган эди. Бироқ орадан юз кун ўтиши билан Самарқандни Мұҳаммад Шайбонийхон қамал қиласи. Йўлини топиб, Бобур Мирзо Андижонга юриш қиласи, аммо бу ерда ҳам фитна юз беради. Бобур ноилож Туркистон томонларга от солади. Бироқ Самарқандни қайта эгаллаш фикри уни бир зум ҳам тарқ этмайди. Шу туфайли ҳам Бобур Мирзо 1501—1504 йилларда Оҳангарон, Пискент, Ўратепа, Хўжанд ва Тошкент атрофларида сарсон-саргардон, баъзан ғолиб, баъзан мағлуб, баъзан дилгир, баъзан сезгир бўлиб юрадики, бу ҳол Бобур Мирzonинг шоҳ асари «Бобурнома»да ҳам алоҳида қайд этилган.

Шуниси қувончлики, ўз ташвишлари билан юрган Бобур Мирзо Оҳангароннинг гўзал табиати, сойлари,

сувлари, тоғлари, тепалари, кентлари, қишлоқлари түррисида алоҳида меҳр билан «Бобурнома»да қайдлар қиласди. Бундан кўринадики, Оҳангаронда Бобур Мирзонинг қадами теккан жойлар кўп экан. Маълумки, илгари Туркистон билан Фарғона водийсини боғлайдиган ягона карвон йўли Тошкентдан чиқилиб Паркент орқали Оҳангароннинг Куруқсой воҳаси билан Оҳангарон, Оқтепа, Оқтош, Ёнариқ, Телов, Санам, Сусам, Яккабор, Оқота, Кўшработ аҳоли пунктлари орқали Кандир довони билан Фарғона водийсига ўтиларди. Бу йўл баъзида Кўрпасойдаги Кировчи орқали ҳам бўлган. «Бобурнома»да Оҳангарон атамаси биринчи марта 1497—1498 йиллар тафсилотига бағишланган бобда учрайди. Бобур Мирзо «Бобурнома»да тошкентлик тоғаси Махмудхон билан учрашиш тафсилотини қўйидагича тасвирлайди: «Қосимбекни Тошкентта хон қошига йибориб, Андижон устинага юрмакни истидъо қилилди. Хон ҳам черик тортиб Оҳангарон жулғаси била келиб кандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, Хон дадамни кўрдим. Кандирлик добонини ошиб Ахси тарафига тушилди» («Бобурнома», Тошкент, 1990, 51—52-бетлар).

Бобур Мирзо учун Самарқанд қўлдан кеттач, Фарғонада фитна уюштирилади. Шундан сўнг Оҳангарон водийси унинг учун асосий бошпана бўлиб қолади. Бобур бу ҳақда шундай ёзади: «Пискентдан кўчуб, Оҳангарон кентларида уч-тўрт ой таваққуф қилтук. Биз келиб, Оҳангарон кентларидин Сомсирак деган кентта туштук. Тонглasi хабар келдиким, Нўён кўкалтош жардин мастилида йиқилиб ўлубдур. Нўённи туфроққа топшириб келдилар. Бизга Қурбон ийди шу ерда бўлди. Бу рубоийни шу ерда айтиб эрдим:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгилни фурбатда киши.  
Кўнглим бу вариблиқда шод ўлмади, оҳ,  
Фурбатда севинмас эмиш албатта киши».

«Бобурнома»нинг ўша нашри, 109-бетида Оҳангарон ҳақида яна шундай фикрлар айтилган: «Муҳаррам ойинда Илоқ яйловига азимат қилтук. Ушбу юртга йигирма уч ёшимнинг ибтидосида келиб, юзимга устара қўйтим. Бу ерда улуғ-кичик мени умидворлик била ирашиб юрийдурғонлар икки юздан кўпрак, уч юздин озрак бўлғай эрди. Аксар яёқ ва иликларида таёқ ва оёқларида чориқ ва эгинларида чопон эрди».

Бизнингча, бу кўчирмага изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Асарда тилга олинган Сомсирак аҳоли пункти ҳозирги «Олмалиқ» ширкат жамоасининг теграсида, Сарижайлоқ ёнидаги каттагина қишлоқ бўлганлигини профессор М. Булгаков аллақачон исботлаб берган. Бу жойлар ҳам туб аҳоли томонидан Сомсирак деб тез-тез талаффузда қўлланилади.

Кувончилиси шундаки, Бобур Мирзо «Бобурнома»-да, унинг ибораси билан айттанда, «Оҳангарон жулғаси»га алоҳида меҳр ва ҳавас билан қарайди. У ёзади: «Оҳангарон кентига келгач киши ўзига оламе мулоҳаза қилур. Йироchlар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элининг роҳу-расми ўзгача. Шолиси ва бугдойи яхши бўлур ва норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур... Кандирлик добонининг жанубида бир ҷоҳорбор солдум «(Бобурнома», 120-бет). Бинобарин, Бобур Мирзонинг Оҳангаронда қадамжолари жуда кўп. Бизнингча, унинг ҳар бир тоши, ҳар бир ўт-ўлани, қояси ва жиласи машҳур ватандошимизни эслатиб турса не ажаб. Фақат биз гумроҳлар буни пайқамаймиз.

## НАВРЎЗ ШАРОФАТИ

Куёшдан бир нурли кўччи қўзғалган,  
Қишининг муз чойшабин парчалаб оғлан.  
Faфлат уйқусидан ерни уйғотган  
Бу — Наврўз эмасми?

Наврўзда соҳира табиат уйғонади. Жигадек-жигадек йигитлар лола сайлига отланишади лобар қизларни етаклаб. Ана яна бир гала қизлар бошқалардан айру тушиб Наврўз бинафшаларига ошиқади. Шўх йигитлар тегажоғлиқ қилишади уларга йўл бермай:

- Йўл бўлсин, ҳой қизлар?
  - Лола юлгани.
  - Лола очилмаган, унинг вақти бор.
  - Лола бўлмаса ҳам ундан нақди бор.
- Қайтамиз яапизми, гул равоч юлиб.
- Ҳой қизлар, ой қизлар, бермасангиз сир,
  - Биз кетгач қолмангиз тағин соч юлиб.

Буни Хайридин Салоҳ айтган. Наврўз кўкаламзор, унда қишининг босган излари нурли, дурли, шарофатли бўлади. Балки шу боис ёш-яланглар гулга, тоғ бағирларига, кўкаламзорларга ошиқади. Зоро, қишининг

рутубатли оқшомлари, изгирин елларидан кейин одам худди жаннатта ошиққандай ошиққади Наврўзга. Бу ҳам Наврўзниң түйғуси эмасмиカン?!

Бувижон энам түқсөндән ўтиб қазо қилган. Аниқ эсимда, кайвони анча күчдан қолиб, түшакка миқланғанида боргандик зиёратига.

— Болам ҳали бақувватман, — деган әдилар у киши термулиб.— Күнгилни бүгдойдек тутиңлар, ҳали дунёдан умидим бор. Бир амаллаб Наврўзга етиб олсам, яна анча яшашим аниқ. Күнглим сезиб турибди, Наврўзга етсам бас, күпігә бораман. Наврўзда лайлатул қадр ўтади. У нақд еттингчи осмоннинг ўзидан, Пардаи асрорнинг эшигидан келади. У одамларга баҳт билан умр ҳам олиб келади. Яраттандан умидим бор. Етмиш йил беш вақт намозни канда қылмадим, бирор йили бирор күн рўзани тарк этганим йўқ. Бировга ёмон гапирмадим, алдамадим кишиларни, кўрган рўшинолигим шу бўлдики, Наврўзга етаяпман. Наврўзга еттан банда кейингисигача ҳузур-ҳаловатда умр кўрармиш...

Бувижон ачамлар гўёри айтган эканлар. Наврўздан кейин у киши соғайиб кетиб, яна ўн йилдан мўлроқ умргузаронлик қилдилар. Ўша пайтларда ҳам осмон узоқ, ер қаттиқ эди. Эндиликда тухум, ароқ, оддий резинка калишлар учун навбатда турадиган одамлар эса ҳатто Наврўзга ҳам бефарқ эканлигини кўрсам, имонсизланиб, ўзини чайқовга ураёттаниларни учрагасам Бувижон ачамнинг сўнгти нафасдаги сўзлари эсимга келаверади.

— Рұхларни ранжитманглар. Айниқса Наврўз кунлари барча безовта рұхлар ўз қавмлариницида бўлади, улар тил ажратади, Наврўзга хуш боққанларни тарбият қилади... Бу ҳам Наврўз шарофати ила удумга кираётган, тўғрироғи, илгари унутилиб, қайтадан келаётган одатdir.

Наврўзни сумалаксиз тасавур қилолмаймиз. Махалламиизда Зулайҳо амма деган пок-покдомон кампир бўларди. Авваллари биз у кишидан бироз ҳайиқиб юрадик. Бир куни онам анчагина унни дастурхонга туғиб, ярим чеълакча ёғ билан мени Зулайҳо амманикига юборди. Амманинг эшигидан киришим билан у кишининг пешайвонининг чеккасида бир неча йигитларнинг ер ўчоқ кавлаёттанига кўзим тушди.

— Вой менинг болатинам келдими, Ҳалфа бувамнинг неварасидан ўргилай, берақол қўлингдагини, Пот-

ма түззукми, — дея мени олқадилар ва ҳовлида ўйнаб юрган мен тенги маҳалланинг қора-қура болалари Холбой, Раҳимжон, Саттор, Абдусайид, Ойнатиллаларни тўплаб, — Боринглар, дарёning бўйидан қуртдай-куртдай тошларни териб келинглар, — дедилар. Биз Зулайҳо амма иш буюрганига хурсанд, тош тергани кетдик. Кечқурун сумалак пишириш бошланди. Дошқозон атрофида маҳалла кампирлари ўлан, терма, лапар айтишди. Ўша пайтлар рўзага тўғри келган эканми, амма бизни кечга томон маҳаллага рамазон айтишга юбордилар. Чуурлашиб кўчага чиқдик ва Дехқон раиснинг дарвозаси олдида рамазон қўшигини бошладик:

Бойнинг уйига барака, кирсин давлат, чиқсин фалокат!

Ассалому алайкум еттан бойлар, ассалому алайкум ёттан бойлар, Уюр-уюр йилқига ботган бойлар! Оқ ўйинг, оппоқ уйинг чодирмиди, Ичидаги болалари ботирмиди?!

Ё рамазон, ё рамазон, бийбон Оллоҳ, худойим майрамазон... — Дарвоза очилиб каттагина товоқда туршак, майиз, конфетлар, битта ёғли патир кўтариб чиқди раиснинг қизи Ҳуррият... Бошқа уйларга ҳам айтдик. Сўнгра рамазон қўшиғидан тушган совғаларни келиб аммага бердик. У киши бизларни дуо қилиб, «Янаги Наврўзгача омон бўлинглар, болаларим», дедилар дуога қўл очиб. Тун бўйи амманинг уйида қолиб кетдик. Бу ҳақиқий байрам эди. Эртаси куни тонгла амма ҳаммамизга заранг косага сумалак қуйиб улашдилар.

— Наврўз байрамларингиз муборак бўлсин, ўғилларим, — дедилар амма. Уйга борганимизда оналиримиз ҳаммамизга янги кийимлар кийдириб қўйдилар. Кун бўйи маҳаллада байрам бўлди. Оқ, сиёҳранг, қизил буёқларга бўяб пиширилган тухумларни уриштирадик. Бу менинг Наврўз байрамини эсимни таниганимдан сўнг биринчи марта нишонлашим эди. Маҳалламиздаги Умид ача, Зулайҳо амма, Ҳайитгул момо, Майрам ача, Бувойша ачам, Сафар хола. Қурбоной мингбоши сингари онахонларимиз ҳар йили Наврўзда ширин-ширин сумалаклар пиширишардилар. Қозонларга улар ҳамма соладиган масалликларни солишарди, аммо пишириб келганлари бу дунёning таоми — сумалаги бўлмасди, бирам ширин... Мен шуларни ўйлайману таниқли бир шоирамизнинг қуйидаги ғазалиёти ёдимга тушаверади ҳар сафар:

Бу муборак она ернинг шоду хандон фасли бу,  
Жонажон тўйхона юрт ҳур Узбекистон фасли бу,  
Ҳам тароватли, заковатли нурафшон фасли бу,  
Ҳам саодатли, садоқатли яна жон фасли бу,  
Янги дунё, янги кундуз, кўхна байрамдир букун!

### ЖЎРА САРКОР

Одатда, юртни эътиқод идора этади. Эътиқод нураган жойда ҳоким ҳам, қози ҳам, миршаб ҳам ожиз бўлиб қолади. Биз яқин-яқинларда ҳам одамлар орасида катта мартаба билан юрган овжазлик машҳур чавондоз, ҳалқ иши учун катта эътиқод билан яшаган Жўра саркор Бойниёзов ҳақида эшитганимизда ишонч ҳосил қилдик эътиқоднинг кучига. Овжазга борганимизда шу ерлик Муллаёр бобо, Пўлат ака, Ойсар ака деган меҳнат фахрийлари Жўра саркор тўғрисида тўлиб-тошиб гапирдилар.

— Юртни ўрис босган йиллари зди, — дея аста ҳикоясини бошлади Пўлат ака Қўбаев. — Билмадим, сотқинлик бўлдими, ёки бирор чақув гап ораладими орага, ўрис тўралари Жўра саркорнинг отаси Бойниёз оқсоқолни олиб кетдилар. Кейин билсан, Бойниёз оқсоқол Сибирга сургун бўлиб, Барнаул шаҳрида экан. Ана шундай пайтда ўқтабр давлат тўнтиариши бўлиб оз вақт ўтмай «қизил тўралар», деб аталувчи кишилар келиб, ҳалқ орасида катта обрўта эга бўлган Жўра саркорни ҳибсга олмоқчи бўлдилар. Бироқ жисмоний ва табиатан бақувват бўлган Жўра саркор ўрис солдатларини олдига солиб кувади. Ўрислар кетиши билан оқшом олдидан Жўра саркорникига тумонат одам йигилади.

— Орайнилар, юртимизга қизил ўрислар бостириб келмоқда, улар бизни динимиздан, эътиқодимиздан, турмуш тарзимиздан ажратишмоқчи. Бирлашиб, ҳам-фикр бўлиб, бу иштонсиз тўраларга қарши курашиш керак. Оёқни маҳкам тирайлик, юртимизнинг мустақиллиги учун биргалашиб курашамиз, — дея хитоб қилди Жўра саркор тўпланганларга. Ўша куниёқ Жўра саркорнинг ёнига Алибой бойвачча, Мадиёр полвон, Масали ҳожи, Абдираим чавондоз, Алимқул оқсоқол, Каримқул маҳсум, Жанай полвон сингари мартабали кишилар етиб келадилар. Ўрислар билан орада бир неча маротаба тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бироқ ўқ-

дори танқислиги, кучлар тенгсизлиги маҳаллий курашчиларнинг ҳолини танг қилади. Ўттизинчи йилларга келиб Жўра саркор ва унинг укаси Жанай оқсоқоллар Олмати шаҳрига сургун қилинадилар. Бироқ Жўра саркор орадан олти ой ўтмаёқ сургундан қайтиб келади. Фоятда тадбиркор ва узоқни кўра биладиган Жўра саркор ёлғизланиб қолганини сезгач, балки тақдирга тан берибми, балки бошқа бир тадбирни кўзлабми, яккахўжалик асосида ишлайди, пахта экади. Аммо меҳр-шафқат ўрнини жаҳолат ва дарғазаблик эгаллаган ўша йиллари Жўра саркорнинг аллақачон қиличини синдириб, қалқонини тешиб қўйган эдилар. «Рўзанг чиқмади, экинингнинг ҳосили паст», деган баҳоналар билан Жўра саркорни яна ҳибсга олмоқчи бўладилар. Аммо у ёру биродарлари билан Оҳангаронга чегарадош бўлган Пискент гуманига қочиб кетади. Гарчан у расмий равишда Пискентда турса ҳам турли хавфлардан холи бўлиш мақсадида тез-тез Ашт, Ашоба, Матчоҳ, Ўратепа томонларда юрар, тўй-маъракаларда улоқчилар билан бўлар, ҳатто фамилиясини ҳам ўзгартириб, Жўра Ниёзов деб қўйган эди. Чунки ўша пайтдаги ГПУ, ОГПУ деган ташкилотларнинг вакиллари маҳаллий сотқинлар ёрдамида Жўра саркорга ўхшаган кишиларни излаб топишардилар.

Овжазликлар бизга қизик бир воқеани ҳикоя қилиб бердилар. Жўра саркор Пискент чўлларида қисқа фурсат ичидаги олмазор боғ ташкил этади. Қиши кунларининг бирида оёғида эски, йиртиқ калиш билан бир хуржун олмани олиб Ўратепада бўлаётган улоқда боради. Одамларга қишида олма улашади. Чавандозларнинг унга меҳри ошиб, бири унга улоқ чопиш учун отини беради. Ана шунда Жўра саркор улоқни етти марта маррага ташлайди. Ҳамманинг оғзида битта гап: улоқ олмачида кетди. Кечқурун бўлган улоқчилар базмининг бирида «ялангоёқ олмачи»ни ҳам даврага таклиф этадилар. Давра тўрида ўтирган оқсоқоллардан бири «олмачи»дан гап сўраб, унинг қаердан келганини билгач, Овжаз томонларда Бойниёз оқсоқол деган одам бўлганини, унинг фарзандлари бор-йўқдигини суриштиради. Жўра саркор оқсоқолларнинг ҳурматига сазовор бўлади, шу ерда етти кун улоқ чопиб, марра ташлаб юради. Бироқ бу ердаги ГПУ вакиллари ҳам унга шубҳали қарай бошлидилар. Буни сезган Жўра саркор дарҳол Тожикистон ҳудудидан чиқиб кетади. Кейин-

чалик Пискент туманининг ҳозирги «Гулистан» жамоа хўжалиги худудида ишлайди, пахтачилик бригадири бўлади, чорва билан шугулланади. Бироқ бу ерда ҳам унинг изини пойлайдилар. Жўра саркор то 1946 йилгача гоҳ Ашт, гоҳ Ашоба, гоҳ Матчоҳ, гоҳ Ўратепа, гоҳ Етимчўқи қишлоқларида бўлиб, ниҳоят уруш тамом бўлгач, Овжазга қайтиб келади. Ҳозирги Қўрронча қишлоғи ўрнига ёлғиз ўзи уй қуради. Төвлар орасида бўлган бу уй кўп ҳам одамларнинг назарини торта-вермас эди. Замон бироз тинчигач, Жўра саркор ҳозирги «Ўзбекистон» ширкат жамоаси ўрнидаги жамоа ташкилотида чорвада бош чўпон, чорвачилик бригадири, йилқичилик бригадири, ферма мудири бўлиб меҳнат қилади.

Эллигинчи йилнинг охирларида танишганмиз Жўра саркор билан. Кексайиб қолишига қарамай анча бақувват, хотира ҳофизаси кенг, дадил қария эди Жўра саркор. Бир сұхбатимизни эсласак, у шундай бўлганди. — Бу ҳукумат ҳам тирриқ чиқди, -- дедилар. Жўра саркор ўша пайтда, яъни Никита Хрушевнинг бўйруги билан қишлоқ аҳолиси қўлидаги отлар тортиб олинаётган эллигинчи йилларнинг ўрталарида. — Тагин бу халқ ҳукумати эмиш, эсимни таџибманки, ҳукумат одамларни талайди. Эҳ, қарчирайдай йигитларимизни, улкан алломаларимизни йўқ қилган ҳукумат қандай рўшнолик кўрсин. Одамларнинг миясини ёлғон билан тўлдириб, ҳаммани караҳт қилиб қўйди. Ҳақиқий, мустақил халқ давлати келармикан...

Жўра саркор Бойниёзов орзу қилган халқ давлати у оламдан кўз юмгаңдан сўнг ўн йиллар ўтиб юзага келди. Афсуски, мамлакатимиз мустақиллигини узок йиллар орзу қилган Жўра саркорлар ҳозир орамизда йўқ. Аммо уларнинг порлоқ руҳлари Ўзбекистонимизнинг бутунги шукуҳли истиқболига, истиқдолига гувоҳ бўлмоқда. Жўра саркор оламдан ўтган бўлса ҳам унинг фарзандлари Майрам дўхтири, ўғли Абдулла муаллим, набиралари Ҳуснитдин, Фахриддин ва бошқалар бутун мустақил Ўзбекистонимизнинг, унинг фаровон турмушининг, меҳнатсевар халқининг корига ярагани ҳолда баҳоли қудрат меҳнат қилишмоқда. Овжазнинг мўъжазгина қабристонида эса бир кичкина қабр киши диққатидан холи, сокин дўппайиб туради доим.

## ҲАР КУНИ БИР ОЛАМ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ

Ўзбекистонимизда рўёбга чиққан мустақиллик фақат одамларнинг руҳи ва қалбинигина эмас, қишлоғу кентларнинг, шаҳару қўрғонларнинг қиёфаларини ҳам ўзгартириб, тозартириб, ёшартириб юборди. Қорахитой Оҳангарондаги мустақиллик нашидасини суроётган, кун сайин обод бўлиб бораётган қишлоқлардан бири саналади. Қорахитой деганда бир самовий мавжудот, булатсиз осмон, беҳазон яйловлар, беҳудуд чамайлар, бўш пайтларида ўйин-кулгидан, тўй-ҳашамлардан бўшамайдиган одамлар, турли қушлар, уларнинг турлича чуғури, қувноқ, йигит-қизлар қўшиқлари билан лиммо-лим тўла далалар, дудул минган йигитлару қийғир олган бургутлар кўринади кўзингизга. Бу қишлоқ дилозор кишиларни ёқтиргмайди. Писмиқ, тирриқ, қоқбош, муғомбир, туллак, баҳил, бадфеъл, такаббур кишиларни ёмон кўради, ноаҳил одамларни сақламайди. Такъяларида булдуруқлар сайраб, рассталарида шойи-ипаклар сотилади. Одамлари хушрўй, қизлари нозик бу қишлоқнинг. Бу ерда ҳар тун эртаклардагидай гўзал бўлади. Айниқса унинг «Чашма» мавзесини айтмайсизми. Бу қишлоқда ҳаво аксари ҳузурибахш, тўйиб-тўйиб нафас оласиз, қушлар нағмасига қулоқ тутиб, аллақандай эртаклар оламига тушиб қолгандек бўласиз «Чашма»га борганингизда.

Туғилган юртим — куч-қувватим. Яхшими, ёмонми, ҳар ким ўз тупроғига киндиғидан боғланган бўлади. Унинг тоғлари, боғлари, сойлари, ўтлоқлари шу қадар гўзалки, айтган билан унинг сифатини келтирмаймиз. Қорахитойнинг боғларида олмалару анорлар, ўриклару шафтолилар, беҳилару нашватилар, ёнроқлару анжирлар, жийдалару олхўрилар болга тўлиб ётибди. Қишлоқнинг удабурро саркорлари бўлган Алибек раис, Холтўра раис, Дехқон раис, Мирҳаким раис, Бийтўра раис, шунингдек, Умар Умирзоқов, Исройл Фофуров, Холжўра боғбон, Зоир агроном, Ўринбой бригадир сингари кишилар бу боғларни кафтида сугориб белларида кўтаришган. Қорахитойлик ота-боболар фарзандлари туғилганда ҳечам май ичиб тантана қилишмаган, балки болаларига атаб дарахтлар ўтқазган, то бола ўсиб вояга етгунча уларни парвариши қилишган авайлаб. Қорахитойлик аёллар иффати, ҳаёси билан бирга момолардан ёдгор бўлиб келаёттан

узун-узун қора соchlарини қандай асрашини ўzlари билиб, қизларига, набираларига ўрғатишади меҳр билан, ҳавас билан, нозик таъблек билан ҳар куни, ҳар оқшом, ҳар дақиқа. Тор ҳавоси — дард давоси, деган нақл балки қорахитойлик қариялардан чиққан бўлса не ажаб. Унинг товларида минг хил дардга даво бўлувчи гиёҳлар унади баҳор палласида атрофни безаб одамларнинг дарди учун, кори учун, сиҳати учун. Балки шундандир, қорахитойликлар жуда кам чалинади турили дардларга, хасталикларга, яра-чақага. Оҳангарон нахри эса хайру барака олиб келади қорахитойлиklärга. Шу боисдир балки қорахитойлиklärнинг дастурхонлари кўнгиллари каби доим очик, хайру-бара-кага тўлиқ, уйларидан меҳмон узилмайди, меҳмон келмаса зерикиб қолади бу қишлоқнинг одамлари.

Қишлоқ чеккасида ҳазрати Ҳизр бобонинг табаррук излари, ундан баландроқда эса машҳур Турон ма-ликаси Моҳлар ойим амри билан 1809 йилда бунёд этилган сардоба, яна бир жойда қадим Илоқдан ёдгор бўлиб қолган Мингтепа, Чоштепа, Оқтепа мавзелари борким, қорахитойликлар бу мавзелар, гўшалар билан ғуурланиб, фахрланиб юрадилар мунтазам. Бутун қишлоқда мингдан ортиқ болани бағрига олган ўрта мактаб, шифохона, маданият уйи, масжид, жувозхона, тегирмон, новвойхоналар, ўнлаб дўконлар, шинам чойхоналар эл хизматида. Елкасида оқ сочигу кўнгли меҳмонга очик бўлган мезбонлар ҳар доим йўлингизга муштоқ. Қорахитойнинг қизлари чиройли, хушбичим, гўзал.

Ҳар юртнинг машҳур нимасидир бўлади. Парижнинг жаҳонга машҳур Эйфел минораси, Самарқанднинг дунёни лол қолдирган Регистони, Бухоронинг булутларга бош қадаган Минораи калони. Қорахитойнинг эса биттаю битта эркагина Шоҳистаси бор эди. У жуда одобли, сарамжон, саришта, одамларга, ўзи ишилаётган мактабдаги шогирдларига, маҳалласидаги қора-қура болалардан тортиб соchlарига эндиGINA тол баргакдан соч попук таққан қизалоқларга ҳам меҳрибон, одобда якто, ҳуснда танҳо эди Шоҳиста қиз. Афсуски, Яраттанинг ўзи жуда эрта, айни ўн саккизда олиб кетди уни онасини зор қақшатиб. Уни ҳамма севарди, одамларни севгани учун, тўғри сўзлиги, одоблиги учун. Унинг жанозаси куни одачилар қабристонга ирмоқдай бориб уммондай келишди. Қишлоқ аёллари эса қайсиdir талантли шоир ёзган бу қўшиқни Шоҳиста қизга нисбат бериб куйладиган бўлишди:

Синглим нобуд, күнгалим тобут, ёр-ёр.  
Ёшдан равшан күзимда ўт, ёр-ёр.  
Жанозангни күттармоқقا тикланиб,  
Келар бобом — Туркистан юрт, ёр-ёр.

Үн саккизга тұлмай кетдинг, ёр-ёр,  
Ұсма экиб, күймай кетдинг, ёр-ёр.  
Ёр-ёр айтиб, зор-зор йигилар элу юрт,  
Сүймай кетдинг, түймай кетдинг, ёр-ёр.

Ярадор қуш учиб келар, ёр-ёр.  
Қирдан мунгли қүшиқ келар, ёр-ёр.  
Бўйга еттан қизни она, ёр-ёр,  
Эрмас ерга қўшиб келар, ёр-ёр...

Ҳамма замонларда ҳам сўз ўрнига бўз берганлар устувор бўлишган. Бугун Қорахитойда ўндан ортиқ тадбиркорлар, ишбилиармонлар, деҳқон-фермерлар фолият кўрсатишмоқда юртни тўйдириш, бозорларни арzonлаштириш, одамларни тўқ қилиш учун. Булар Абдураҳим заводчи, Неъматилло фермер, Собидахон тикувчи, Адҳам бойвочча, Мулла Аҳмад тижоратчи, Файзулло ошпаз. Шулар боис қорахитойликлар нарса излаб четта чиқмайди, ҳамма нарса шу дўппидек қишлоқнинг ўзида муҳайё, туну кун ишлайди улар.

Қорахитойликлар эртага қичийдиган елкаларини бутун қашлаб қўя қолишиди. Мустақиллик йилларида, мустақиллик кунларининг аввалидаёқ Оҳангаронда биринчилардан бўлиб уйларига газ олиб келишди, сим чироқларни қайтадан таъмирлатишиди, тоза ичимлик сув келадиган қувурларини янгилашиб олишиди ўз кучлари, ўз маблаглари, ўз ҳамфирлари билан ўёқ-буёққа югурмасдан, саркорларни ранжитмасдан, ҳар ерга хату муҳр қилмасдан. Шунинг ўзиёқ бу ҳалқнинг бир-бирлари билан ҳамфикру ҳамдам, дўсту қадрдан эканлигини исботлайди. Бу ердаги баъзан бўладиган гаплар кўчага чиқмайди, қишлоқ аҳли узоққа қиз бермайди. Қўшни қишлоқларнинг йигитлари ҳайрон, нима бало, кўзининг ичида чўғи борми қорахитойлик қизларнинг, қадаган ерини куйдиради, деб. Қорахитойликлар ҳатто ғалвирда сув ташийдилар. Акс ҳолда тошлоқда ғалла, қўмлоқда сабзавот, харсангларда узумзорлар барпо этолмасди.

Уруш йиллари. Бизнинг бошимизга уруш дўллари ёғмаган. Лекин урушнинг даҳшатларини оналаримизнинг кўзларидан билиб олардик. Ана ўша уруш йил-

ларида, эркаклар фронтдалигыда аёллар Тошкентдан Ангренга ўтган темир йўлни қуришда қатнашган очнаҳор, енгил-копун, чалакурсоқ билан. Майрам хола деган қишлоқ раисаси бўларди ўшандада, барваста, сўзамол, меҳрибон онахон эди раисамиз барака топкур. Қиз эмас бир сандик тилло эди, зеҳни тез, қўли тез, қўлидан ҳам ўзи тез, ундан ҳам фикри тез эди унинг. Майрам оқсоқол, дейдиган бўлишди одамлар уни, ҳамон ўшандай эслашади ҳозир ҳам.


Қорахитойнинг сифатлари, фазилатлари кўп. Айтиб адo қилиб бўлмайди. Бутун Қорахитой мамлакатимиз мустақиллиги туфайли янада обод, чиройли, кўркам. Унинг ўзига яраша ўз олами, ўз осмони, ўз одамлари, ўз ташвишлари, қувончлари, ғам-андуҳлари борки, булар ҳам фақат қорахитойликларгагина хосдир.

### «МИНГ ЙИЛҚИ»

Отта ишқибозлигимиз боис қаерда йилқичилик ривож топганини эшитсак, албатта, ўша ерга бориб уюруюр йилқиларнинг ҳали бизга номаълум бўлган одатларини ўрганишга шошилардик. Яқинда маълум бўлишича, «Олмалиқ» ширкат жамоасида йилқичилик анча ривож топаёттани ҳақида хабар топиб, ўша ерга бордик. Хўжалик раҳбари Усмонали Ҳайдаров йилқиларга анча ишқибоз экан.

— Хўжаликни қабул қилиб олганимда атиги 38 бош биялар бор эди, — дейди Усмонали. — Ўзингиз биласиз, илгари йилқичиликка эътибор сусайиб, йилқиларнинг бош сонлари камайиб кеттан эди. Яхшияники хўжалигимизда Ўрзбой ака, Жўра ака деган эски йилқибоқарлар бор. Ўшалар сақлаб қолди йилқиларни. Яхшиси уларнинг ўзлари билан гаплашган маъқул, бош зоотехник билан бирга борақолинглар ўша ерга.

Биз бош зоотехник Исоқжон билан Минг йилқига жўнадик. Минг йилқи Ўрғозсойнинг бошланишида. Ўрғозсойда хўжаликнинг қўйлари, сигирлари, эчкилари бокилишидан хабардор бўлсан ҳам, Минг йилқи деган яйловнинг, мана шу яйловда хўжаликнинг 250 дан зиёд йилқилари ҳам боқилишини эшитмаган эдим. Йўлда ҳамроҳимдан нима учун бу ернинг Минг йилқи, деб аталишини сўрадим. Лекин менга нисбатан анча ёш бўлган бош зоотехник ҳам, бошқа чўпон йигитлар



ҳам унинг маъносини айтиб беролмадилар. Ниҳоят кун пешиндан оққанда «Минг йилқи»га етиб бордик. Бизни йилқиличик фермасининг бошлиги Маҳмуд Иброҳимов қарши олди. Катта, шинам отжонада йигирма чоғли биялар, анчагина қулуналар боғлиқ турибди. Бир томондаги кичик хонада от еми, бир томондаги хона эса мол дўхтириники экан. Йилқибоқарларнинг хизмат мавқеи шу қадарки, улар отта ишқибозлиқдан ташқари уларни парвариш қилишни ҳам жойига қўядиган кишилар экан.

— От жонивор одамга ўхшайди, — дейди бизга уюргаги йилқиларни кўрсатишга элтиб бораёттан отбоқар Жўра ака Юнусов. — Отлар кўп хислатлари билан одамнинг хислатларини эслатади. Масалан, инсонда рашк деган нарса бор. Бу нарса от жониворда жуда кучли, одамда бир-бирларини ҳимоя қилиш одати бор, отда бу ҳам жуда яхши сақланган. Яхши айғир ўз уюрига биронта бегона айғир ёки бошқа отни киритмайди. Яхши айғир ҳатто ўз уюридаги қулуналарининг ҳам бегона уювларга ўтишига йўл қўймайди. Итқушданку бор кучи билан ҳимоя қиласди. Бундай пайтларда бир неча айғир отлар биргалашиб ҳаракат қилишади. Маълум бўлишича, бу ерда отлар жуда яхши парвариш қилиниши билан бирга ҳатто бу ерларда биронта от сира ҳам нобуд бўлмас экан. Биз уюрга етиб келганда, йилқи уювлари Минг йилқи яловларида бемалол ўтлаб юришарди. Жўра отбоқарни кўриши билан катта айғир думини кўтариб бир кишинаб қўйди, сўнгра унга яқинлашиб яна бир кишинади.

— Кўрдингизми, айғир жонивор, ҳамма отлар жойида, нима қилардингиз овора бўлиб келиб, ўзим қараб турибман, деялти. Доим аҳвол шу, эрта келаманими, кеч келаманими, айғир жонивор албатта бир кишинаб, олдимга бир келиб кетади. Узоқ йили отларга қашқир оралаган экан уч айғир ўзлари бир бўлишиб, тинчи-тибди бўриларни... Жўра ака уюргаги икки юздан ортиқ отларнинг деярли ҳар бирини бизга таърифлаб берди: ҳув анави от қорахитойлик жийран қашқанинг, анави кўк той эса Саман отнинг, буниси номданаклик Мавлон чавондознинг «Ракета» номли отининг боласи. «Ракета». Бу номни эшитишим билан кўнглим қувониб кетди. Қани «Ракета»нинг боласи? Ахир бу менга таниш отку! — Ҳа, сиз «Ракета» тўғрисида қайсиadir газетага ёзгансиз, ҳатто бу отнинг номи чавондози Абдумавлон билан сизларнинг «Оҳангарон саркорла-

ри» китобингизга ҳам кирган. Абдумавлондан бу отни овжазлик Жуманазар Марғозиев олиб келган. Биз ҳам ундан илтимос қилиб «Ракета»ни бир неча кунга олган эдик, насл қодирсинг, дедик. Мана, унинг бу ерда бир неча болалари бор... Мен фурратни қўлдан бермай, Минг йилқининг нима сабабдан бундай ном билан аталишини сўрадим Жўра чавондоздан... У ялт этиб менинг юзимга қаради. Юзлари оқарди, дардми, шунга ўхшаш бир нарса хуруж қилганини сездим унда.

— Э, нимасини айтасиз, эшитишумча, бу ерлардан ҳеч қачон йилқилар аrimas экан. Уйинг куймагур Хрушчев бобо бўлмаганда ҳозир ҳам Ўрғозсойда ўн минглаб йилқилар юрган бўларди. Ҳаммаси ўша замонда йўқ қилинди. Яйловнинг номига келсак, бунинг тарихи узоқ. Мамлакатта ўрис келган йиллар экан. Ўрис тўралар уйма-уй кириб, ҳамманинг молларини, шу жумладан, отларини ҳам тортиб олиб кетибди. Шунда Ўрғозсой қишлоқлик Улуғ момо деган кампир, ўйилари билан битта бия ва битта айғирини олиб шу яйловга қочиб келади. Аммо оқ пошионинг одамлари мол излаб, шу ерларга ҳам келишади ва Улуғ момонинг эри ва ёлини қаерларгадир олиб кетади. Улар шундан сўнг дом-дараксиз кетишади. Улуғ момо эса эри ва ўғлидан дарак бўлмагач, шу икки от билан овора бўлиб кун кечиради. Аста-секин Улуғ момонинг отлари аввал тўртта, кейин саккизта, йиллар ўтиши билан мингтага етади. Улуғ момо оламдан ўтгач, унинг асранди ўсли Сувонқул отларга қарайди. Ўктабр давлат тўнтаришидан сўнг келган қизил ўрис тўралар ҳам отта ўч эканми, минг йилқини кўриб ҳайрон қолишади ва Сувонқулни бадавлат бой ҳисоблаб минг йилқисини тортиб олади, ўзини эса бадарға қилади. Одамлар эса Улуғ момонинг хотираси учун бу ерларни баъзан Улуғ момо, баъзан эса «Минг йилқи» деб атай бошладилар. Улуғ момодан қолган-қуттган отлар кеинчалик «Ўрғоз» жамоа хўжалигига ўтиб кетган. Аммо жойнинг номи «Минг йилқи»лигича қолаверди. Минг йилқи — ўтга сероб, иссиқ булоқлари кўп, тояларда шалолалар, шамол тегмайдиган пастқам ерлар, сувлоқ ва ўтлоқ водийлари кўп жой. Бу ерда йилқилар тез кўпаяди, моллар ҳеч қандай касалликка чалинмайди, отлари йирик-йирик, чопқир ва бақувват бўлади. Яна бир томони, Маҳмуджоннинг гапига қараганда, Ўрғозсойнинг энг баланд чўққисида Улуғ момонинг ҳайка-

ли ҳам бормиши, ҳатто ёнида мингта йилки ўтлаб юргани ҳам тошларда акс эттан эмиш.

Эртаси куни биз ҳамроҳлар билан Үргозсойнинг тепасига — тоғ устидаги катта ялангликка чиқдик. Тахминан ўттиз гектардан ортиқ текис яйловда ўт сероб, булоқдар шарқираб қайнаб турибди. Яйловнинг чеккасидаги қояда худди қари кампирга ўхшаган, тошдан ишланган Улут момонинг ҳайкални бор. Атрофида юздан ортиқ катта-кичик отларга ўхшаган ҳайкалчалар терилган. Узоқдан қарасангиз катта ҳайкалча худди отларни чақираётган бетимсол онага, бошқалари эса унга интилаётган қулун ва отларга ўхшайди... Ёраб, нима бу, Оллоҳ суйган бандасига шамоллар ёрдамида ўрнатган ҳайкалми ёки кимдир бирор, атайлаб Улут момо ва унинг минг йилкисига ҳайкал йўнганими тошлардан... Ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Нима бўлганда ҳам Минг йилкенинг остида қандайдир ҳақиқат борлиги аниқ.

### АМИР ТЕМУР ОҲАНГАРОНДА

Улут Амир Темурнинг бугунги салоҳияти, обрўзътиборига таъриф йўқ. Лекин оҳангаронликлар учун у янада азиз ва янада баландроқ аҳамият касб этмоқда. Қувончлиси шу ердаки, улут Амир Темур Оҳангаронни барпо қилган буюк шахс сифатида кўзга ташланган. Ўтмиш тарихдан шу нарса маълумки, ҳозирги Оҳангарон ўрнида буюк ва улкан Илоқ давлати бўлган. Аммо 1218 йилда мамлакатга бостириб келган мўгул истилочилари бу мамлакатни ер билан яксон қилгандар. Шундан сўнг бошқа ёзма манбаларда Илоқ давлати ҳақида ҳеч нарса учрамайди. Кейинроқ бу юртта қорахитойлар бостириб келишди. Қорахитойларнинг салафлари бўлган Чигатой улуси Оҳангаронни 1266 йилда иккинчи марта забт этган. Унга мўгул хони Олгуй ҳокимлик қилганини тарихий манбалар исботлайди. Бироқ 1267 йилда Олгуйнинг вафотидан сўнг Чигатой улусининг бир қисм Қашқа ва Сурхон воийларига кўчиб кетишганлигини академик Бўрибай Аҳмедов ишончли манбаларда исботлайди.

Улут Амир Темур биринчи марта Оҳангаронга 1363 йилда келиб, Қурама тизма тогларидағи қазилма бойликларни топтиради, олтин, кумуш ва бошқа маъданларни қазиб олиш ишларини йўлга қўяди ва худди шу

йили ҳозирги Оҳангарон шаҳрини барпо этганлиги ҳақида академик Иброҳим Мўминов ўзининг Амур Темурга бағишлиган машхур асарида исботлаб берган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Амур Темур Чирчик дарёсидан Оҳангаронга ҳозирги Узунсой канали йўналишида сув олиб келади ва натижада Оҳангароннинг ҳозирги Алишер Навоий, «Шодималик», «Дўстлик» ширкат жамоалари ўрнида сувориладиган ерлар, экинзорлар барпо этилган. XIX асрга келиб бу канал кўмилиб кетади. XX аср ўрталарида ўша Амир Темур қурдирган сув йўллари орқали яна Чирчик дарёсидан Оҳангаронга канал — Узунсой канали барпо этилиб, сув олиб келиндики, бу канал машҳур Амир Темур қурдирган канал ўзани билан барпо этилган.

Амир Темур 1397 йилнинг куз ва 1398 йилнинг қиши фаслини Оҳангаронда ўтказади. Улур Амир Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси қурилиши ишини назорат қилиб келаётган пайтда бу ерга тушган. Амир Темурнинг Оҳангаронда қишилашига нима эҳтиёж бор эди? Шуни унутмаслик керакки, бу даврда Оҳангарон шаҳри атрофларида Амир Темур салтанатига қарашли олтин қазиш ишлари Қурама тобларида кенг авж олган, шунингдек ҳозирги Олмалиқ шаҳри ўрнида мис, олтин эритиш корхоналари бўлган.

Оҳангаронда қишилаган пайтида Амир Темур, академик Бўрибой Аҳмедовнинг уқтиришича, ҳозирги Эпалик қўррони атрофига чодирлар тиктирган. Ана шу паллада Амир Темур пойтахти Самарқандга Франция, Испания, Греция, Хитой ва бошқа мамлакатлардан бир неча элчилар келишган. Амир Темурнинг истаги билан ўша элчилар Амир Темур қишини ўтказаётган Оҳангаронга келишади. Шундай қилиб Амир Темур Оҳангаронда Франция элчиси, архиепископ Иоонни, Испания элчиси Пойо де Сато Майорни, юнон элчиси Эрнам Санчес де Полосунносни, фаранг элчиси билан келган Шарл IV нинг вакили, авлиё Николони, Хитой элчилари Ан Чжи Дио ва То Цзинни, шунингдек, Испаниянинг маҳсус элчиси Руи Ганзалес де Клавихони қабул қиласди.

Амир Темур кейинчалик ҳам Оҳангарон водийсинг тараққиётига алоҳида эътибор билан қаради. 1388 йилда Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга куйилиши жойидан то Оҳангарон худудларигача ўғли, шаҳзода Шоҳруҳ Мирзо шарафига Шоҳруҳия мамлакатини барпо этади. Бу мамлакатта Шош ҳам бўйсунгандигини

атоқли олим Түргүн Файзиев ишончли даиллар билан айтган. Маңаллый халқ тилида бу ерлар ҳозир ҳам «Шарқия» деб аталади. Айниқса Оқангаронни Олмалиқ шаҳри билан борловчи Оқангарон дарёсига қурилған темир йўл кўприги остида, жануби-шарқ томондаги аҳоли пунктигининг ҳозиргача «Шарқия» деб аталиши шундан далолат беради. Буларнинг бари Буюк Амирнинг Оқангаронга, оқангаронликларга кўрсатган марҳаматларидан нишона холос. Одамлар эса ҳали ҳам биз улуғ Амир Темур қурган янги давлат одамларининг авлодларимиз дея фахрланиб юришади.

## ҲИКОЯТ

### БОТОЛМАГАН ОЙ

У заргар муаллим эди. Ҳа, эди! Ушбу сўзлар лутфига тилим ожиз. Бироқ шунча йилдан бери ҳар куни, ҳеч бўлмагандан, бир карра учрашиб, ютуғингдан қувонган, изтиробларингдан ўртанган қадрдонинг бир умр қайтмас бўлиб дорулбақоға кетса соғинч азобларига қаердан тақсин топасан? Қалбим қаъридан: «Ё Оллоҳ, бундай кишилар умрини зиёдроқ қилиб яратсанг бўлмасми?», деган аламзада нидо томоғимга урилади. Дўстим, укагинам, содик шогирдим сенсиз қалбим бўм-бўш, ҳувиллаб қолдику. Зоро, кишининг жисми оғриса чидаш мумкин, лекин у бўш қолса чидамоқ мушкул. Яна қабристонга чиқдим унинг зиёратига. Ўркач-ўркач ҳисобсиз дўнглик, ҳисобсиз қабр, ҳисобсиз тақдир, ҳисобсиз хажр. Уни қўйиш учун қабристонга ирмоқ бўлиб борганлар дарё бўлиб, кўлмак бўлиб борганлар уммон бўлиб қайтдилар. Ҳа, у давлат рўйхатидан ўтмаган халқ муаллими эди. Ўша 1997 йилнинг биринчи май куни ногоҳон Оқангаронга, Қорахитойга келган сел уни олиб кетди. Жон керакми, сенга дедиу Абдумўмин Муталов селга жонини тикиди, агар сенга мен керак бўлсам, ол, деди, одамларнинг уйига шикаст етказмагину менинг жоним сенга садака, деди.

Қазо ўқи қадалса қандай қалқон чидайди?! Абдумўмин Муталовсиз Қорахитой кемтик бўлиб қолди. Қаерда турган экан бу бошли-кўзли бало? Ўша куни

Қорахитой бир сесканиб түщди. Күз олдимизда Оҳангарон зор-зор қақшади. Абдумўмин Муталов манзилга етди, биз эса ҳали йўлдамиз. Дийдор қиёматга қолди. У файзиёб оиласнинг фарзанди эди. Унинг бокўлам билими бор эди адабиётдан, санъатдан, нафосатдан, ҳалқимиз тарихидан. Бир вақтлар мен у билан бирга ишладим бир мактабда, бир туманд, бир жамоада, у устозим бўласиз, адабиётта ҳавасни сиз ўйротгансиз, деб айтиб юрарди муттасил. У муаллим сифатида ҳамманинг кўз ўнгига эди. У 12-мактабда адабиёт кабинети ташкил қилди, адабиётнинг ҳар бир бобини шогирдларига ипидан игнасигача ўргатарди катта иштиёқ билан Абдумўмин, шунинг учун ҳам шогирдлари кетидан узилмасди эртаю кеч. Унинг мактабдаги муаллимлар учун ҳам очик дарслар, методик бирлашмаларда қилган маърузалари турдош фан муаллимларининг дарсларига кириб тажрибаларини алмашишдаги фикрлари ҳаммавақт янгилик бўларди. У ўз фикрларини ҳар доим уста мерган сингари доимо аниқ мўлжалга уради.

Абдумўмин Муталов Ўртачирчиқ туман ёшлар қўмитасига бошчилик қилганида ҳам, Қорахитойдаги ўсмирлар уйида йўриқчилик қилганида ҳам, ва ниҳоят, 12-мактабда адабиёт муалими, директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини вазифаларини бажарганида ҳам ҳаммавақт ҳалқнинг, злнинг назарида бўлди. Йўқ, у орден-медаллар, варақ-варақ шаҳодатномалар, фахрий ёрликлар, нишонлар олиш учун ишламади, зеро, эл зъзозлаган муаллимга булатнинг кераги йўқ эди. Уни одамлар севарди, у одамларни... Қорахитойдаги ўсмирлар уйида ишлаганимизда у Оҳангарон тумани тарихи бўйича айрича кўп материаллар тўплади, шу материаллар орасида Оҳангаронда қадимда зарб қилинган тилло тангалардан тортиб Амир Темур бобомизнинг Оҳангаронга пойи теккан палладардаги ёдгорликлар ҳам бор эди. Абдумўмин шулар асосида Оҳангарон тарихига оид яхшигина музей ташкил қилди. Атроф қишлоқларга, Фарғона водийси ва Самарқанд воҳасига бориб, ўқувчиларнинг саёҳатларини уюштириб, туман тарихига оид материаллар тўплади. Бу билан ўзи ташкил этган тарихий музейни тўлдириб борди. Афуски, ўсмирлар уйига ундан кейин келган раҳбарчалар музейдаги тангалардан тортиб босқа ноёб буюларгача талон-торож қилдилар. Ўша паллада Абдумўминнинг зор-зор қақшаб ҳали туман фирмасига, ҳали

халқ таълими бўлмига, ҳали ёшлар қўмитасига бе-  
самар юрганини кўп эслайман...

У табиат шайдоси эди. Парвардигор тоғларни ярат-  
ганда уни яхши қўрадиган одамларни ҳам қўшиб ярат-  
ган. У ёзги таътил пайтида Қурама-Чотқол тизмала-  
рига чиқиб кетарди, ойлаб, ҳафталаб юарди тоғларда  
кийик ўт, бўзбош, равочнинг томирлари, бошқа дори-  
вор гиёҳларни тўпларди, уларни ҳожатманд киши-  
ларга берарди бепул, беминнат. Кўпинча бу саёҳат-  
ларга унинг шогирдлари ҳам эргашарди. Абдумўмин  
табиатан болаларни беҳад севадиган инсон эди. Шу-  
нинг учун ҳам бугун бир неча юзни ташкил этади  
унинг шогирдлари, улар бугун тумаидаги мактабларда  
дарс ўқийдилар адабиётдан, она тилидан, нафосатдан.  
Унинг қазоси куни қайсиdir шогирди пичирлаб, шеър  
ўқиганининг гувоҳи бўлганман:

Дараҳт улкан экан йиқилганда билинди,  
Бошингда эл дод солиб йиглаганда билинди.  
Сарбонидан айрилган саргардон карвон мисол,  
Шогирдларинг сел каби ёғилганда билинди.

Уни ногоҳон сел олиб кеттан. У инграганда қулоқ-  
ларинг тош битмадими эй дали-дунё?! Темиру тош  
бўлган юраклар ҳам бу даҳшатли жанозани кўрганда  
бағри ёнарди! Энг оғир юк отанинг елкасидаги ичига  
ўрлининг жасади солинган тобут бўлар экан. Абдуму-  
тал ота кўзида селоб ёш билан Абдумўминни қабрис-  
тонга кўтариб борган паллаларни эсласам юрагим то-  
вонимга тушиб кетади...

Яқинда яна унинг ҳовлисига бордим. Айвонда унинг  
фарзандлари, набиралари, оила бекаси Ҳуррият, на-  
рида Абдумутал ота.

— Адашимнинг кўпга қўшилганига бир йил бўлди,  
руҳи-покларига яна оят тортай деб келдим, — дея  
айвонга чўқкаладим. Ота хомуш, тақдирга тан бер-  
гандай, Ҳурриятнинг кўзларида шашқатор ёш, фар-  
зандлар сукутда. Лекин таскин беролмадим уларга.  
Нима деб таскин бераман. Ахир бир козонда тўй  
учун ҳам, аза учун ҳам ош пиширадилар...

— Кўпга қўшиш..., — дейдилар Абдумутал ота  
ҳазин, унсиз товуш билан. — Ҳамма бора-бора кўпга  
қўшилади болам, тупроққа айланади. Яраттанинг иши  
бу. Шўрлик болам, мен уни кўраётгандай бўламан қалб  
кўзлари билан... Мен ҳам уни кўраётгандайман ҳар  
куни. У тоҳ дарвозамдан «Ҳазрат», деб кириб келади,

тоҳ, кечалари тўлин ой маҳали супемизнинг чеккасига ўтиргволиб ичак узди латифалар айтади, товушларини эшитаман. Унинг руҳи-поки шогирдларининг яхши ишларини, фарзанди қобилларининг эл орасидаги ҳурмат-эътиборидан хурсанддай, тўлин ой сингари номозшомда чиқкан ойдай ботолмайди. Шу ўринда талантли бир шоирнинг ушбу сатрлари худди Абдумўминга айтилганда жаранглайди қулогим остида:

Ё, қабрини кўрмоқчи,  
Ё, сабрини кўрмоқчи,  
Ё, исмини сўрмоқчи.  
Ё, қадрини кўрмоқчи...  
Ерга термулиб туар,  
Ерга эгилиб туар,  
Ботмай қолган ой!

Бу Абдумўминга айтилган марсия змас. У бизга доим йўлдош. У бизга тентқурларию устозларини жаннатнинг эшиги оддида кутиб турибди. Мухтасар қила-диган бўлсак, Яратгандан шуни тилаймиз: «Эй, дунёи зор, ўттанларку қайтмас, лекин уларнинг ёдини унумаслик мурувватидан маҳрум айлама бизни. Қабристондаги мана шу мармар зиналар, мана шу адл-устунлар, туну-кун ўчмаган шўълалар, бедор йўлаклар, тилосифат остоналар ёдимиизга солиб турсун уларни!»

Абдумўмин Муталов манзилга етди, биз эса ҳали йўлдамиз.

### ЎТКИР ЭДИ ҚАЛАМИ

Уни расмий ҳужжатларда Тарик Абдулович Фаттохутдинов, деб юритардилар, адабий жамоатчилик Тарих Фаттоҳ номи билан танишарди, биз унинг ҳамкарабалари, дўстлари ва ўртоқлари оддийгина Тарих ака деб чақирадик. Унинг дўстлари, танишлари бениҳоя эди. Маорифчилар, ҳуқуқшунослар, матбаачилар, раҳбарлардан тортиб чойхоначию супургичиларгача унга ҳурмат билан қарашади.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Оҳангаронда, ҳалқ таълимида кўрганмиз уни. Авваллари у Қирғизистоннинг Новқат туманида прокуратурада, терговда, ҳалқ суди идорасида ишлаган. Ўша даврдаги Сталин қатарони даврида уни ҳам «отанг мулла бўлган экан», деб юстициядан чиқарадилар. Шундан сўнг тақдир Тарих акани Оҳангарон билан боғлади. Мактабларда рус

тили, чет тили, тарих, жүтрофия ва бошқа фанлардан дарс берди ўқувчиларга. Фоятда сермулоҳаза мукаммал билимли бўлган Тарих аканинг уйидан одамлар узулмасди. Бири ноҳақ қамалган кишисининг иши билан келса, бири қайбир соҳа бўйича маслаҳатта келарди, бири қишлоқ шўросидан шикоят қилса, бири оиласий жанжаллардан бартараф этишда ёрдам сўрарди.

Тарих ака, ҳали айтганимиздай, жуда катта билим этаси эди. Ҳаддан ташқари қувноқ, хафа бўлиш нималигини билмайдиган, ҳар қандай сўз ўйинларию чистонлардан ўткир мушоҳадаси, топқирлиги билан чиқиб кетаоладиган қалами ўткир журналист эди. Бир воқеа ёдимизда қолган. Юк машинасида қаёқладир кетаётган эдик. Унгутга етганимизда йўл чеккасидаги ариқ ёқасида бир қиз учта бузоқни суворгани олиб чиқсан бўлса керак, моллар унга бўй бермасди. Машинада ўтирган Олмалиқ шаҳар бўлимининг ўша пайдаги мудири Турот Алибеков ҳаммамизга шу воқеага қараб шеър тўқишини сўраб қолди. Биз то ўйлаб шеър топгунимизча Тарих ака шеър тўқиб бўлди:

Ариқ бўйида бир қиз,  
Кўлида учта бузок:  
Қиз ёлғиз, кучи етмас,  
Бузоқлар қўйса тузод.

Бу — ҳазил шеърлар Тарих аканинг «чўнтақ адабиёти»да жуда бисёр эди. Тарих ака билан «Оҳангарон ҳақиқати», «Оҳангарон», «Олмалиқ ҳақиқати» газеталарида ишлаб юрганимизда, унинг дилкашлиги, ёзган мақолаларида соддалик ва қисқалик, ҳозиржавоблик ва мушоҳада кучига тўлалигини жуда кўп гувоҳи бўлганман. Тарих ака катта олимлар билан олимдай, сиёсатчilar билан моҳир сиёсатчидай, муаллимлар билан моҳир тарбиячидай сұхбатлаша оларди. Энг муҳими, ҳар қандай қишида, у билан биринчи мулоқотдаёқ ўзи ҳақида яхши таассурот қолдира оларди. Унинг газета-журналларга ёзган мақолаларида аксари илмийлик ва замонавийлик уфуриб туради. Айниқса унинг «Оҳангарон ҳақиқати» газетасида 1957 йилда босилган туман халқ таълими тизими тарихига оид мақоласи ўзининг ҳаққонийлиги билан ажralиб туришидан ташқари халқ таълими тарихидан мазмунли очерк сифатида ҳам қимматли эди. Бу мавзуга Тарих ака кейинроқ ҳам мурожаат қилдилар. Унинг бу туркумдаги мақо-

лалари туман халқ таълими тарихининг ноёб ҳужжати бўлиб қолган.

У ўткир воиз эди. Унинг сиёсий ва замонавий рух билан сугорилган баркамол маърузаларини эшигтан кишилар ҳозир ҳам ҳавас билан эслайдилар уни. Биз у билан жуда кўп сұхбатларда, ўтириш ва мажлисларда, адабий учрашувларда бўлганимиз билан ҳам фахрланамиз.

### «РУХСОРИДА ЛОМАИ МАЛОҲАТ»

Уни йиллар тўғони ёнлаб ўтган. Бу аёлни кўзгулар ҳам томоша қиласди, кўзгулар ўзига ундан нур олади. Аникроғи, кўзгуларга бу аёлдан нур ёғилади. «Рухсорида ломаи малоҳат, гуфторида нашъаи фасоҳат», деганларида ҳазрат Навоий ана шундай сулувларни назарда туттган бўлса не ажаб. Худо чиройли инсонни пешонасидан ўпади, дейишидаи. Шунинг учун ҳам унинг эл ичида ҳалол ва пок номи бор. Бунга Зумрадхон Ҳайдарова осонлик билан эришгани йўқ. Ахир бекорга айтишмаган: шуҳрат тўнини елкага ташлашдан кўра уни оқлаш қийин, деб. Зоро, врачлик касби жасорат. Бу касб фидоийликни, қалб ва фикр соғлигини талаб қиласди. Зумрадхон бир неча ўн йиллардан бери марказий шифохонада терапия бўлимининг мутираси, яна ҳам аникроғи, қўли енгил шифокор сифатида жон билан ишлаб бу мартабага эришди.

Одатда, одамлар ўзига шифокор танлайдилар, шифокор эса ҳеч қачон ўзига бемор танламайди. Зумрадхон ўта содда, ширингуфтор аёл. Ҳаммага бирдай, ҳаммага меҳр билан қарайдиган, унча-мунча хасталикни ўзининг ширин гуфторлари билан инсондан фориғ қиласдиган аёл. Унинг овози ариқдаги зилол сувнинг сокин шилдиришига ўхшайди. Шундан бўлса кепрак, яхши гапга чўтири ҳам гулдай очилиб кетади. Илгариги замонда кўпинча беморларни яши гапу меҳроқибат билан даволар эдилар. Балки Зумрадхон ўша удумни сақлаб қолишни афзал кўргандир. Фақат кеийинги бир йил ичида Зумрадхоннинг муолажалари билан Оҳангаронда неча юз аёл оғир касалликдан оёққа турди. Үлим ҳавфи бўлган оғир оёқ аёллар хасталикдан ҳолос бўлиб тинчгина «кўзи ёриди». Бугина эмас, Зумрадхон ҳафта-ўн кунда маҳсус шифокор бригадаси билан марказдан анча олис бўлган, асосан чорвадорлар истиқомат қиласдиган Эртош, Серка қирилди.

Гўшсой, Қорақир, Қаторовул қишлоқларида ҳам бўлиб, беморларни қабул қиласди, уларнинг хасталикларига ташхислар кўяди, даволайди, маслаҳатлар беради. Шунинг учун ҳам Зумрадхонни Оҳангароннинг ҳамма бурчакларида танийдилар, эъзозлайдилар, севадилар, ҳурмат қиласди.

Лекин дунёда ҳасад деган нарса бор, яхшиямки, отлар ҳасад қилишни билмайдилар, одамлар эса, худога шукур, ҳали отларга ҳасад қилишни ўргангандрича йўқ. Кези келганда Зумрадхонга ҳам ҳасад қиласди, ҳатто уни лавозимидан озод қилиш йўлларини ҳам излаб кўрдилар. Бироқ эзгу иш ҳеч қачон ҳасад қурбони бўлмайди. Тўғри, ҳамма юксакликни орзу қиласди. Аммо бошқалардан баланд бўлиш учун ҳамманинг оёғини қирқиш шартмикан? Зумрадхон ҳасад гўйларнинг «даъвоси»ни ҳам кечирди. Одатда, аёл қалбидек юмшоқ, ҳар нарсани осон кечирадиган қалб бўлмайди. Зоро, ёмонлик бўлмаса одам яхшиликнинг қадрини унутар экан.

Биз сухбатлашиб Зумрадхон билан ўтирибмизу шифохонада аксарият ёш аёллар, ёш йигитлар даволанаётганига алоҳида эътибор бердик. Ҳатто уларнинг баъзиларини яхши танирдик. Буни Зумрадхонга айтдик, у ўзини ийманибгина бироз ноқулай сезгандай гапириди:

— Кашанда, ичкиликбозлик, зरтаю кеч еб-ичишдан бошқа нарсани билмайдиган кимсалар врачга, мени даволанг, деб келишларининг ўзи кулагили. Турмуш тарзи бузилган бўлса, уларни қандай даволаш мумкин?!— Бизнингча, бу борада Зумрадхон ҳак. Лекин бизнинг мураккаб асримиз кишиларининг билим доираси ниҳоятда кенг бўлишини, кўп нарсани билиши зарурлигини талаб қиласди. Назаримизда, Зумрадхон Хўжавна ўз устида тинмай ишлагани, одамлар қалбига тўғри йўл топа билгани учун ҳам шундай кишиларни тўғри йўлга солиб юбормоқдаки, бундан ҳамма хурсанд.

— Сиз давр кишиси ҳақида сўрадингиз, — дейди мулойимлик билан Зумрадхон. — Бизнинг замонамизда бу мавҳум тушунча эмас. Давр кишиси, бу Ўзбекистондай буюк давлатнинг жони, зарраси. Одам ҳалқлар тақдирига ўзини даҳлдор, деб билсагина шахс сифатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Зумрадхоннинг айттанлари унинг ўзига ҳам даҳлдордир. У айниқса шифокор сифатидагина

эмас, она сифатида ҳам маҳаллада, ёру-биродарлар, дўстлари орасида ҳам катта обрўта эга. Зотан, оналар ер юзида бутун ҳаётнинг сарчашмаси. Тўмарислар, Барчинойлар, Гулойинлар, Нодирабегиму Сароймулкхонимлар, Қурбонжон додҳоларнинг жасоратлари жанговор йигитларга ҳам ибрат бўлгай.

— Сўнгги пайтларда юрак хасталиги билан оғриган аёллар бироз кўпайгандек, — деймиз Зумрадхонга.

— Инсонда ҳамма нарсага ҳукмрон бўлган юрак батъзан жарроҳ наштарини ҳам шарманда қилади, — дейди Зумрадхон Хўжаевна. — Биласизми, сўнгти пайтларда бу хасталик аёлларда бироз кўпайгандек туюлса ҳам биз уларни астойдил даволадик. Бир неча йилдан бери биронта аёл, айниқса түриқ ёшидаги аёл нобуд бўлмади. Президентимиз 2000 йилни соғлом авлод йили, деб эълон қилди. Бу бизга куч ва қувват берди. Шу сабаб биз қиз болаларни беш ёшиданоқ қаттиқ тиббий назоратга олдик, уларнинг қандай ўсиши, тарбияси, саломатлиги шифокор назаридан қочмайдиган бўлди. Шунинг учун ҳам туманимизда яшеттан аёлларда, айниқса ёш қизларда хасталик тобора йўқолиб бормоқда. Бир вақтлар аёлларимизни кўп қийнаган бўғма, камқонлик, бошқа жинсий хасталиклар мутлақо йўқолиб кетди.

Ҳа, Оҳангарон аёллари Зумрадхондай шифокорлар туфайли соғлом йўлга кириб олганликлари билан суюнса арзиди. Бироқ уни бошқа хасталикларнинг ортиб бориши қийнамоқда. Зумрадхондан буни очик айтишни илтимос қилдик, у бироз ийманди.

— Тўқликка шўхлик, енгилтаклик кўпайиб кетмоқда, айниқса ёшлар тез-тез тилга оладиган муҳаббат,— дейди Зумрадхон бироз алам, бироз жаҳл, бироз ачиниш билан. — Ҳозир «муҳаббат»нинг «ширин шароби» дуч келган жойда татиб кўрилмоқда. Оқибатда, қизлар майиб, йигитлар мулзам, судхона эшиклари гавжум, ҳисобчилар алимент ўтказишдан чарчаган. Булар давр ахлоқининг ривожига салбий таъсир қилмоқда, мени шулар қийнайди. Бундан ташқари ҳозирги ёш оналарнинг аксариси сут тиши чиқиб улгурмаган, суяги қотмаган болаларини боғчага ташлаб, ўзлари турмуш машаққатлари гирдобига тушиб кетмоқда. Мени шу муаммолар қийнайди...

Зумрадхон Хўжаевна бошқараёттган бўлимда беморлар учун ҳам, ходимлар учун ҳам темир интизом жорий этилган. Тозалик, озодалик, шириксуҳанлик — бу

ернинг азалий удуми. Бир томондан, беморларнинг тезроқ соғайишига ана шу тартиб-интизом ҳам кучли таъсир ўтказаётгани сир эмас. Одатда, ҳар шаҳарнинг машҳур ёки эл назарига тушган нимасидир бўлади. Тошкентнинг янги телеминораси, Самарқанднинг Бибихоним масжиди, Хоразмнинг Иchan қалъаси бўлса, Оҳангароннинг эркагина Зумрадхони борлиги билан ҳамма фахрланади. Зоро, Зумрадхон бу фаҳр ва гурурга арзийдиган қиз.

### ЯХШИДАН ҚОЛГАН НОМ

Ҳусан ака Ўроловни нафақат Оҳангаронда, балки Тошкент вилоятининг кўлгина жойларида яхши танишарди. У узоқ муддат хўжаликларни бошқарган удавурро раис, илгариги МТСларга директорлик қилган. Меҳнат фаолиятини ўн тўрт ёшида ёшлар қўмитасидан бошлаган Ҳусан ака Ўроловнинг ёшлиги жуда қийинчлилек билан ўтган. Ота-онадан эрта айрилган Ҳусан ака аввал бойларнинг эшигига жарчи, қўшчи бўлиб ишлади, кейинчалик жамоат ячейкаларига ўтди, 1930 йилдан бошлаб асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланди. Айни шу йилда Ҳусан Ўролов Қорахитойдаги янги тузилган жамоа хўжалигига раис этиб сайданди. Ўз ёнига Хидир Бозоралиев, Ориф Қурбонкулов ва бошқаларни олиб, хўжаликни иқтисодий ривожлантириш чораларини кўрди. Айни пайтда жамоада беш тенгдош: Мирҳаким Усмонов, Турғун Рахимбоев, Мирусмон Алиев, Эргаш Султонов ва Элчи Эшбоевлар биринчилардан бўлиб ҳарбий билим олиш учун Самарқандга кетишган эди. Ҳусан Ўролов Самарқандга ўз тенгдошларини кўришга борганда машҳур саркарда Мирқосим Шарипов билан учрашди. У билан учрашув Ҳусан Ўроловда катта таассурот қолдирди. Мирқосим Шарипов армиянинг вазифалари ҳақида Ҳусан Ўроловга сўзлаб берганидан сўнг, у Оҳангарондаги аскарлар ўртасида юз берган баъзи нохушликларни тузатиш чораларини кўнглига тутиб кўйган эди. Чунки бу пайтда Оҳангаронда бўлган «халоскор» деб юритилаётган «қизил армия» вакиллари одамларнинг уйларига қўққисдан бостириб кирап, айrim кишиларнинг мол-мулкларини ҳеч бир сабабсиз олиб кетар эди. Ҳусан ака Ўролов Самарқанддан қайтибоқ туман ҳарбий комиссариятига учраб, ўз фикрини айтди. Аммо ҳарбийлар нохуш ишларини давом эттира-

бердилар. Туманинг Ноксой қишлоғида аскарлар бир камбағал одамнинг мол-мулкини талон-торож қилиб, бесабаб оила аъзоларини қийнаганини эшитиб, бу воқеани Тошкент уезди раҳбарларига етказди, ана шундан сўнг армияда бироз тинчлик содир этилди. Бирок кейинчалик Ҳусан Ўроловни раисликдан озод қилишиди. Энди у туман «Қўшчи» кенгашига раислик қила-диган бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида камбағал батраклар, ерсиз деҳқонларга унумдор ерлар, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари берилди. Шу йилнинг кузида тумандаги ўттиздан ортиқ камбағалларга ер, си-гир, қўй-эчкилар берилди. Булар орасида Тоштон Султонов, Эламас Қўшолов, Абобакир Турдиев ва бошқа-лар бор эди.

Қишлоқларни ободоналаштириш ва кўкаlamзорлаштиришда ҳам Ҳусан Ўролов талайгина савобли ишларни амалга оширеди.

Ҳусан Ўролов бошчилигида Қорәхитойда биринчи бор ёш тракторчилар мактаби ташкил этилди. Бу мактабда қирқдан ортиқ йигитлар билим олишиб, туманда биринчи тракторчилар бўлиб этишди. Чунки шу даврга келиб, қишлоқларга янги тракторлар кела-бошлаган, уни бошқарувчилар эса йўқ ҳисоби эди. Ҳусан Ўроловнинг саъй-ҳаракатлари билан Оҳанга-ронда Тошпўлат Олвонов, Сураймон Жанозоқов, Абди Абдуллаев, Эламас Ўтбосов, Туроб Каримов, Сотиболди Жанаевлар биринчи тракторларни бошқариб, хўжа-ликларнинг ерларини ҳайдашга киришдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳусан Ўролов туман фирмасида мафкура соҳасига котиблик қилди. Айниқса республика миқёсидаги Фарҳод канали, Шимолий Тошкент канали, Ховос канали ва бошқа каналларнинг қазилишида оҳангаронлик ёрдамчиларга бош-қош бўлди, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди.

1948—1952 йилларда Ҳусан Ўролов Оҳангарондаги МТСларда сиёсий ишлар мутасаддийси, директор бўлиб ишлади. Кейинчалик Облиқдаги жамоа хўжалигига, Ял-поқтепадаги Охунбобоев номли жамоага бошчилик қилди. Ҳусан ака қайси вазифада меҳнат қилмасин, у аввало одамларга меҳрибонликни, ишни ташкил қилишда фақат инсон манфаатларини ўйлайдиган раҳбар сифатида кўзга ташланарди. Одамлар унга, у одамларга ишонарди. Шу боис ҳам унинг номини ҳатто ҳозирги ёшлар ҳам доимо яхшилик билан эслашади. 1999 йилнинг ёзида вафот этганда Ҳусан ака 95 ёшда

эдилар. Унинг жанозасида одамлар кўчага сиғмай кетишиган...

### ФАЙЗИЁБ ОИЛАННИГ УСТУНИ ЭДИ

Мен Уста Содик бувани таниганимда у фахрий эди. Унинг бобоси Сотиволди ака ҳам, отаси Додобой амаки ҳам Теловда темирчи уста бўлиб ўтишган.

— Кўз тарози, дил қози бўлар экан, болам, — дея сухбатини бошлаган эдилар Уста Содик бува мен унинг хонадонига борганимда. Теловнинг эски шуҳратини кўргандирсиз ёки эшитгандирсиз. Фаргона водийси билан Тошкент воҳасини боғлайдиган асосий карвон йўли эди. Жуда катта бозоримиз бўларди. Раҳматли бувам галиргувчи эдилар: амир Умархоннинг аскарларидан тортиб то Поронзав (Фрунзе)нинг лашкарларигача Кўқону Тошкентта шу Телов орқали ўтаркан, аҳди тижорат эса жума бозорини Телов бозорисиз ўтказмасакан. Буваларим, оталарим бутун умри бўйи шу ерда темирчилик қилиб, эл корига яраганда, шунинг учун ҳам сулоламиз темирчи устозлар сулоласи бўлган. Мен эса етти-саккиз ёшимдан темирчи отамга дам босганиман, кейин колхоз бўлди, устачилик асбоблари билан колхозга кирдик, ундан кейинги томошаларни сиз билмасангиз керак, болам. Ўтган саксон беш йилдан ортиқ умримда не-не савдолар тушмади менинг бошимга. Одам тилидан осилган кунларнинг гувоҳи бўлдик. Не-не одамлар бир кунда йўқолиб кетди. Қизик замон эканда-а, тавба, одам итна эмаски тешган ерида йўқолиб кетса. Лекин барибир эшигимизда умиқ, яхши кунлар умиди ётарди. Оллоҳга минг қатла шукур, ўзлигимизни, ўзигаbekлигимизни қайтариб берди. Ростини айтсан, болам, кечаги кунимиз, иликни мард қоқиб, мойини номардлар еган кун эдида. Бечора усталар шунга ҳам чидашибди. Президентимиз Исломжонга раҳмат. Бу ёғини сўрасангиз, Оллоҳдан кейин мен учун энг қадрли киши бу! Мен бу мустақил юртта табиатнинг нозик жойларидан, Яратганинг ўзидан хотиржамлик тилайман.

Уста бува чарчади шекилли, тин олди. Биз уста Содик буванинг сўзларини эшитяпмизу унинг ҳаёти, дили тўрида гавҳар эмас тошлар, рафлат дўли эгиб ўтган бошлар, юрагига қон тўлдирган ғашлар кўплигини уқиб олдик. Уста Содик бува колхоз тузилган йили укалари Йўлдошбой, Азимжонлар билан темир-

чилиқ қилишди, одамларнинг корига яради, колхоз ва колхозчиларнинг отларини тақалади, пичан, ғалла, шоли ўрадиган темир агрегатлар учун захира қисмлар, аҳоли учун кетмон, ўроқ, теша, пичноқ ясади. Лекин тўўппонча ясамади, қилич ясамади, милтиқ ясамади. Колхоздаги барча аравалар, тракторлар, комбайнлар таъмири уста Содик буванинг қўлидан чиқарди, унинг қўлига тушган ҳар қандай темир зриб, мўъжизага айланарди.

Шу ерда бир нарсани айттимиз келди. Оҳангарон ўз номи билан оҳангар — темирчилар ватани бўлгани аниқ. Яқин йилларгача ҳар бир қишлоқда қўли гул темирчи усталар бўларди. Уста Сулаймон Алиқулов, уста Исмойил бува, уста Мамадали ака, уста Махкам ака, уста Мадрайим, уста Ҳамроқул амаки, уста Мутал ака... Обликда. Сусамда, Хонободда, Қизилойда қанчадан-қанча темирчи усталар бўлишарди. Қани бугун ўша усталар? Нега темирчи усталаримиз, темирчилиқ устахоналаримиз ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Бу саволимизга уста Содик бува ажабланмади. Бироз ўйландио, аста жавоб қайтарди:

— Уста, айниқса темирчи уста кимнинг аравасига тушса ўшанинг ашгуласини айтиб, жиндай мурувват кўрсатса лўлининг ҳам чирмандасига шох ташлаб ўйнайдиган раққос эмас. Урушдан кейинги йиллари келиб мендан ҳунар ўрганиб кетган уста Кўчкор, уста Эргаш деган шогирдларим бўларди, навқирон, удавурро йигитлар эди. Шулар бор ҳозир, Тошкентда дейишади. — Уста бува яна бир пиёла чой ичдилар. Сўнг худди бир нарса хаёлига келиб, тезда ёдидан чиқадигандай шошилиб уқтиридилар. — Менга қаранг, ўғлим, шуни бир ёсангизчи, илгари биз раисларга икки фидиракли, бир от қўшиладиган аравачалар қилиб берардик. Унга кўп нарса керак эмас, иккита фидирак, битта гупчак, иккита узун ёғоч, қарабсизки, арава тайёр, бензин ҳам, афтол ҳам, мой ҳам, акамлатир ҳам керак эмас, от бўлса бўлди. Нега шуни қилишмайди, совхоз дедик, ширкат дедик, лекин ҳамон каталарнинг остидан машина бўшамаяпти, даланинг ичига машина билан кириб бўлмайдику.

Унинг гаплари ҳақ. Лекин на чора, кулба мўрисиз, шоли курмаксиз, қудуқ челаксиз бўлмайди. Уста буванинг ҳар галидан қишлоқларда темирчилик устахоналарини қайта тиклаш зарурлигини уқиб олаётирман.

— Темирчининг меҳнати инсофдан улуғ, исроф-

дан — хор, — дедилар уста бува пировардида. — Ким билсин, балки яқин орада қишлоқларимизда яна босқонлар гурсиллаб сандонларга тушадиган, темирчилик устахоналарининг мўриларидан тутун чиқадиган паллалар келар. Ахир суюк бутун бўлса эт битиб кетади, деган гап борку.

Уста Содик бува Дадабоев умрининг охирларида Теловдаги қабристонни обод қилиш ишига ташаббускор бўлиб, унинг атрофига минг тупдан ортиқ довдараҳтлар экди, сув келтириб сурортирди. Унинг хизматлари боис Теловдаги қабристон обод ва покиза бўлди. Чиндан ҳам уста Содик бува давлат рўйхатидан ўтмаган ҳалқ устаси эди. У оламдан ўтди. Унинг фарзанди қобиллари Ҳошимжон, Райимжон, Турдихон, Тўфаҳонлар эл корига қайишадиган кишилар бўлиб, оталарининг чироқларини ўчирмай турибди. Чунки уста Содик бува файзиёб оиласининг мустаҳкам устуни эдилар.

### МУҲАРРИРЛАР

Одамзод қайси бешикда катта бўлганини билиши керак. Акс ҳолда у тагсиз-насабсиз кимсадан фарқ этмай қолади. Шуларни ўйлайману беихтиёр мени вояга етказиб, қаламимни чархлаган «Оҳангарон» газетасининг собиқ муҳаррирларини тез-тез ёдимга оламан, уларга нисбатан ўзимда ички бир ҳурмат ва эътибор сезаман, уларнинг қаламлари остидан чиқсан сатрларни қайта-қайта ўқигим келади, ёзаёттанимда эса улар елкам оша таъқиб қилиб тургандай бўлишади мени. Газетачининг иши ҳам улоқчи отнинг ишига ўхшайди, энди бормайман, деган жойига қайта-қайта бораверади, бир мавзуни қайта-қайта ҳижжалайверади то одамларнинг ғашига теккунча.

Эмлик иккинчи йиллар бўлса керак, балки ундан олдинроқдир, Қораҳитойда тез-тез бўлиб турадиган кинофильмлар намойиши нима сабабдандир тўхтаб қолди. Бунинг сабаблари бор эди: клубларга катта-катта қулфлар осилган, унинг устига электр ўлгур осмондаги ойчалик ҳам ёруғ бермайди, аксари сувларни шолипояларга ёки Пискент туманинига олиб қўйишиди, ГЭСга сув қолмайди. Шу баҳона бир танқидий мақола ёзиб, «Оҳангарон ҳақиқати» газетасининг таҳририятига бордим. Таҳририятнинг қабулхонасида ийманниб тургандим, ичкаридан бошида оқ кепка, этнида

ок жужунча камзул, ўша пайтда расы бўлган оқ туфли кийган муҳаррир Иброҳим ака Алиев чиқиб, мени ичкарига бошладилар. Мақоламни үқиб чиқиб, яхши ёзибсан, Мўминкул, дедилар. Суюниб кетдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай мақола рўзнома орқали мушта-рийлар кўлига етиб борди. Ҳамма жанжал ана шундан кейин бошланди. Туман ва колхозларнинг раҳбарлари «тирранча муҳбир»га ҳар томондан тош ота-бошладилар. Мен Иброҳим ака Алиевнинг жасурлиги-ни ана шундаёқ сезгандим. Мақола маданият ходимларининг қандайдир йигилишида муҳокама этилганда кино ва электрга оид соҳанинг одамлари мени роса дўйпосладилар. Тўғрида, танқид соҳибжамол қиз бола эмаски, ҳаммага ёқаверса. Ана шу мажлисда муҳаррир сўзга чиқиб, мени жуда қаттиқ ҳимоя қилди. Ахир муҳбирни рўзнома ҳимоя қилмаса, ким ҳимоя қила-ди? Орадан сал ўтмай Иброҳим ака қазо қилганларида анчагача ўзимни қўйишга жой тополмадим. У киши ҳақиқий журналист эдилар. Мен сингари ўша даврнинг ёш муҳбирлари Искандар Раҳмон, Усмонали Эгамберди, Абдувоҳид Кўкиев, Норали Икромов ва бошқаларнинг ҳақиқий мураббийиси эдилар. Водариг, пешонамизга сифмади у киши...

Иброҳим Алиевдан кейин рўзномага Собир Султонов озгина вақт муҳаррирлик қилганлар. Бунгача Собир ака туман фирмә қўмитаси ташвиқот ва тарбибот бўлимини бошқаарди. Болалик экан-да. Иброҳим аканнинг қазосидан сўнг марсиянома бир шеър ёзиб Собир аканинг ҳузурига келдим. У киши шеърни ўқиб чиқяптию, чеккалари тиришаёттанидан тиззамгача қалтираб ўтирибман. Йўқ, ёмон демадилар, устидан ту-затдилар, сўнг кўчириб беришимни илтимос қилдилар. Ўша ернинг ўзида кўчириб бердим. Ҳатим андак бадхатроқ зди. Қайта-қайта кўчиридим. У киши тузатавердилар. Тўртингчи марта кўчирилган марсиядан атиги икки сатр қолди. Кўчиришда яна тўрт сатр қўшдим. Ана шу олти сатр босилиб чиқди рўзномада. Биз гоҳо таҳририятта келган муҳбирларнинг хатларини эриниб, гоҳо ранжиб, зўрга ўқиб чиқамиз. Собир ака эса жуда қатъиятли, билимдон, чидамли киши здилар. У киши фақат менинг мақола ёки шеърларимни эмас, балки ўша даврнинг таниқли муҳбирлари бўлган Абдураҳмён Сатторов, Қарши Тошбоев, Эржон Аслонов, Урол Бердиевларнинг ҳам мақолаларини ўша ернинг ўзида тузатиб, қайта кўчириш учун кўлларига берганларини

жуда кўп кўрганман. Собир ака рўзномада кўп ишламадилар. Лекин у кишидан бизга қўлёзмалар устида қунт билан ишлашни ўрганиш чинакам мерос бўлиб қолди.

Рўзномани анчагина вақт Қодир Тоҳирий ҳам бошқарган. У киши яхши шоир, иқтидорли маърузачи, аҳоли ўртасида халқаро ҳаёт ва тиббиётни кенг тарғиб қилувчи малакали сухандон ҳам эдилар. 1954 йил бўлса керак, Қодир Тоҳирий бир куни мени таҳририятта чақириб, маҳаллий кенгашга сайлананаётган ноиблар ҳақида бирор нарса ёзиб беришимни илтимос қилдилар. Ўша пайтда ўнинчи синфда ўқир эдим. Қўлим ҳам анча келишиб қолган эди. Мақолани ёздим. Аммо мақола матни Қодир акага ёқмади шекилли, туратурсин, кейинроқ кўрармиз, дедилар. Ҳар куни рўзномага қарайман, йўқ, қани энди чиқақолса. Ахир бир куни рўзномада каттагина мақола зълон қилинди. Аммо мақола остидаги имзо ўрнида менинг иссими билан бир қаторда «Қодир Розич» деган имзо ҳам турарди. «Қодир Розич» деганлари ким бўлди экан, деган хаёл билан бир сафар таҳририятга борганимда Қодир аканинг ўзлари гап очиб қолдилар.

— Мақолани ўқидингми, — дедилар у киши. — Ноиблар ҳақида ёзганда энг аввало шу соҳанинг сиёсий вазиятига тўғри тушгана билиш даркор. Айни пайтда ноибининг одамларга ўрнак бўладиган томонларини топа билиш керак. Шу-шу бўлди, мен бундан сўнг бирор мақола ёзсан Қодир Тоҳирий елкам оша кузатиб тургандай бўлаверади.

Бир куни Тожибой ака мени йўқлатиб, илтимос, эртага вақт топиб Серго номли хўжаликка бир чиқиб келинг, кичик-кичик «подборка» ёзиб келинг, дедилар. Бу гап мен учун янгилик. «Подборка»си нима тарин? Кейин билсам, митти мақолачалар экан. Мақолачалар ёзилди. Бунинг сири шундаки, икки-уч сатрда барча янгилик ва унинг манбаларини муштарийга етказа билиш даркор. Шубҳасиз мен ўша материалларда бунинг уддасидан чиқаолмагандим. Тожибой ака менинг кўз олдимда мен ёзган ўн икки саҳифали материалларни икки қофозда ифодалабгина қолмай, чиройли мақолачаларга айлантиридилар. «Подборка» ёзиш сирларини кейинчалик ҳам у киши менга жуда кўп ўргаттанилар. Табиатан оғир, вазмин бўлган Тожибой ака биз — ёш муҳбирларни кўрсалар ҳаддан ташқари севиниб кетардилар. У баркамол қаламли журналист

эди. Мен у кишининг имзоси билан чиққан «Оқ йўл сенга Фазилатхон», «Лавлагизордаги чақиртиканак» сингари мақолаларнинг ширасини ҳали ҳам сезиб турман.

Акром Аъзамов «Оҳангарон ҳақиқати»га муҳаррир бўлганида айни қирчиллама ёшида, қотирма ёقا кўйлак, ит тумшук ботинка, илонпўст галстук тақадиган йигитча эди. Дорилфунундан таътилга чиққан пайтларимда бир-бир ярим ой Акром ака билан ишлардим таҳририятда. Кейинроқ, рўзномада мўким ишлайдиган бўлган пайтларимда, у киши менга танқидий маколалар, айниқса фельетон жанрида ёзишни ўргатдилар. Оҳангаронда Мирхалил Мираъзамов деган муаллим бўларди. Одамлар унинг ижобий фазилатларидан кўра салбий хислатларини яхши билишарди. Рўзномага шу киши тўғрисида кетма-кет хатлар, шикоятлар туша бошлади. Акром ака шу хатларни ўрганиб, фельетон ёзишни топширдилар бир куни менга. Бу мен учун шараф эди, масъулият ҳам. Ахир қайси бошловчи мухабир фельетон ёзишни орзу қилмайди. Фактларни ўргандим, жуда кўп хатларнинг муаллифлари билан сұхбатлашдим. Фельетон тайёр бўлди. Унинг номи «Туллак чумчук» эди. Юрак ютиб уни Акром акага бердим. Муҳаррир фельетонни ўқиб чиқдилару қайтадан ёзинг, дедилар. Айни пайтда қаҳрамонингиз типик одам, деган калимани эслатдилар. Фельетонни роса уч марта қайтадан ёздим. Ана шундан кейингина Акром ака фельетон қўлёзмасини ўқиб чиқиб, «Мана бу бошқа гап», дедилар. Бу калимани у киши фақат яхши нарсаларни ўқиганларида гина айтардилар. Ўзим ҳам суюниб кетдим. Шу-шу фельетон ёзадиган бўлсам Акром аканинг ўша машҳур «Мана бу бошқа гап» и доим мени таъқиб қилиб туради. Кейинчалик, Акром акага мувовин бўлганимда ҳам бундай қайта ёзишларга жуда кўп дуч келганман.

Туман газетаси ҳам етмишга яқинлашиб қолди. Унинг бешигида ётиб, табаррук ва хурматли устозлардан ана шуларга ўхшаган анчагина хислатларни ўрганиб олган эканман, бутун ҳам уларнинг таъқиби, таъсири, тадбири, меҳри ва бир устоз қадар олижанобликлари кўз олдимдан ўтаверади, ўтаверади, ўтаверади...

## ЗАМИН ШУНҚОРИ

Инсон умри бошқаларга хизмат қилиши учун сарфланиши, ўзгаларга ҳарорат багишлай олиши билан қимматлидир. Биз эса кўпинча бирор раҳбар ҳақида галирганимизда инсон қисматини рақамлар салобатига қурбон қиласиз. Одатда, йигит киши маҳалла учун туғилмайди, унинг елкасида эл-юртнинг төғ-төғ ташвишлари ётади. Шунқор Умарович Умирзоқов ҳам эл-юртнинг ташвишлари билан тиниб-тинчимайдиган инсонлар тоифасига киради. Агар унинг таржимаи ҳолига назар ташлайдиган бўлсак, уни ҳар доим эл-юрт орасида, унинг ташвишлари билан юрганининг гувоҳи бўламиз. Зоро, йигитнинг элига, ерига, юргига бўлган муҳаббати тошни ошга айлантиради. У ҳали Политехника институтининг тўла курсини тамомламаёқ Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» ширкат жамоасининг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси, кейинроқ шу хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси бўлиб ишлади. Орадан икки йилни ўтказиб, «Ўзбекистон» ширкат жамоасида раҳбар лавозимида, сал ўттач эса, шу хўжаликнинг биринчи раҳбари лавозимида ишлади, 1992 йилнинг сентябридан эса «Оҳангарон» ширкат жамоаси бошқарувига раис бўлиб сайланди. Эндинина қирқ ёшли қоралаган Шунқор Умарович бутун фақат ўзи раҳбарлик қилаётган «Оҳангарон» ширкат жамоасидагина эмас, балки республикада ҳам катта обрў-эътибор қозонди.

Одатда, одамларни ўтган йиллар эмас, юртнинг урфодатлари улгайтиради. Шунқор Умарович ҳалқ орасида нима учун севимли раҳбарга, эннинг эъзозидаги кишига айланади? Бу саволларга жавоб излаб узоққа боришининг ҳожати йўқ. Унинг раҳбарлигига қисқа муддат ичида хўжаликдаги бундан ўттиз йиллар олдин қурилиб, истеъмолга ярамай қолган барча электр тармоқлари янгиланиб, хонадонларда « зангори олов » ёнабошлади. Деярли барча қишлоқларнинг аҳолиси тоза ичимлик сувлар билан таъминланди, хўжаликнинг барча узоқ-яқин қишлоқларини туман маркази ва қўшни шаҳарлар билан боргайдиган автобусларнинг қатновлари жорий этилди. Одамлар эртанги кунга ишонч билан яшайдиган бўлиб қолдилар. Аслида хўжаликка Шунқор Умирзоқов раис бўлиб келганиданоқ одамлар мудроқликдан уйғонган эдилар. Ибратли эл бир-бирини ботирим дер экан. Шунқор Умарович ҳам кат-

тага каттадай, кичикка кичиқдай мұомала қылди. Одам-ларнинг тилининг учида турган гапларини эътибор билан тинглади, қишлоқда ободончиллик ишлари тараққий эта бошлади, янги-янги чойхоналар, тиббий мұассасалар, бинолар, савдо, маший хизмат биноларни қурдиртириди, эскиларини таъмирлатди. Болалар боғчалари, мактабларга мунтазам кириб, жамоанинг корига яради. Қорахитой, Үнгут, Ялпоқтепа қишлоқларида янгидан-янги овқатланиш ва маънавият комплексларини бунёд этди. Хўжалиқдаги 87 оиласа ғаллазорларни, ўнта оиласа сабзавотзорларни, 15 оиласа узумзорларни, 88 оиласа олмазорларни бир неча ўн йилларга ижарага берди. Чорвачиликда ҳам оила ижрасини жорий этди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалити ва чорвачиликнинг тараққий этган соҳага айланishiга туртки бўлди. Ҳар йили хўжалик давлат буюртмаси шартномаси асосида 2650 тоннадан зиёд ғалла топширишга эришади, минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар ишлаб чиқарилиб, хўжалик гаркибидағи кичик корхонада консервалар тайёрланади ва аҳолини бутун қиши давомида мева, мева шарбатлари билан таъминлаб турди. Хўжалик ҳар йили фақат ғалла ишлаб чиқаришнинг ўзидан 42 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилади. Унинг ўн миллион сўмгacha қисмини соғдаромад ташкил этади. Чорвачилик, узумчилик ва шоличиликдан келадиган шунча микдордаги соғ даромадларни ҳам кўшадиган бўлсак, хўжаликнинг астасекин фақат фойда кўрадиган корхонага айланиб бораёттанинг гувоҳи бўламиз. Албатта, раис бу ютуқларга осонлик билан эришмади. — Бошингни эгиб, ёрдам сўраб борганингда эшигига қопонғич итдай темир котибаларни ўтқазиб қўйган раҳбарлардан худо асрасин, — дейди Шунқор Умарович. — Улар билан тил топишнинг ўзи қийин. Барibir, яхшиликтан зўрроқ ибодат йўқ. Биз одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилишни биринчи галдаги вазифа қилган эдик. Яратганга минг қатла шукурки, бунга эришдик. Ҳа, Шунқор Умаровиҷда Оллоҳ берган истеъдод бор. Шунинг учун ҳам унинг оти ўзидан доимо оддин юради. Ёш ва обрў эса кишига ҳеч қаҷон ортиқчалик қилмаган. — Тинган сувни қурт босади, — дея ўз ҳамкасларига муттасил уқтиради Шунқор Умарович. — Яхшими-ёмонми ҳар ким ўз тупроғига киндигидан боғланган бўлади. Истеъдод эса Оллоқнинг инояти, меҳнат, ижод, изланиш дегани бўлади. Мен хўжалик-

даги ҳар бир ўрта бўғин раҳбарида ана шуларни кўраман. Тўғри, алл одамлар ўтиб кетди. Уларнинг олдида биз посангичалик ҳам эмасмиз. Айниқса хўжалиги-мизнинг ўтмишида моҳирона раҳбарлик қилган Фахридин Гуломов, Сулаймон Ойхўжаев, Маҳмуд Тоҷиев, Умар Умирзоқов... булар бошқача раҳбарлар эдилар. Лекин ўшалардан нимадир қолган бизда ҳам... Шундан бўлса керак, Шунқор Умарович кўпинча эртага қичийдиган елкасини бугун қашлаб қўя қолади. Ана шу тадбиркорлиги туфайли бир неча йиллардан бери хўжаликда бир кило ғалла ишлаб чиқариш тўққиз сўмдан ошмайди. Ширкат жамоасида меҳнат қилаётган 450 га яқин ишчига ҳар ойда уч миллионга яқин, ўртача ҳар бир ишчига эса 6,5 минг сўм атрофида ойлик маош тўлаб борилади. Мана, бир неча йилдирки, «Оҳангарон» ширкат жамоасида биронта ишчи «ойлик мояна олмадим», деган гапни билмайди. — Меҳнатта қорни тўқ одам ярайди, — дея жуда кўп гапиради Шунқор Умарович фаоллар, биргадирлар билан бўлган сұхбатларда. — Яхши раҳбар чин падар бўлади. Дехқоннинг ҳам, подавоннинг ҳам, механизаторнинг ҳам қорни тўқ бўлсагина ишлайди... Шу боис бўлса керак, раис ҳар йили ғалла ўрим-йигими ва сабзвотларни тўплаб олиш даврида ишчиларга натура билан ҳақ тўлашни жорий қиласди. Шунинг учун ҳам одамлар авжи баҳоррўядан бошлаб то охир кузгача далада бўлишади. Бу ҳол барча экинлардан мўл ҳосил этишгиришга катта имкон яратади. «Оҳангарон» ширкатининг тумандаги бошқа хўжаликлардан устуналиги, устуворлиги ҳам ана шунда.

Шунқор Умирзоқов хўжаликка раис бўлиб келганида ширкатнинг ушлайдиган жойи қолмаган эди. У раҳбар сифатида истеъодд билан ишлади. Ишнинг кўзини биладиган, талантли мутахассислар Икромжон Файзиев, Абдужаббор Абдужалолов, Искандар Исмоилов, Маҳмуд Холтўраев, Саттор Сарибоев, Маҳмуд Кўшоқов ва бошқаларга муҳим участкаларни ишониб топширди. Натижа ёмон бўлмади. Хўжалик иқтисодиёти тез орада фойда кўрадиган бўлди. Одатда, кўйни кўй, пулни пул топади. Чорвадорни эса кўраси кўйга, кўзаси мойга тўлгандагина тан оладилар. «Оҳангарон»да ҳам шундай бўлди. Қисқа муддат ичиди чорвачилик фақат фойда келтирадиган соҳага айланди. Ҳозирги пайтда хўжалик яйловларида ўн олти минг бошдан ортиқ кўйлар парвариш қилинмоқда. Хўжа-

лиқда муттасил равища түл олиш, жун қирқими, моллар бош сонини күпайтириш, ішті шалапа да сут ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилади. Бино-барин, «Оҳангарон» ширкат жамоаси ишор хўжаликлар қаторидан жой олиб, унинг қишлоқлари асрлар губорларидан мустақиллик туфайли покланди, одамлар эркин ва тоза нафас олаётган экан, бунда хўжалик раҳбари Шунқор Умирзоқовнинг катта хизматлари борлигини бугун ҳамма билади.

Яхши раҳбар злнинг эҳтиёжи учун қайишади. Шунқор Умарович фақат ҳалқнинг иқтисоди тўқис бўлишинигина эмас, балки унинг маънавий поклигини ҳам кўзлайдиган раҳбар. Кошки орамизда шундай кишилар кўп бўлса. Ахир ҳамма замонларда ҳам сўз ўрнига бўз бергандарнинг устувор бўлгани бежиз эмасда.

### ҚИШЛОҚНИНГ УДАБУРРО САРКОРИ

Раҳбарлик узиб еса бўладиган олма эмас, унга лаёқат, зеҳн, меҳнат керак. Инсоният минг йиллардан бери садоқат, вафо деган битмас-туганмас эзгуликни яраттган экан, мен ана шу ҳислатларни Соғломбек Балашовда жамулжам кўрганимдан хурсанд бўлиб кетаман аксари. Зоро, унинг ўзи жуда кўп айтади: шұхрат тўнини елкага ташлашдан кўра уни оқлаш қийин. Шундан бўлса керак, Соғломбек Балашов мана бир неча ўн йиллардирки, ўзига оддийлик камтарлик, саҳийлик ва одамларга меҳрибонликни касб қилиб олган. Зотан, бу ҳислатлар инсоннинг ичкарига киришига ижозат берадиган тилсиз ибора ҳисобланади. Бир вақтлар оддий чўпон бўлган бу йигит бугун Оҳангарондаги улкан хўжалик Собир Раҳимов номли ширкатлар уюшмасининг раиси. У бу мартабага осонлик билан зришмади. Аввал отадан жуда эрта етим қолганлиги унга панд бераёзди. Аммо уқувли бу йигитни қишлоқ меҳнаткашлари ўзгача бир меҳр билан ардоқладилар. Сусамдаги одамларнинг бари меҳр-оқибат кўрсаттган, мартабалари улуғ бўлишига қарамай бир улфатдай гаплашган у билан, бири энг яқин дўстидай ғамхўрлик қилган, бири унинг «пешонаси очилиб кетишига» ишонч түғдирган, бири интиқом оловини учирив, ҳамширалик қўлини чўзган, бири оналик меҳрмуҳаббати билан бошини силаган, бири унинг ютуқларига ҳасад қилганларнинг шаштини қайтарган, бири ёруғ ва улуғ кунларга ишонч түғдирган... Одамлар тақ-

дирни, тақдир одамларни излаб юради, деганлари шудир балки...

Соғломбек мактабда бўлганидек, олий ўқув юртида ҳам яхши ўқиди. Ўқишни битирса ҳам аввал чўпонлик қилди, кейин молбоқар, ветеринария техники, сўнгра бош зоотехник, вақти келиб директор бўлди ўша пайтдаги совхозга. Унинг исми энди ўзидан олдин юрабошлиди. Хўжалик оёққа турди. Сўнгра Соғломбекни «ўтириб қолган» «Ўзбекистон» совхозига директор этиб тайинладилар, кейинчалик туман ижроқўмининг раиси, туман фирмә қўмитасининг биринчи котиби, туман ҳокими бўлиб ишлади. Бироқ йиллар ўтиши билан ўзи кафтида сурориб, белида кўтарган Собир Раҳимов номли хўжаликка ноқисул ақллар аралашиб қолгач, ширкатнинг ушлайдиган жойи қолмаёди. Соғломбек узоқ ўйлаб ўтирмади, ариза бериб ҳокимликни бўйнидан соқит қилди. Яна одамлар Соғломбекни Собир Раҳимов номли ширкатлар уюшмасига раис этиб сайдадилар.

Замон ҳар аввалгисидан етукроқ кўргиси келади. Зоро, ҳозирги замон йигитнинг элига, ерига муҳаббати тошни ошга айлантирадиган палла эканлигини Соғломбек яхши тушинарди. Тўғри, унда гап ҳам, зарб ҳам бор. Шу боис бўлса керак, хўжаликда энг аввало интизомни мустаҳкамлади. Интизом эса жамоанинг қиёфаси, садоси, чиройи, чаққонлиги, мимикаси, эътиқоди ҳисобланади. Шу сабабли тарқалиб кетиши арафасида бўлган Собир Раҳимов номли ширкат жамоаси ҳалокатдан кутқариб қолинди. Соғломбек хўжаликка келганида қора моллар йўқ ҳисобида, қўйларнинг бош сони атиги тўрт юздан ошмасди, экилмай қолган ерларга қамишлар униб чиқсан, ариқлар сувсиз, одамлар хокистарон эдилар.

Катта хаёлинг бўлса ўзингни аяма, чунки жонингда ўт билан туғилгансан, — дея унга насиҳат қилдилар қариялар. Соғломбекда улкан жасорат пайдо бўлди. Қозористон, Тоҷикистон, Фарғона томонлардан зотдор қўчқорлар олиб келди, натижада атиги беш йил ичida қўйлар бош сони етти минг тўрт юз бошдан ортиб кетди, йирик шоҳли моллар эса олти юз бошдан ортиб. Сурориладиган ер майдонлари бир минг етти юз гектарга яқинлашиб қолди. Кишининг киндик қони томган ерига меҳрини унинг она суги боғлаган дейишади. Ерга эътиқод дегани шу бўлса керак. Ахир от бойловда, қўй яйловда семиради, деб бекорга айтиш-

маганку. Соғломбек илғор чўпонлар Мирабулла Қанаев, Қулмат Бойчаев, Кўчбой Холиқовлар билан бамаслаҳат яйловларни кенгайтирди, моллар учун маданий яйловлар ташкил этди. Чўпонларнинг эркин ишлаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этди. Чўпон илигининг тўқлиги эл илигининг тўқлиги эканлигини яхши билган Соғломбек соатта қарамай ишлайдиган соҳа чорвачиликни тараққий эттирадиган барча тадбирларни амалга оширди. Натижада ҳар йили хўжалик чорванинг ўзидан икки ярим миллион сўмдан кўпроқ соф даромад оладиган бўлди. Одамларнинг қора қозони гўшт кўрди, ёғ ялади. Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб ўзи пишса. Соғломбек экинзорларни кўпайтиришга астойдил бел боғлади. Барча техника, ишчи кучлари экинзорларни кенгайтиришга сафарбар этилди. Ниҳоят хўжаликда зироатчилик ва ғаллачилик ҳам равнақ топа бошлиди. Энди йил сайин хўжалик давлат буюртмаси шартномаси асосида 2670 тоннадан кўпроқ ғалла топширишга эришмоқда. Ишчиларга натура йўли билан дон-дун улапилади. Айни пайтда ғаллачиликнинг ўзидан хўжаликка уч миллион сўмдан кўпроқ соф даромад келади. Чўлда юрсанг тuya ишлат, элда юрсанг мия ишлат, деган мақол ўз тасдигини топди. Бир неча йилдирки, хўжалик пешқадамлар сафида бўлиб, Тошкент вилоятида оғизга тушди. Шу боисдан ҳам Соғломбек қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий ҳимоясига жиҳдий эътибор билан қарайдиган бўлди. Сўнгти йиллар мобайнида хўжаликнинг Сусам, Янгибозор, Хўжа қишлоқ, Чувулдоқ, Қорақалпоқ аҳоли пунктларига газ келтирилди, хўжалик марказида улкан тиббиёт маскани барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Гўшсой, Кўчбулоқ сингари олис қишлоқлар телефонлаштирилди. Ўнтўрт чақиримдан кўпроқ тоза ичимлик сувлари келадиган водопровод қувурлари ўрнатиленди, тор бағирларидағи қишлоқларда тиббиёт, халқ таълими муассасалари учун янги бинолар қурилди, қишлоқларни Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари билан боғлайдиган автобус қатновлари жорий этилди. Қишлоқларда истикомат қилаётган 120 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари, 42 нафар уруш ногиронлари, 14 нафар бокувчисини йўқотган оиласлар, 56 нафар ёрдамга муҳтоҷ кишилар хўжалик тасарруфига олинниб, уларга ой сайин моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳа, сахий қўл дард кўрмайди, жавоҳир катта бўлмайди, деганлари рост экан.

Одатда, қиши палласида шаҳарликлар меваларни дўйондан сотиб олишади, мева консервалари билан та-мадди қилишади. Аммо ўша меваларни етиштирган қишлоқ меҳнаткашлари қишида мевага зор бўлишади. Соғломбек Балашов ана шу муаммони ҳал этишга қиришди ва Сусамда меваларни консерва қиладиган, узум, олма, ўрик, шафтоли шарбатларини тайёрлайдиган, турли тузилмалар ишлаб чиқарадиган улкан завод қурдирди. Мана, бир неча йилдирки заводнинг хизматидан бутун Оҳангарон, Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод шаҳарларининг аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

— Соғломбекнинг одамларга қилган яхшиликлари-ни айтган билан адо бўлмайди, — дейди кекса меҳнат фахрийси Қўшибой ота Мусулмонов. — Шунинг учун ҳам биз, тоғликлар Соғломбек Балашовни Тошкент вилоятига депутат этиб сайлаганмиз. У ҳозир ҳам бизнинг ишончимиизни сидқидил билан оқдаётганидан ҳамма мамнун.

Ҳа, пок виждан хотиржам ухлайдиган пар ёстиқقا ўхшайди. Соғломбек Балашовнинг виждони пок, шунинг учун ҳам одамлар унга эргашади, тапини икки қилмайди, йўригидан чиқмайди.

— Соғломбек ҳалқнинг дилидагини бир қарашдаёқ билиб оладиган, бошқача қилиб айтсам, учар қушнинг қўнар ерини биладиган раҳбар, — дейди сусамлик Холбой aka Райимкулов деган нафақадор. — Унинг имони бутун, юраги тоза, Оллоҳга ишонади, лекин ўзи ҳам ҳаракатда бўлади. Кейинги йилларда қишлоғимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кеттан экан, чиройига чирой қўшилган экан, бу ҳам, шубҳасиз, Соғломбекнинг хизматидандир...

— Улкан жасорат улкан мақсадлар йўлида туғила-ди, — дейди Соғломбек. — Мустақиллигимиз туфайли ҳалқимиз бой бўлса, тўқ бўлса, турмуши аъло бўлса ишида ривож бўлади. Мен, инсон бир-бирининг оёғига болта уриб, нонини дуч келганга едириб, итнинг ке-йинги оёғи бўлиб юриш учун яратилмаганини ҳайқи-риб айтгим келади. Нима қиссан одамлар учун қила-япман, унинг чеки бўлмайди...

Ҳа, Соғломбекда шундай куч бор, у ҳаммада ҳам топилавермайди.

## РАИСАЛАР

Яқын ўтмишишимизда улар ёниб, эртанги кунга астайдил ишониб ишлашган эдилар. Аммо уларни эртанги кун ўзининг ёлғон зытиқодига маҳкума қилиб кўйишини билмас эдилар. Зотан, кечагина ўша фирмә мафкураси ўз тизими билан бу раиса аёлларга фақат пойгаҳдагина жой берган эди. Улар эса халқимиз учун хизмат қилаяпман, деб ўйлашар, бироқ аслида бир гурӯҳ «катталар» учун хизмат қилаётганликларини билишмас эдилар. Мен Оҳангарон туманининг Сусам, Мунҷоқтепа, Қорахитой қишлоқларида ҳозир ночоргина турмуш кечираётган, бир вақтлар, оёқлари узангидга турганида, ҳамма уларга сажда қилган қишлоқ шўроларининг собиқ раисалари тўғрисида айтаяпман бу гапларни.

Сусам қишлоғидаги дўконларнинг бирида ўзидан таҳминан йигирма беш-ўттиз ёшлар кичик бўлган сочувчи аёлга бир дона совун беришини сўраб ялинаётган кекса бир онахонга кўзим тушди.

— Қизим, бир донағина берақолинг, илтимос, набираларим жуда кирлаб кетди, майли пулини икки ҳисса қилиб тўлай, бера қолинг она қизим,— деб ялинарди онахон.

— Ахир рўйхатда йўқсиз, дедимку, на мунча одамнинг асабига тегасиз, боринг, — дея жеркиб ташлади сочувчи. Ҳалиги аёл кўзида жиқقا ёш билан чиқиб кетди. Орқасидан чиқдим. Ҳали разм солмаган эканман, танидим энди. Ойниса опа экан. Югуриб қишлоқ шўросига чиқдим. Раисдан икки зналик қоғоз олиб тушдим икки дона совунга. Дўкондан уни олиб, тўғри Ойниса опанинг хонадонига йўл олдим. Сусамнинг паст маҳалласидаги тутдай тўклий деб турган хонадонга борганимда Ойниса опа айвонда кўзини бир нуқтага тикиб, хаёл суриб ўтирганидан менинг борганимни сезмай ҳам қолдилар.

— Абдимўминмисиз,вой қадамларингизга нур тушсин, келинг болам... — У қизарган кўзларини артди. Мен бу аёлни яхши билардим. Олтмишинчи йилларда, шу ердаги мактабда муаллимлик қилганимда, Ойниса опа эндиғина қишлоқ шўросининг раислигидан озод этилиб, каттагина сабзавотчилик бригадасига бошлиқ қилардилар. Аммо одамлар ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам уни Раис опа деб атайдилар. Урущдан кейинги ингичка узилиб, йўрон қисқарган пайтларда Ойниса

Фозибекова муттасил ўн йилча қишлоқ шўросига раислик қилдилар. Аёл бошини эркак, қора сочини телпак қилиб, туну кун демай одамларни яхши кунларга ишонтириди. Жараёқа, Чувулдоқ, Қорақалпоқ, Янгибозор қишлоқларида аҳоли учун тоза ариқ сувлари бўлишига бош-қош бўлди. Янги-янги мактабларнинг биноларини қуриш учун давлатнинг бир тийинисиз ҳалқни ҳашарларга кўтарди, қишлоқларда тиббиёт пунктлари, шифохона очилишига бош бўлди, болалик аёлларнинг ишлаши учун имконият яратиб, болалар боғчалари очтириди, маҳаллий қизларнинг ўқиб, билим олиши учун шарт-шароитлар яратди, ёш қизларнинг зўрлаб турмушга чиқарилишига қарши тўғаноқ бўлди, одамларнинг турмушлари яхшиланиши учун ўша пайдаги колхозларнинг раислари билан жиққамушт бўлиб, енгиб чиқди. Ҳалқ уни севарди, ҳурмат қиласади. Жумҳурият олий кенгашига бир сафар ноиб этиб сайланди. Раисликдан бўшагандан сўнг Ойниса опа бригадирлик қилди. Меҳнати звазига жуда кўп орден ва медаллар олди. Раҳбар сифатида туманда унинг ўзурни, мавқеи бор эди.

— Қадримга йиглайман Абдимўмин, — дея ҳасрат китобини вараклади Ойниса опа. — Анча бўлди, газ йўқ уйда, электр ўлгирни симлари эскириб кетганми, озгина шамол турса ўчиб қолади, дўкондаги аҳволни бўлса ўзингиз кўрибсиз, шунаقا, одамларнинг эсидан дарров чиқиб кетдим. На бирор тилга олади, на бирор йўқлайди. Байрамларда эса жойнинг тўрини аввал ёшлар эгаллаб оладиган бўлишган, бирорвга зор змасман, лекин шу одамлар деб, шу қишлоқ деб умримни ҳазон қилувдим, ҳаммаси бекор экан. Байрам, улуғ айём кунлари битта табрик қоғози кимни ўлдирибти, ҳа, майлида... — Ойниса Фозибекова узоқ гапирди, бу орада уйнинг анчадан бери таъмирланмаганлигини, бу ҳақда хўжалик раҳбарларига бир неча марта борганигини, илтимоси фақат чала-ярим бажарилганлигини зорланиб гапирди. Бу унинг фарёди эди. Бу фарёдни эшилтан тош ёриларди, гуриллаб ёнаёттан олов учарди...

Мунҷоқтепа — Оҳангароннинг биқинида. Мен бу ерга 1937 йилдан то 1947 йилгача тумандаги Хонобод қишлоқ шўросининг раисаси бўлиб ишлаган, кейинчалик туман хотин-қизлар кенгашига раҳбарлик қилган, «Қизил меҳнат» колхозида узоқ муддат қандлавлаги, пахта, кунжит етишириувчи бригадаларга бош-

чилик қилиб, самарали меҳнатлари учун жуда кўп орден ва медаллар олган, 1938 йилда Москвага бориб орден олган, ўша йили Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлиб сайланган Бувойша момо Қулматовани излаб келдим. Мен, уруш йилларининг мактаб ўқувчиси уйда, ўша пайтда туман рўзномасида, одамлар оғзида Бувойша Қулматованинг номини тез-тез эшишиб турадим. Ўша йиллари биз туман марказида яшардик, хонадонимиз қишлоқ шўроси идорасининг ёнида бўлгани учун бу аёл тушлик маҳали бизниги тез-тез кириб турганини, баъзан менинг марҳума онам билан бир нафас суҳбатлашиб ўтирганларини кўп эслайман.

Мунчоқтепага пиёда бордим. Кўк дарвозадан кириб, овоз чиқардим. Кун совуқ бўлишига қарамай ошхона томонда бирорнинг деворга лой чаплаётгани сезилди. Рўпарадаги уйдан кўхликкина бир қиз чиқди.

— Бувойша холамни уйлари шуми?

— Ҳа, келинг, — деди қиз ва ошконага кириб, — Эна, сизга келибтилар, тез чиқинг. Ичкаридан қўллари цемент қоришмаларига булғанган кампир пайдо бўлди. Мени ичкарига таклиф қилди, ўзи қўлини ювгани кетди. Зум ўтмай кириб келди. Печка ёнида ўтирганимизда Бувойша хола совуқдан ачиган қўлларини иситиб менга юзланди.

— Тусинг танишга ўхшайди, сўтting ули эмасмисан? — Мен тасдиқ ишорасини қилганимдан сўнг яна сўради — Патмаданмисан, Майрамдан?

— Сизнинг дугонангизнинг...

— Ўзим ҳам кўрибоқ ўйловдим, Патманинг ули, деб. — Бувойша хола бироз тикилди менга, сўнг беихтиёр дераза томонга қаради-да қўшиб қўйди:

— Барака топкур онанг Патма ёшлигига қиз эмас, бир сандик тилла эди. Қўли тез, қўлидан зеҳни тез, афсус, умри қисқа экан. Кел болам?

— Сиз билан гаплашгани келдим момо, турмушинизни кўргани келдим, дедим унга.

— Эй, улума, мен билан нени гаплашасан, сaxonдан ошяпман, эшигим илгисиз, бешигим белгисиз, яхшиям набираларим бор экан, кунимга шулар яраяпти. Ёшлигимни «Қизил меҳнат» колхози олди. Ёш эканманда, ялангоёқ сув кечиб, туну кун лавлаги суворибмиз, ҳафталаб уй нималигини билмай, даланинг дуч келган ерида ётиб қолибмиз. Оқсоқолман, деб юртишини қилибмизу ўзимизга битта бошпана қуролмабмиз. Буни қара, у кичкина сандикчадан бир дафтар-

чани олиб кўрсатди. — Бунақа кунлар келаркану. Қайси куни инқилаб собезга чиқдим, дафтарчамдан менга берилиши керак бўлган гўшт, колбаса, ёғ, саноат моллари ёзилган саҳифаларни кўзимнинг олдида ўчириб ташладилар. Майлида, балки йўқдир, балки унга ҳақсиздирман; тарин ким билади, болам. Худога шукур набираларим, айниқса мана шу Холидам менга парвона. Кўйинг эна, дейди, нима керак бўлса ўзим топиб келаман, дейди умрингдан барака топкур. Айтгандай, ҳозир ҳоким борми, илгари Қорахўжаев келиб тез-тез йўқлаб турарди, у киши ҳам оламдан ўтибди, деб эшитдим. Яхши одам эди, доим дуо қиласман. Жамоадагилар ҳам ўзи билан ўzlари оворага ўхшайди. Ишлари кўп бўлса керак. Байрамларда ҳам йўқламай қўйищди. Ўзи ҳозир жамоага ким раислигини ҳам билмайман, Йўлдош Сулаймонов бир келган эди. Ундан кейин неччи раис ўзгарди улим. Ҳозирги раисларнинг остларида енгил машина, лип этиб бир қишлоқ ораласаку ҳаммани кўриб чиқаолади. Тағин бу гапларни ёзиб юрма, барибир улардан хафа эмасман, кўнгил эканда... Сигирим бўлганда бир қошиқ сутга зор бўлмасдим. Кўпдан бери оёғим оғрийди, бировга оғирлитим тушмасин, деб ҳеч қаерга бормайман... Мен Бувойша холанинг уйидан кўнглимни чўктириб чиқдим...

Қорахитойнинг Ялпоқтепа гўшасидаги ёлғизигина ҳовлига кирганимда Унсун хола овозимдан танидилар. Исмимни, марҳум онамнинг исимларини, отами тилга олдилар. Бу аёлни ҳам болалигимдан билардим. Ҳозир ҳам одамлар «Унсун совут» деса, илиқ бир меҳр билан тилга олишади Унсун хола Ҳамдамовани. Унсун хола айни уруш пайтларида Қорахитой қишлоқ шўросига раислик қилғанлар. Урущдан кейин колхозда бригадирчилик қилдилар, оддий колхозчи ҳам бўлиб ишладилар. Кейинроқ, замона тинчланиб, турмуш бироз енгиллашгач, Унсун холани туман раҳбарлари мутлақо унитиб юборищди. Қадри топталган, меҳнатининг нашидасини кўролмаган Унсун хола ориятта чидайолмай қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. Бир қизини Қизилтовга турмушга берган эди. Ўзи ҳам ўша ерга кетди. Ўғли Абдуқаюм республикада балет санъатининг устаси бўлди. Ленинградда таълим олди, сўнг узоқ вақт Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театрининг балет гуруҳига раҳбарлик қилди. Онаси қистайбергандан кейин Ялпоқтепадан

уй сотиб олди, күчиб келдилар. Ҳозир бу уйга Үнсун хола ҳам кун сайин келиб туради. Бироқ туман ва хўжаликнинг аксари раҳбарлари урушнинг энг оғир даврларида катта қишлоқ шўросига раҳбарлик қилган Үнсун опа Ҳамдамова деган аёл борлигини билишармикан?

— Уруш пайти одамларни бошлаб Бўкага, Ховасга, Оққўргон пахта теримига бораардик, — дея дард билан эслайди Үнсун хола. — Каналлар қазищдаку бутун туман аёлларига бош бўлиб бораардим. Сен активсан, сен партия аъзосисан, сен илгорсан, десалар кетаверибмиз на уйга, на бола-чақага қарамай. Бугун эса менинг бор-йўқлигим билан ҳеч кимнинг иши йўқ...

Мен раиса аёлларнинг сўзларини эшитдиму ўша давр мафкурасининг, раҳбариятининг не-не аёлларни фаоллар, илгорлар сафига қўшамиз, деб аёллар сафидан чиқариб юборишганига ишонч ҳосил қилдим. Зотан мен сўзлашган аёлларнинг аксарисининг оиласий турмушларида ҳам зигирчалик ҳаловат ва лаззат бўлмаган. Бироқ улар ўша пайтда раҳбарликни имтиёз эмас, янги мастъулият деб тушунганини эслайман. Аммо уларнинг илипи узун бўлса ҳам игналари синиқ эди. Ахир оила бахтини кўролмаган аёл ўз тақдиридан нолимай иложи йўқ. Агар тақдир камону худонинг ўзи сайёд бўлиб фирмә мафкураси ўша маъсума аёлларга қадалган ўқ бўлмаганида Ойниса хола бир дона совун учун кечагина мактабдан чиқдан бетовфиқ қизчага ялиниб ўтирамиди. Бувойша холанинг дафтарчасида энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини таъминот бўлимининг хаёлпараст ходими ўчириб ташлармиди, Үнсун хола ўз қишлоғига бегона бўлиб, бир вақтлар ўзи раҳбар бўлган қишлоққа, ўзи туғилган юртга меҳмондай келиб-кетармиди? Маҳаллий раҳбарларимиз эса бу аёлларни танишмайди, танишса ҳам қайишмайди уларга. Ўзларининг ёшлигини, кучини, гулдай умрларини шу қишлоқ кишилари учун бағишилаган муҳтарама собиқ раисаларни наҳотки бутун йўқладиган бирон киши бўлмаса? Етмишинчи йилларнинг охирларида Оҳангаронда Проценко деган бир чол пайдо бўлди. Эмишки, у Ўрусиининг қайсиdir туманида бир вақтлар биринчи котиб бўлганмишу кейин нафақага чиққанидан сўнг Оҳангарондаги ўғлиниг уйига келганмиш. Бу ердаги дастурхончилар ўша Проценкони киприклирида асраб юришди: «Нима дейсан, у биринчи ко-

тиб бўлган». Мажлисларнинг тўри ўшаники. Ҳатто ўзбекнинг тўйида ҳам у биринчи бўлиб сўз олади. Хуллас, аллада азиз, тўрвада майиз бўлиб юрди Проценко. Аммо ана шундай пайтда собиқ раисаларимиз ҳеч кимнинг эсига келмади, уларнинг ўзлари ҳам иззатталаблик қилишмади. Ҳар ойда бир кило гўшт, икки пачка чой, бир қадоқ қанд, ярим қоп ун, ўн кило гуруч, бир метр чит кимни ўлдирибди? Қайси ширкатнинг раиси, туманнинг қайси раҳбари собиқ раисалар учун шу ишларни қилди? Қанақа бўлиб қолдик, нимамиз ўзи? Бир ғарибининг қозони қайнавши учун наҳотки сувдан бошқа нарсалар ҳам кераклигини билмасак?! Шу туфайли ҳам собиқ раисалар биздан ранжияпти. Дарз кетган косани улаш мушкул, ранжиган дилни пайвандлаш маҳол эканлигини наҳотки ақди ожизимиз идрок қилмаса? Бугун кўнгиллари яrim бўлиб қолган Ойниса опа, Бувойша момо, Унсун холалар умр бўйи ана баҳтли бўламан, мана баҳтли бўламан, дея қўлларини олдинга чўзиб ўтишди. Биз эса ҳозир уларнинг борлигини ҳам билмаймиз...

### ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР

— Билим олишга лаёқатсиз болага ҳам, озроқ билимга эга бўлган ўқувчига ҳам «уч» баҳо қўйилиши «иккисиз ва икки йилликсиз» ишлаш принципининг умумий таълим мактабларининг амалга ошираётган таълим ва тарбия системасида тўла ҳукмронлик қилиши ўқувчиларнинг каттагина қисмида ялқовлик, ишёқ маслик кайфиятини шакллантиради,— дея босиқ, сўзлайди Мансур ака...— Турғуналик даври деб аталган пайтда айрим оила бошлиқларининг фарзандлари тарбияси ўрнига уларни кўнгилнинг истаган кўчасига киритиши ҳам ўқувчиларнинг маънавий ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлди.

— Тўюрикуя, лекин ҳалқ таълимида энди жуда катта ўзгаришлар бўлиши табиий, ҳозир таълимнинг давлат дастури ишлаб чиқида, ахсари олий ўқув юртлари ва мактабларда бу дастур кенг амалга оширилмоқда,— дейман унга эътиroz билдириб.

— Бўлиши мумкин,— дейди Мансур Носирович.— Бироқ ҳалқ таълими келажагини белгиловчи улкан муаммолар кўндалант бўлиб турган бир пайтда мактабларнинг директорларию ҳалқ таълими ходимлари кўпинча арзимас икир-чикирлар теграсида жувозга

кўшилган отдай гир айланиб юрибди. Мана, сиз қато-  
ри кишилар мактабнинг ўнинчи синфларини эллигин-  
чи йилларнинг ўрталарида битиришган. Уларнинг  
аксариси ёмон бўлмади. Жуда билимли, уқувли, тад-  
бирли кишилар бўлиб етишди.

— У пайтдаги мактабларнинг муаллимлари анча  
масъулиятли, билимдон, ўз устида қунт билан ишлай-  
диган кишилар эдилар. Туман мактабларида урущдан  
кейинги йилларда ишлашган моҳир педагоглар Зойир  
Зокиров, Султон Аҳмедов, Саъми Раҳматов, Мурод  
кори Раҳмедов, Мухитдинхон Набиҳонов, Абдуғаффор  
Сатторий, Абдушоҳид Тошхўжаев, Юнус Нурмуҳам-  
медов, Муҳаммадали Қосимов, Усмон Шорихсиев, Ху-  
дойберди Мусаев ва бошқаларнинг номларини мен фахр  
билан эслайман. Улар фидойи муаллимлар эдилар. Энди  
бундай муаллимлар жуда кам, борлари ҳам ўз таш-  
вишлари билан овора. Мактаблар қурилиши пайсалга  
солинишини қаранг. Теловдаги янги мактаб ўн йил-  
лардан бери «қурилади», лекин битмаяпти. Балки бу  
бинонинг қурилиши йигирма биринчи асрда тутати-  
лар. Менинг бу фикрларим Мансур Носировичга ёқди  
шекилли, бироз ўйланиб қолдилар ва билинар-би-  
линмас қилиб, «фикрингиз тўғри», дедилар.

Мансур Носирович Қоракўжаев эллигинчи йил-  
ларда Оҳангарон тумани ижроқўмининг раиси бўлиб  
ишлади. Қайсиdir йили у киши Тошкент вилоят кен-  
гашига «Чотқол» аҳоли пунктидан депутат этиб сай-  
ландилар. Сайловчилар билан бўлган учрашувларнинг  
бирида тоғликлар Мансур aka билан маслаҳатлашган  
ҳолда Тангатопди аҳоли пунктида янги мактаб бино-  
сини қуришни маслаҳат қилишди. Атиги уттагина уй  
бўлган гўшада ўн йиллик мактаб қуриш шартниди,  
дейдиган кўпайиб кетди. Аммо ўша пайтда қурилаёт-  
ган Тошкент—Қўқон авто йўли мактабнинг ёнидан  
ўтарди. Мактабнинг янги биноси қурилиши билан қишлоқ  
аҳли ҳам Тангатопдига кўчиб чиқишли. Салгина  
фурсатда янги, аҳолиси зич яшайдиган Тангатопди  
қишлоғи барпо этилди.

Мансур Қоракўжаев асли педагог эдилар. У киши  
узоқ муддат фирмада ва ижроқўм ишларида фаолият  
кўрсатганларидан сўнг Оҳангаронга келдилар. Бу ерда  
ҳам ҳалқ таълимига жуда катта эътибор билан қара-  
дилар. Деярли ўнга яқин қишлоқларда янги-янги мак-  
табларнинг биноларини қуришга саъй-ҳаракат багиши-  
ладилар. Айни пайтда тиббиёт муассасаларининг янги

биноларини барпо этишга ҳам муносиб ҳисса қўшидилар.

Ўқитувчи кадрлар масаласи, Мансур Носирович таъкидлаганларидаи, анча долзарблигича қолаётир. Мен у киши билан сұхбатлашиб ўтирибману Мансур Қорахўжаевнинг бундан ўн йиллар аввал мустақил республикамизнинг халқ таълими истиқболини олдиндан кўришларига имон келтирдим. Сўнгти саккиз-тўқиз йил ичидаги туман халқ таълими бўлимининг мудири етти-саккиз марта алмаштирилди. Жуда кўп мактабларнинг директорлари йил сайин алмашиб туради. Булардан ташқари халқ таълимида болаларга мутахассис бўлмаган педагоглар бошқа-бошқа фанлардан дарс беришарди.

— Мактабларимиз янги давлат дастури билан ишлашга ўтишмоқда, — дедилар Мансур амаки. — Лекин шундай паллада арзимаган баҳоналар билан мактабларнинг раҳбарларини ҳа деб алмаштиришлари шартмикан? Ахир отларни кечувда алмаштирамайдилар! Сўнгти пайтларда мактабларни миллийлаштириш масаласи кўтарилидую айрим кишилар буни болаларга факат лотин алифбосига асосланган эски ўзбек ҳарфларини ўргатишдан иборат деб тушундилар. Бу ерда гап ўқувчиларимизга миллий қадриятларимизни, одат ва ахлоқимизнинг туб илдизларини ўргатиш, мактаб, таълим тизимини ислоҳ қиласиз, аввало мажбурий таълим деган нарсани мутлақо йўқ қилишимиз, мактабда таълим олишни ихтиёрийликка ўtkазишимиз, 1200—1400 ўқувчиларни бир мактабда ўқитишта чек қўйишимиз зарур. Ўрта мактаблар сонини кескин қисқартириш керак. Илгари битта қишлоқ кенгашида битта ўрта мактаб бўларди. Унинг атрофида эса тўлиқсиз ўрта, бошланғич мактаблар бўларди. Эндиликда таълимни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши кишини кувонтиради. Мактаблар сонини кўпайтириш билан ўқувчиларни билимли қилиб бўлмайди. Ўн бир йил мактабда ўқувчини мажбурий ушлаб туриш шартмикан? Ахир вақт — бу умрку! Аввало маорифчи кадрлар масаласини пухтароқ ўйлап лозим. Сўнгра, давр малакали кадрларни қадрлашни ҳам талаб қилмоқда. Бугун биз кечаги ўқувчиларимиз қўлида қимматбаҳо сигаретлар билан эгнида қуроқдан тикилган «Адиdas»ни кўраяпмиз. Ўзлари эса ҳеч қаерда ишламайди. Ишлайолмайди ҳам. Сигаретлар эса сувқовоқ, эмаски ишкомларда осилиб ётса. Кеча битта

юқори синфда ўқийдиган ўқувчини кўрдим: қулоғидағи сирғаси калласидан ўн ҳисса қимматроқ. Яқинда тумандаги бир мактабга кирдик. Ўқитувчилар мактабнинг таъмирлаш ишларини қилишаётир: бирор сувоқ қилаяпди, бирор партани созлаяпти, бирор бўёқ қилаяпди, бирор ҳовли супираяпти. Муаллимларни бундай ишлардан озод этиш керак, уларнинг тўкилайтўкилай деб турган обрўсини тиклаш ўрнига бўёқчилик билан шуғуллантирсак... Мактаблар қошида коллежлар, гимназиялар, таълимнинг бошқа турларини жорий этиш керак...

Биз Мансур Носирович Қорахўжәев билан бу сұхбатни 1995 йилда қылган эдик. Бутун орамизда Мансур амаки йўқлар. Лекин зукколик билан таълимнинг ҳозирги ажволини кўз оддиларга келтиришлари бу одамнинг узоқни тез илғай олишидан дарак берарди. Бундай кишилар кам, жуда кам қолди Оҳангаронда...

### АМАЛ ХИЁНАТЛИ БЎЛАМАГАНДА

У ўзининг етмиш йиллик умрида на бойлика ружу кўйди ва на пошшоликни орзу қилди. Мен Абдураҳмон ака билан анча йил ижроқўмда бирга ишлаганман. Қайта қуриш деган гаплар энди чиққан пайтлардада унга сўз қотдим. Абдураҳмон ака, қайта қуриш бўлармиш, сиз ҳам ўз ҳаётингизни қайта қурасизми, иш услубингизни ўзгартирасизми? — Гапим сұхбатдошимни бироз музтар қилди чори юzlари, хушчакчақ бўлиб турган бу одам бирдан бир бурдагина бўлиб қолди. Бироз ўйланди-да, аста жавоб қилди: — Отлар тепишганда тойларга жабр бўлади. Аммо мен ўз ҳаётимни қайта қуролмайман. Керак-керак эмас нарсаларни қайта қуравермаслик керак. Ишни эплай олмайдиганлар, жамият тараққиётини орқага суроёттандар, пиёнисталар, худбинлар, лоқайдлар қайта қурсин,— деди у. — Агар мен ўз ҳаёгим ва ишимни қайта қурсам яшаш ва ишлаш тарзим бир меъёрдан чиқиб кетадику. Нега мен ўзимни қайта қуришим керак? Сен билан биз соғлом халқни фарзандимиз. Соғлом халқни эса иймони бут бўлади. Шундан кейин мен Абдураҳмон акага бу ҳақда бошқа сўз айтольмадим. Зоро, у билан сұхбатлашсангиз Оҳангароннинг кейинги етмиш йиллик тарихига саёҳат қилгандай бўласиз. Бунга эса етарли асослар бор.

Абдураҳмон Қўчқоров асли санамлиқ. Етти ёшида

отадан, саккиз ёшида онадан етим қолган. Кейин қариндошлар эшигида, етимхоналарда, мактаб интернатларда тарбияланды. 1942 йилда армияга чақирилди. Урушдан қайттандан сүнг Оҳангарон туман ижроқўмида ташкилий йўриқчи, ҳарбий комиссариатда масъул ходим, кинолаштириш директори бўлиб хизмат қилди. 1967 йили Оҳангарон кўргони шаҳар йўсинига айлантирилдио Абдураҳмон акани дарҳол шаҳар ижроқўмига ишга чорладилар. Ижроқўм ишларини ўша пайтдаёқ жуда маромида ўрганиб олган Абдураҳмон Қўчқоров бу ерга янги ишга келган раҳбарларнинг билмаганини ўргатиб ҳам турди. Унинг иш услуби жуда қизиқ. Қоғозбозликни ҳаддан ташқари ёмон кўради. Ўша пайтларда эса қоғозбозликнинг доялари қаерларга ин қурмаган эди, дейсиз. Аммо Абдураҳмон Қўчқоров ҳамма нарсани фикрида, хаёлида сақлаб қолишга уринар ва ҳофизаи хотираси унга ҳеч қачон дашном олиб келмаслигига қаттиқ ишонар эди. 1971 йилда Оҳангарон тумани қайта тикланиши билан Абдураҳмон Қўчқоров туман ижроқўмининг масъул котиблигига сайланди ва бу лавозимда то нафақага чиққан 1984 йилгача баракали меҳнат қилди.

Ўтган ўн йиллар давомида ижроқўм раислари бўлиб ишлаган Умар Умирзоқов, Баҳодир Одилов, Абдувонид Қосимов, Турғун Валиевлардан йўл-йўриқлар олигина қолмасдан, ижроқўм фаолияти хусусида уларга жуда кўп, тезкорлик ва одамлар билан ишлашнинг баъзи нозик томонларини ўргатди ҳам. Ўша пайтларда қишлоқ шўроларини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятларини одамларга янада яқинлаштириш бўйича хайрли ҳаракатлар бошланган эди. Абдураҳмон ака ўша ҳаракатларнинг Тошкент вилоятидаги ташаббускорларидан бўлди. Унинг ташаббуси билан қишлоқ кенгашлари котиблари ва раисларининг доимий семинарлари ташкил этилди. Мазкур семинарларда қишлоқ ижроқўмлари фаолиятларини такомиллаштириш, ноиблар ва жамоат ташкилотлари билан ишлашни яхшилаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш хусусидаги масалалар атрофлича муҳокама этиларди. Туман ижроқўмида кенгаш ишининг барча томонларини ибрат қилиб кўрсатадиган намунали кабинетлар ташкил этилди. Қизиқарлиси шуки, Абдураҳмон ака ташкил этган бу саъй-ҳаракатлар натижасида одамларни раслар томонидан жойларда қабул қилиш, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни соҳа раҳбарлари билан

биргалиқда ечиш, арзимаган нарсаларни одамларнинг туар жойининг ўзида ҳал этиш масалалари кенг жорий қилинди ижроқўм фаолиятига. Абдураҳмон Қўчқоров ижроқўмда масъул котиб бўлиб ишлаб юрган кезлари Облик, «Ойбулоқ», «Бирлик» қишлоқ кенгашлари ташкил этилди. Янги кенгашларга амалий ёрдам бериш, қишлоқларда ободончилик ишларини халқнинг кучи на ташаббуслари билан амалга ошириш чоралари кўрилган эди. Оҳангарон тумани қишлоқ кенгашлари ва қишлоқларда маҳалла қўмиталарининг ташкил этилишида ҳам Абдураҳмон Қўчқоровнинг жуда катта хизматлари бўлганлигини одамлар яхши билишади. Айни пайтда Абдураҳмон Қўчқоров қишлоқ кенгашларининг раҳбар кадрларини тарбиялашга ҳам жуда катта эътибор берди, унинг ёрдами ва бевосита раҳбарлигига қишлоқ кенгашларига раис, масъул котиб бўлиб ишга келган Турғунбой Набиев, Светлана Пчелкина, Абдурасул Холюсупов, Қурдош Саидов, Исомитдин Собиров, Муҳаррам Солихона, Соатали Топилов, Ҳошимжон Содиков ва бошқалар ҳақли равишда ўзларини Абдураҳмон аканинг шогирдлари деб биладилар.

Абдураҳмон ака иш фаолияти ва иккинчи жаҳон урушида қатнашганлиги учун жуда кўп орден ва медаллар олган. Аммо биз бутун ўша орден ва медалларни санаб ўтишдан ўзимизни тийдик. Чунки кечагина собиқ бир шўро раҳбари Абдураҳмон ака тўғрисида яхши бир гап айтдилар. Ўша гап мингта ордендан яхши эди.

— Раҳбар диёнатли бўлса амал хиёнатли бўлмайди, — дедилар ўша киши. — Ижроқўмга кимлар раҳбар бўлмади. Аммо Абдураҳмон Қўчқоров уларнинг энг диёнатлиси эди. Шунинг учун ҳам барча балоқазолардан омон қолди...

Абдураҳмон ака бугун етмишдан ошган. Хонадоннинг ардоқли бекаси Зумрадхон аянинг ардоғида. Фарзандлари Марита, Малика, Акмалжонларнинг, ширин-ширин набираларнинг қуршовида умргузаронлик қилаёттир. Набиралар ҳамма вақт ўз боболарининг соғлом ва дилкаш бўлишларини орзу қиласидилар, бобосининг дилини, кўнглини кўтарадилар. Норасидалар нияти эса поку холис.

## ОҲАНГАРОН ХХ АСРДА

### Оҳангарон тумани ҳокими Улугбек Иброҳимов билин сұхбат

Галактика миз XXI асрға ўтмоқда. Шубҳасиз, XX аср дүнё ҳалқлари ҳаётига жуда кепта ўзгаришлар содир бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, XX аср Оҳангарон ҳаётига қандай излар қолдирди? Ана шундай фикр билан журналист Оҳангарон туман ҳокими Улугбек Иброҳимовга мурожаат қилди.

У. ИБРОҲИМОВ: Оҳангароннинг кўп минг йиллик тарихи, юз берган ўзгаришлар, амалга оширилган улутвор ишлар ҳақида биз ўзимизнинг 1996 йилда «Наврӯз» нашриёти чоп эттан «Тоғлар бағридаги забаржад» ҳамда 1999 йилда «Шарқ» наприётида босилган «Оҳангарон саркорлари» номли китобчамида батафсил гапирганимиз. Ҳамонки бу савол ўртага ташланган экан, баъзи нарсаларни айтиб ўтиш зарар қиласиз деб ўйлайман. Ўн еттинчи йилда содир этилган октябрь давлат тўнтаришидан сўнг Оҳангаронда ҳам шубҳасиз бир қанча кўнгилсиз воқеалар содир этилган. Одамларни кўрқитиш салтанатини ўзига қурол қилиб олган шўро ҳукумати ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ бойбадавлат, ўзига тўқ кишилардан бир йўла 421 кишини унинг мафкурасига тўғри келмагани учун ҳаётдан юлиб олганини ва йўқ қилганини тарихий манбалар исботлайди. Булардан ташқари, Ўзбекистон ҳалқлари тарихи архивларидағи маълумотларга қараганда, то ўтиз еттинчи йилгача 128 киши қулоқ сифатида гумдан қилинган, 295 киши бой-бадавлат сифатида Сибирга сургун қилинган, уларнинг аксариси у совуқ ўлкада ҳаётдан кўз юмганилигига гувоҳлар шоҳид беради. Шунга қарамай шўролар ҳукумати то қирқинчи йилларгача яна 36 зиёлини «ватанга хоинлик»да, мавжуд тузумга қарши гўё «фитна уюштиришда» айблаб, отиб ташлаганини Республика миллий хавфсиэлик кўмитасидаги далиллар исботлайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1929 йилдан бошлабоқ Оҳангаронда жамоа хўжаликлари тузида бошлаган. 1930 йилда ўн иккита кичик-кичик жамоа хўжаликлари ташкил топган бўлса, 1933 йилга келиб уларнинг сони 29 тага еттан. Ўша пайтда жамоа хўжаликларининг жаъми аъзолари 4257 нафарни ташкил этарди. Бироқ шундай бўлдики, 1936 йилга келиб майда хўжаликлар сони янада ортди.

Шу сабабли жамоа хўжаликларини йириклаштириш масаласи қўйилди ва ўша йилнинг охирида туманда ўн тўртта йирик жамоа хўжаликлари фаолият кўрсата бошлади. Уларнинг ихтиёрида 6578 та хўкиз, 45 та арава, 8769 нафар колхозчилар бўлиб, уларнинг тенг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этарди. Туман хўжаликлари ўттизинчи йилларда пахта, шоли, ғалла экибтирикчилик қилганлар. Масалан, 1939 йилда туманда 4127 тонна пахта, 4,5 минг тонна ғалла, 2100 тонна шоли ишлаб чиқарилган. Булардан ташқари туман хўжаликларида 25 минг бош отлар, 46 минг бош қўйзчекилар, 1300 бош соғин сигирлар мавжуд бўлиб, ер майдонлари ўттизинчи йилга нисбатан иккі ярим барабар кўпайган.

— Аҳолининг ўсиш суръати ҳақида нима деяоласиз?

Аҳолининг ўсиш суръатини ўрганиш мақсадида 1996 йилда, яъни туман ташкил этилганинг етмиш йиллиги арафасида маҳсус комиссия тузиб, зарур архив материаллари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, 1926 йили туманда 39.764 нафар аҳоли истиқомат қилган бўлса, 1940 йилга келиб аҳолининг умумий сони 54 минг кишига еттан. 1941—1945 йиллардаги уруш туфайли аҳолининг сони тубдан пасайишни кўрамиз. Жумладан, 1943 йилда аҳоли сони 37546 кишини, 1945 йилда эса 31249 кишини ташкил этган. Урушдан кейинги йилларда туман аҳолиси секинлик билан бўлсада ўсиб борди. Масалан, 1950 йили туманда 42 минг киши, 1955 йилда эса 59 минг киши истиқомат қилган. Аҳолининг ўсиш суръати 1960 йиллардан сўнг анча тезлашганинг гувоҳи бўламиз. 1964 йилда туманда 68 минг, 1979 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича туман аҳолисининг аниқ сони 74 минг 894 кишини ташкил эттан. Бугун эса Оҳангаронда 80 мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

— Кейинги йилларда туман хўжаликларининг фаолияти ҳақида ҳам сўзлассангиз...

— Урушдан аввалги йилларда бўлганидек, урушнинг дастлабки йилларида ҳам туман хўжаликлари асосан пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик билан шуғулланган. 1942 йилдан бошлаб туманда қанд лавлаги етиштиришга киришилган. 1944 йилда туман хўжаликларида жаъми бўлиб 56 минг тонна қанд лавлаги етиштирилгани тўғрисида аниқ маълумотлар бор. 1944 йилдан айrim хўжаликлар, кейинчалик эса ту-

ман бўйича барча хўжаликлар кана кунжит ишлаб чиқаришга киришганлар. Булардан ташқари туманнинг ўша пайтдаги айрим хўжаликларида ерёнгоқ ҳам ишлаб чиқарилган. 1952 йилдан бошлаб тумандаги барча хўжаликлар йириклаштирилди ва амалда 7 та жамоа хўжаликлари фаолият кўрсатиб, асосан қанд лавлаги, зигир, ғалла ва шоли етиштириш билан машгул бўлган. 1957 йилдан бошлаб тумандаги барча хўжаликларни давлат хўжалигига айлантириш ишлари бошлиланди ва эндиликда Оҳангаронда иккита йирик давлат хўжалиги — 1-«Оҳангарон» ва 2-«Оҳангарон» совхозлари фаолият кўрсатди. Кейинчалик аввал Ўрта Чирчиқ тумани тасарруфида бўлган «Тошкент от заводи» туман ихтиёрига берилиб, у «Давлат наслчилик совхози» деб юритилган. Орадан бир қанча фурсат ўтиши билан ҳар икки «Оҳангарон» давлат хўжалиги таркибидан ҳозирги «Чотқол», «Ангрен», «Олмалиқ», Собир Раҳимов номли ҳамда «Серго» совхозлари ажralиб чиқсан. Шундай қилиб, бугун туман тасарруфида «Оҳангарон», «Ангрен», «Чотқол», Собир Раҳимов номли, «Олмалиқ», «Алишер Навоий», «Фаллақудук», «Янги ҳаёт», «Дўстлик» ва «Шодималик» ширкат жамоалари, «Бирлик» ширкати фаолият кўрсатмоқда.

Хўжаликларнинг йириклаштирилиб, давлат хўжаликларига айлантирилиши бу ердаги дехқончилик ишларини ҳам ўзgartириб юборди. Жумладан, хўжаликлар Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод, Тошкент ва бошка шаҳарлар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари, мевалар ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашди. Фақат ўтган қишлоқ хўжалик йилининг ўзида оҳангаронлик ғаллакорлар 18,5 минг тонна ғалла етиштириб, унинг 16.550 тоннасини давлат буюртмаси шартномаси асосида топширишга эришди. 2000 йилда эса оҳангаронликлар етиштирган ғалла 22 минг тоннага яқинлашади. Булардан ташқари ўттан 1999 йилда оҳангаронликлар 27800 тоннадан зиёдроқ сабзавот, 640 минг тонна гўшт, 23 минг тоннага яқин сут ишлаб чиқардилар. Чорва молларининг сони орта бошлади ва у 1992 йилдаги кўрсаткичга чиқиб олди. Бугун туман хўжаликларида 22 минг бошга яқин йирик шохли моллар, шу жумладан, 11,5 минг бош соғин сигирлар боқилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати йил сайин ортиб бораётир.

— Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўлами ҳақида ҳам айтиб берсангиз.

— Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан анча ортгани ҳаммага маълум. Биринчи марта Оҳангаронда, айни уруш йилларида кулолчилик тараққий эттан. Кейинчилик оҳак тош ишлаб чиқариш ривожланди. 1962 йилга келиб Оҳангарон ҳудудларида олтин, кумуш, қалай, мис, цемент, бошқа турли маъданлар ишлаб чиқариш кенг суръатлар билан ишга туширилди. Тўғри, уларнинг аксариси туман тасарруфида эмас, барибир, шу туманинг заминидан олинмоқда улар. Оҳангарон шаҳрининг туманинг ажralиб чиқиши муносабати билан барча саноат тармоқлари шаҳар тасарруфига берилиди. Шундай бўлса ҳам туманда айrim саноат корхоналари фолият кўрсатмоқда. Агар муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, ўтган бир неча йиллар ичида туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 54 миллион 50 минг сўмдан 296 миллион 588 минг сўмга кўпайди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7 миллион 48 минг сўмдан 67 миллион 964 минг сўмга ортди. Булардан ташқари ўтган охирги беш йил бадалида гўшт ишлаб чиқариш 56 тоннага, сут ишлаб чиқариш 122 тоннага, ғалла ишлаб чиқариш икки-икки ярим баробар кўпайди.

— Ўтган даврда аҳоли истиқомат пунктларини ободонлаштиришга қандай эътибор берилди?

— Бу соҳа ҳар доим дикқат-эътиборимизда бўлган ва бундан кейин ҳам ободончилик ишларига асосий эътиборни қаратамиз. Кейинги беш йил ичида қишлоқ меҳнаткашларини газ ва тоза ичимлик сувлари билан таъминлаш ишлари бирмунча яхшиланди. Жумладан, 260 километрга яқин газ қувурлари тортилиб, саксон километрча масофага тоза ичимлик сувлари келтирилди. Айниқса туман марказидан жуда узоқ бўлган Алишер, Оқча, Дўстлик, Қорақир, Увак, Ёнариқ, Сусам, Оқолтин, Телов, Қуюн ва бошқа кўплаб аҳоли пунктларининг меҳнаткашлари тоза ичимлик сувлари ва «зангори олов» билан таъминландилар. 2000 йилнинг ўрталарида тумандаги деярли барча олис қишлоқларга ҳам «зангори олов» етказиб берилади. Булардан ташқари кейинги уч-тўрт йилда туман қишлоқларида 56 та янги синф хоналари, бир неча янги мактаб ва тиббиёт бинолари курилиб, фойдаланишга топширилди. 457 оила давлатдан олинган қарзлар ҳисобига ўзлари учун

ҳашаматли уйлар қуриб одилар. Айни вақтда ўнлаб хусусий, умумий овқатланиш, савдо ва тадбиркорлик-нинг бошқа муассасалари ахолининг шахсий маблари ва давлат маблағи ҳисобига бунёд этилди.

— Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, давлат мулкини хусусийлаштириш, ундан тушган маблағлар хусусида ҳам иккى оғиз фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ёлғиз ўттан йилнинг ўзида қишлоқларда 400 га яқин ишсиз юрган кишилар, айниқса ёшлар учун доимий иш ўринлари барпо этилди. Тадбиркорликнинг катта ва кичик турлари, дәхқон-фермерлар, корхоналар барпо этилиши ҳисобига одамлар учун доимий иш ўринлари яратилди. Элликка яқин давлат муассасалари мулки хусусийлаштирилди. Фақат хусусийлаштирилган соҳалардан туман иқтисодиётига 3 миллион 538 минг сўмдан зиёд маблағ тушди. Булардан ташқари туманда «Ўзбекистон-Исройл» ҳамкорлигида «Олмалиқ» ширкат жамоасидаги чорвачилик комплекси, «Янги ҳаёт» ширкат жамоасидаги «Ўзбекистон—Туркия» қўшма корхонаси, шунингдек, туман марказида «Туркия—Ўзбекистон» озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ишлаб турибди. Яқин фурсатда ғалла уруғчилигига мослашган «Ўзбекистон—Франция» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлайди. Айни пайтда биз мамлакатимизда кенг қулоч ёяёттан «Софлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича ҳам арзирли ишларни амалга оширмоқдамиз. Туманда бу соҳага оид 2005 йилгача амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб чиқилган. Соғлом авлодни таркиб тоғдириш билан 1765 нафардан кўпроқ малакали тиббиёт ходимлари, 2,5 мингта яқин ҳалқ таълими тарбиячилари ишлашмоқда. Фақат кейинги беш йилнинг ўзида ўндан ортиқ болалар муассасалари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия масканлари барпо этилди. Бундай ишлар янада ривож топа-веради.

#### ЮРТ ҚОЗИСИ

У жаннати одам эдилар. Бироннинг дилини оғритиш, бирорга нотўғри дашном бериш, кимларнидир камситиши деган хислатлар мутлақо йўқ эди у кишида. Оҳангаронда қирқ иккى йил судьялик қылдилар. Бирон марта на юқори идоралардан, на вазирлиқдан ва на Олий ҳакамлардан иш юзасидан дашном эшиттан-

ларини билмайман. Лекин зоҳираған шўрода хизмат қилсалар-да, ботинан ундан доимо норози эдилар. Бир вақтлар жиндай дилларини оғритиб қуийбман-да, шунда тилига шу калима келибди:

— Янги замон кишиларини яратамиз, дегучи эдилар, ўша кишилар сенга ўхшаган на каттани, на кичкни биладиган кишилар эканда, тавбадан ёқа ушлайсан киши. Бир куни уйга бироз бошқачароқ кайфиятда келдилар. Уйдагилар унинг феъл-атворларини яхши билганлари учун ҳеч ким ортиқча сўз қотмади. Кечқурунги овқатдан кейин, чой устида зорланиб ўзларича гапириб қолдилар:

— Ҳеч қайси замонда одамлар бунчалик кўп қамалмаган. Ҳозирги қонунлар инсонни маҳв этишга қаратилган. Арзимаган гуноҳ учун прокурорлар ўн-ўн беш йил сўраб юборишади, шу ҳам демократиями? Қанчадан қанча одамларнинг ёстиги қуриди шу субутсиз қонунлар туфайли...

Яна бир нарса эсимдан чиқмайди. Эллик иккинчи йил бўлса керак, ёз фасли эди. Нима бўладиу, Қорабоев деган одамнинг акаси қамалиб қолади. Унга бериладиган жазони енгиллаштириш учун укаси уйга, бир неча қоракўл тери, уч кило мол гўшти ва яна нимадир ташлаб кетишади. Қози кечқурун ишдан келиб, бу хабарни эшиттач, дарҳол фирмә кўмитасига, туман прокурорига, милиция идорасига телефон қилиб, юз берган ҳодисани айтади. Шу куниёқ бир неча кишилар келиб, далилий ашёни акт қилиб, олиб кетишиди. Қорабоев эса бир неча йилга кесилиб кетади.

Юрт қозиси харомдан ҳазар қиларди, болаларни ҳам, уй, оила аъзоларини ҳам харомга ўргатмаган. Умуман у билан бирга ўстган барча дўстлари, ҳамқишлоқлари харомга ўрганишмади. Йўлдош отам Имонов, Алибек раис бувам Қўшоқов, Холтўра амаки Эшизазов, Ҳусан ота Ўролов, Ўроз ака Оролов, Холтўра буга Ҳусанов, Ўтон ота Шералиев ва бошқа унинг жуда кўп жўралари харомдан, порадан ҳазар қилишарди. Бир вақтлар у кишидан буваларимни сўрадим.

— Энди эсинг кирибди, — дедилар, — одам ўзининг етти авлодини билиши керак. Энг катта буванг Акбарали эшон, деган бўлган, ундан кичиги Султонали деган домла бўлган, ундан кейингиси Абдужаббор оқсоқол бўлган, ундан кейингиси Худойқул эшон, кейингиси Қурбонали сўфи ва ниҳоят Абдуқаюм халфа, охирги билганимиз Муҳаммад маҳсум. Дарвоқи, кек-

са кишилар уни нима сабабдан маҳсум деб чақирғанларини кейинчалик билдик. Авлод-аждодларимизда домлаю эшонлар ўттан эканлар. Айни пайтда юрт қозиси эски мактабда жуда яхши ўқиган бўлиб, Қуръони каримни ёд биларди. Саксон олтинчи йилнинг тўртинчи мартаиде Яратган олиб кетди уни. Ундан бизга на уй, на машина ва на ортиқча нарсалар қолмади. У шунаقا ҳокисор одам эдилар. Меҳмонни, кўпчиликни ёқтиради. Кейинги пайтларда аксари ўз синглиси Гулбуви аммам ва Аҳмад амакимни йўқлаб қолдилар. Тақдир камони уларнинг ҳаммасини саксонни қоралаганда олиб кетди. Гулбуви аммам ҳам, Аҳмад амаким ҳам, айтишларича, илгари ўтган буваларим ҳам саксон иккисаксон тўрт ёшларида бандаликни бажо келтиришган эканлар. Фақат Акбарали эшон отам 114 ёшида қазоқилган дейишади. Ким билсин, балки суюк-суюкни кўллар. Нима бўлганда ҳам у кишидан катта мерос қолди. Бу: яхшининг номи, тўрт киши йигилса фақат унинг ҳақида яхши сўз айтиши, одамлар орасида унинг яхшилик билан орттирган обрўси қолди. Бу улур меросга баъзан биз муносибмизми, дея ўзимга ўзим савол бераман, жавобига қийналаман, руҳан азоб чекаман. Бу киши қишлоқдошлари «Маҳсум» дейдиган, давлат рўйхатидан Муҳаммад Қаюмов номи билан ўтган, кўпчилик Мамат ака, деб атайдиган менинг дадам эдилар. Оллоҳ мағфират қилиб, жойлари жаннатга тушган бўлсин. Ҳа, у ҳақиқий жаннати одам эдилар...

### МАЙРАМ РАИС

Ҳар сафар Майрам опани кўрганимда унинг олдида худди қарздордай ҳис қиласман ўзимни. Гёё у, «Абдумўмин, тумандаги ҳамма раҳбарларни ёздингизу, менга келганда тўхтаб қолдингиз», дегандай бўлаверади. Майрам опа Нурмуҳаммедова нимаси билан обрў қозонди эл орасида? Аввало у удабурро раис қишлоқнинг атоқли раиси эди. Уни ҳозир ҳам туманда, Тошкент вилоятида, ҳатто республикада ҳам яхши танийдилар. Кўнгли юмшоқ, одамларга тўғри маслаҳат бераоладиган, ҳар ким билан осонликча тил топишаоладиган, қишлоқларда турли ободончилик ишларининг саркори бўлган бу аёлни ҳозир ҳам одамлар «Майрам раис» деб атайдилар.

У ўзига тириклигида ҳайкал қурди: Ялпоқтепадаги ўрта мактаб биноси, Унгутдаги олмазор боғ ичидағи

йигирмадан ортиқ одамларнинг янги участкалари, Қайирмадаги янги мактаб биноси, Оқчадаги шифохона, Қорахитойдаги катта кўча атрофига тушган анчагина йўлкалар, шифохоналар, аҳоли учун қулайлик туғдириш мақсадида бунёд этилган водопровод қувурлари, электр тармоқлари, чойхоналар, майший хизмат бинолари, 12-ўрта мактабнинг аввалги биноси, эҳзе, ҳаммасини санаб улгириш қийин. Битта раиснинг қилган иши шунча бўлади-да. Яна бир томони у баркамол авлодлар етиштириди. Бугун унинг фарзандлари хўжаликни, корхонани, транспорт идорасининг бошқонларидан ҳисобланади. Менинг кўздай азиз ўқувчим, Майрам опанинг севимли қизалоги Мехринисо эса Тошкентдай шаҳри азимда санитария бўлимига бошчилик қилиувчилардан бири.

Бутун Майрам раис келинлару набиралар ардоғида. Бир сафар раисдан «Маза қилиб қарилик гаштини сураяпсизми, опа», деб қоламанми. — Қариликни гашти бўлмайди, Абдумўмин, — дедилар опа. — Ёшликнинг гашти бўлади. Қариганингдан кейин сал нарсага ўксидиган бўлиб қоларкан одам, ичимдаги дардим ўзимга аён... Опа нега бундай ношукурчилик қилаётир? Ҳа, энди эсимга тушди,вой ҳом калла, ахир унинг сордай икки фарзанди оламдан бевақт кетди, Жалолиддин, Шуҳрат опанинг юрагини доғлаб кетган эдилар. Ҳа, биз ўликларнинг кўзларини тупроқ билан беркитамиз, ўликлар эса тирикларнинг кўзларини очиб кетадилар.

Ўксиманг опа, тўғри, кеттаниларнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Лекин одамлар ардоғиде, уларнинг қалб тўрларида, фақат яхшилик билан сизнинг номингизни айтишида турганингизнинг ўзи катта саодатdir. Сиз юртнинг, элнинг, мустақил мамлакатимизнинг ардоғидасиз. Илоё умрингиз узоқ бўлсин, Шуҳрат билан Жалолнинг қолган умрларини ҳам сизга берсин Яратган...

### УРУШ ҚУРБОНЛАРИ

Биз урушни унитаётибмиз. Аммо у бизни унтуши ни истамаяпти. Уруш қурбонлари энди тез-тез кета бошляяпди риҳлаттга. Улар бундай баттолликни кутмаган эдилар, ҳаёт билан шу тариқа видолашаман, деб ўйламагандилар. Ҳамма томонлари майса билан қопланган дараларнинг топ-тоза тупрорига уларнинг лаҳта-лаҳта қонлари тўкилгандай, шу осуда ҳаётда жон-

лари узиљди. Ҳа, қуёш ғарб уфқига бош қўяётганида уларнинг жонлари узиљди, уруш деган қотилнинг шарпаси уларнинг жасади олдида арвоҳдай чирқираб қолди. Уларнинг болалари, бевалари қолди чирқираб. Энди ярадор кўнгилларнинг малҳами йўқ. Энди улар учун амаллару унвонлар, нишонлару мансаблар бир пул.

Карим Умаров қишлоқ мактабининг муаллими эди. Урушдан кейинги йилларда бошланғич синфларнинг ўқувчиларига таълим берди қирқ йилча. Фоятда иқтидорли бўлган бу қишлоқ муаллимида ақл-заковатдан ташқари яна тенгсиз одамийлик ҳам бор эди, ана шу хислат уни одамлар билан яқинлаштириб қўйган эди. Урушдан келганидаёқ уни домла Юнус Нурмуҳаммедов мактабга болалар етакчиси қилиб ишга қабул қилди. Кейинчалик Карим Умаров бошланғич синфларга дарс бериш ҳуқуқи ва кафолатини берадиган техникумни тамомлади. Аввал учинчи, кейин эса Унгут қишлоғидаги мактабда шогирдлар тайёрлади. Фоятда камтар бу инсонда қишлоқ кишисига хос содалиқдан ташқари каттагина билим ҳам бор эди. Нафакага чиққандан сўнг уни қон босимининг кучайиши қийнади. «Бу ҳам ўша қонли урушнинг асоратларидан бири», дер эдилар Карим почча. Ана шу асоратлар уни эрта олиб, кетди оламдан. Уруш асоратлари нафакат уни, балки бирга жанг қилган собиқ қуролдошларини ҳам олиб кета бошлади.

Улардан бири Мўмин Бўриев эди. Мўмин ака узоқ муддат хўжаликда меҳнат қилди. Урушдан кейин оқшинелини ечиб-ечмай каттагина хўжаликда партком котиби бўлиб ишлади. Ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Мўмин ака кейинчалик «Оҳангарон» ширкат жамоасининг ишчилар қўмитасида меҳнат қилди. Бирмунча муддат бўлимни бошқарди, «Ангрен» ширкатида касаба уюшмасининг раиси, директор мувонини, бошка масъул вазифаларни бажарди. «Юракдаги дардларим — уруш жароҳатлари муттасил азоб бермоқда», дерди у кўпинча. Мен уни охирги марта ҳам маҳалламиз Ортиқ амакининг жанозасида кўрганман. Ранглари синик, юзида қандайдир тирик инсонда бўлмайдиган затъфаронлик бор эди. Ортиқ амакининг жасадини қабрга қўйиб бўлгандан сўнг, «адаш юринг, баъзи ўртоқларимнинг қабрлари бошига бориб тиловат тортамиз», дедилар. Чунки бу пайтда Карим Умаров, Қўчқор Нурмуҳаммедов ва унинг бошқа баъзи қуролдошлари оламдан ўтган эди. Биз то бир неча қабрлар-

нинг бошига бориб, оят тортгунча одамлар тарқалиб, кимдир қабристоннинг дарвозасини қулфлаб қўйибди. Дарвоза даҳанасига келганимизда бу нарса Мўмин Бўриевга қаттиқ таъсир қилди, шекилли, қалтираб кетди. Эртаси куни эшитсан, у баңдаликни бажо келтирибди. Водарие...

Ниёз ака Ёвқочевни яхши танирдим. Асосан бинокорлик билан машғул бўлди бу инсон урушдан келибоқ ногиронлигига қарамасдан. У хўжаликда қурувчилар бригадасини тузиб, одамларга жуда кўп уйлар, хўжалик чорваси учун молхоналар, маданий-маиший ишлар учун бинолар қурди. Бир йигилишда, қайси-дир бетавфиқ раҳбар унинг шахсига тегиб, одамга қамчидан ҳам қаттиқ тегадиган гапларни айтди. Шу пайтда Ниёз ака кўкариб кетди, ғазабини ичига ютди, лекин роятда босиқ бўлгани сабабли ҳеч нарса демади. Аммо у ўзининг ҳақдигини биларди. Шу аснода собиқ раис Алибек Қўшоқов ҳалиги раҳбарга дакки бериб, «Буларга тегманг, уруш пайтидаги азоблар уларнинг суяқ-суякларига сингиб кеттан», деди. Ниёз ака шундан кейин ҳам узоқ яшамади. Агар сирасини айтсак, қишлоқнинг бу йигитлари олтмиш ёшдан ошиб-ошиб май оламдан кўз юмдилар. Дунёдан барвақт кетишига эса ўша маъшум уруш сабаб, унинг асоратлари сабаб бўлган эди.

Фақат урушда қатнашганларгина эмас, фронт орқасида, хўжаликда уруш пайти меҳнат қилиб, ғалабага оч-наҳор ҳисса кўшган кишиларнинг кўпчилиги ҳам олтмишдан ошиб-ошибмай кетдилар. Ҳам урушнинг, ҳам фронт орқаси қийинчилкларининг зардоби Қаюм ака Маматов, Эргаш Маматов, Жуман ака Баишев ва бошқа юзлаб кишиларни эрта қаритди. Уруш қай бир замонда, қай бир маконда бўлмасин, мақтангалик воқеа эмас, инчунун, иккинчи дунёвий ҳарб ҳам. Бу муҳора-ба хонумонсўз, ҳалқуш хиёнаткор ва оғатбоз, башарият тарихидаги энг юхो ва одамхўр уруш эди. Унинг қурbonлари кўп. Биз эса бу урушни худди унитаёт-гандаймиз.

### ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ УНИНГ

Мен уни ҳали ҳам орамизда юргандай ҳис қила-ман. Ҳар сафар Оҳангарондаги кашлофлар уйига кирганимда Эргашхон Комилов худди ўз кабинетидан, ҳозир чиқиб «Э-э, келинг Мирзо, ҳаљоватлари қалай?»,

деяёттандай туюлаверади менга. Ўша 29 январь куни ни сира унутмайман. Бу кун менга ғоятда аламли, изтиробли, қаҳрли кундай туюлаверади...

Ўша куни эрталаб Ангренга бормоқчи бўлиб йўлга чиқдим. Аммо нимагадир Оҳангаронга бориб, кашшофлар уйига бирров кириб чиққим келаверди. Машинани орқага бурдик. Кашшофлар уйида фаррошдан бўлак одам йўқ эди. Қабулхонада ўтиридим. Кимнидир кўргим келди. Шу пайт эшиқдан «Э, Мирзо, ҳаловатлари қалай?», дея Эргашхон кириб келдилар. Унинг юзлари бироз салқиган, кўзларида андак ҳаяжон бор эди. Ўтирик, қизлардан бири чой дамлади. Эргаш Комилович билан бир пиёладан чой ичдик.

— Ангренга бориб, ўлкашунослик музейини кўриб келинг, Оҳангаронимизда ҳалигача музей йўқ. Биз ҳам шундай музей қиласиз, — деди у менга юзланиб. Сухбатимиз поёнига етар экан, мен йўлга чиқмоқчи бўлдим.

— Яна бироз ўтиринг, сизни кўрсам болалигимиз ёдимга тушади, — деди у. Яна жиндай ўтирик ва эртага эрталаб учрашишга келишиб, мен йўлга чиқдим. У орқамдан кузатиб чиқди. Дарвозага еттанда мен орқамга қарадим, у ҳам менга изимдан тикилиб турган экан, бош қимирлатиб хайрлашдик. Бу бизнинг энг сўнгги учрашувимиз эканлигини иккаламиз ҳам хаёлимизга келтирмагандик ўшанда. Кечкурун уйга келсам, унинг тўсатдан вафот эттанлиги ва кун бўйи кашшофхонадагилар мени излашганини айтдилар. Бу соvuқ хабарни тинглаяпману, тахтадай қотиб қолдим.

Эрта кетди Эргашхон бу дунёдан. Лекин ўзидан анчагина хотиралар қолдирди шундай ҳам. У 1961 йилда Оҳангаронда биринчи марта Кашшофлар уйини ташкил этди ва бу даргоҳнинг биринчи директори сифатида умрининг сўнгги дамларигача ишлади. Ҳа, сўнгги дамларигача. У сўнгги нафасни ҳам кашшофхонада олди.

Эргашхон Комилов дилкаш дўст эди. Биз у билан бир мактабда, бир синфда ўқидик, шаҳардаги 4-мактабни бирга ташкил этдик, бирга ишладик шу ерда, кейин у Кашшофлар уйини ташкил қилди ва бу ерда 29 йил муттасил директорлик қилди. У ҳамма ишни биринчи бўлиб қилди. Ўттан йигирма тўққиз йил ичидага Оҳангарон кашшофлар уйи жумҳурият миқёсида оғизга тушди: ҳунармандчилик тўтарақлари — каштачилик, ганч-ўймакорлик, ҳайкалтарошлиқ, нақдошлиқ

тўгараклари унинг ташаббуси билан 1961 йилда ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунгача давом этмоқда. Мактабларда кашшофларнинг боцликлари билан турли йигилишлар ўтказганда у кўпинча ҳар бир тарбиячи ўқувчини энг аввало ўзи сингари севиши зарурлиги тўғрисида уқтиради.

Оҳангаронликлар Эргаш Комиловни фақат ўз касби бўйичагина эмас, балки фаол жамоатчи сифатида ҳам яхши билишарди. Халқ назорати қўмитасининг жамоатчи бўлим бошлиғи сифатида у савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги жуда кўп нуқсонларни очиб ташлагани ҳамон эсимда. Бироқ у одамлар қалбида меҳрибон дўст, фаол жамоатчи сифатида кўпроқ қолди. Биз унинг ҳеч қачон бирорвга қаттиқ галирганини, адолатсизлик билан кишини ранжиттанини эслайолмаймиз.

Чойхонани севарди, кўп бўларди бундай жойларда ва ҳар сафар бунинг боисини сўраганимизда «Чойхона ноҳиянинг ички ахборотхонаси ва тарбия масканику», дерди кулиб. Одамлар билан мулоқот қилишни яхши кўрарди у чойхоналарда. Болалар тарбияси ҳақида кексалардан кўп нарсаларни билиб олишга уринарди ва мавриди билан ўша тарбиявий йўлларни мактабларда жорий этишга уринарди. Унинг бўй чўзган орзулари кўп эди тарбия борасида. Афсуски, у орзуларининг кўпини ўзи билан олиб кетди.

Мен уни кўраёттандай бўламан ҳар сафар кашшофхонага келганимда хаёл кўзлари билан.

## НАФОСАТ

### ОЙ НУРИГА ЧАЙИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

*ёки Ўзбекистон ҳалқ артисткаси Замира Суюнова ижодига бир назар*

Унинг «Алла»си Республика радиосининг хори билан биргалиқда ижро этилмоқда. Замирахоним — яккахон. Бу қўшиқни тингларкансиз, Замирахонимнинг мунис она тимсолида, ортиқча зеб-зийнатсиз, одмигина кийинган, қишлоқлик, кўп болали она қиёфасида кўрасиз уни. Бўйнидаги, балки келинлигида тақилган-

дир, маржони ҳам арzonгина, эгнидаги күйлаги ҳам одмигина, сочлари орқага безаксиз таралган, худди тунлари уйқуси бузилиб, бешик тебратиб, ўринда ўтирган онани эслатади. Онанинг чақалоққа меҳри, ундан умиди, мақсади, орзулари кўзларидан кўриниб туради Замирахонимнинг. Қўшиқ мунгли эмас, умидли:

Боболаринг улур сиймо, болам, алла,  
Момоларинг Зебуннисо, болам, алла,  
Темур каби саркарда бўл, болам, алла,  
Бобур каби ақлга тўл, болам, алла,  
Навоийдек шоир бўлгил, болам, алла,  
Алпомишдек кучта тўлгил, болам, алла.

Қутлуғ қўшиқнинг мавзун либоси, рангин қаноти бўлади. Унда боболаримиз руҳи, авлодлар қаноти, алломаларимиз дараклари мужассамлашади. Яхши қўшиқ тингласанг ўзлигингни яна бир карра англайсан яхши қўшиқнинг оғушида. Бу ўринда Замирахонимнинг машҳур «Чорминор» қўшигини зaslash кифоя. «Чорминор» раққоса қизлар рақслари уйғунлигида ижро этилади. Қўшиқ вазмин, мақом йўлида, жозиба кучига тўла. Узоқ қолади кишининг ёдида. Қўшиқда мусиқа билан сўз мутаносиблиги Замирахоним ижросида тингловчида улкан ҳайрат уйғотади. Тингловчини сеҳраган овоз сўз сеҳрига, мусиқа қаърига олиб киради кишини. Қўшиқда хонанда овози диапазонининг кенглиги, нолалар, қочиримлар жуда кўп. «Чорминор» Замирахонимнинг ижодий камолоти чўққисидан далолат беради. Тингланг-а, Замирахоним куйлаяпти «Чорминор»ни жўшиб:

Чорминорман, чорминорман, чорминор,  
Гоҳида Ҳофиз бўлиб бўзладим,  
Гоҳида Хайём бўлиб сўзладим,  
Гоҳида дилдан юрак дарди бўлиб,  
Чорминорман, чорминорман, чорминор.

Замирахонимнинг биринчи, тингловчилар билан биринчи марта юз кўриш қилган Гулчехра Жўраева шеърига Фанижон Тошматов басталаган «Бахтимдан» деб аталган қўшигини тинглаганмисиз? «Ой нурига чаяман юзим», деб бошланади бу қўшиқ. Ана шундан кейин муттасил ой нурига чайилиб, юксак маҳорат билан тингловчига тақдим этиладиган бўлди Замирахонимнинг ҳамма қўшиқлари.

Унинг «Аёл ишқи» қўшиғини эсланг. Қўшиқнинг биринчи тўртлиги майин мулоим, сизни ўзига ром этиб, орқасидан эргаштиради. Иккинчи тўртлик қўшиқнинг кульминацион нуқтасидан бошланади. Шиддат билан сизга аёл қалбини кўрсатади. Бу ҳол қўшиқнинг учинчи тўртлигига ҳам давом этади ва сўнгги тўртлик мусиқасиз, қандайдир аёл рашки ва одоби, ҳаёси ва ибосидай, сал уялинқираб айтилса ҳам аёл ишқисиз инсоннинг яшashi мумкин эмаслигига ишонтиради сизни. Бу ерда ҳам Замирахонимга хос лирик ҳолат, фақат унинг ўзигагина хос бўлган иболи ҳаракат билан тингловчини ўзи билан бирга хаёлан эргаштирибгина қолмай, балки аёл ишқининг пок ва нозиклигига буюк ишонч ҳосил қилдиради кишида.

Бахшиси юрақдан куйламаган ҳэлқнинг шўри бор. Қўшиқ — буюк. Уни бирорлардан, нопок, қофиябоз, минбарчи қўшиқчилардан рашк қиласман. Тўғри, «ёқди», «ёқмади» деган сўзлар зотдор отлар билан този итларга жоиздир. У қўшиққа нисбатан айтилмайди. Лекин баъзи қўшиқчилар бор. Сўз ҳали қўшиқчининг лунжига келиб тушмасдан, ўпкасидан ўтмаёқ ўз қийматини йўқотиб, чулдираб қолади. Шундай экан баъзи ҳофизларда улкан миллий туйгуларни тингловчига етказиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ҳа, ҳали миллатимиз руҳининг қўшиқчилик билан боғлиқ бўлган ипак арқоги турли уруғ, қавм, майдо-чуйда чакалакзорлар оша синовлардан ўтгандан кейингина элга аён бўлгани маъқулроқ шекилли. Тингловчи санъаткор бўлолмаслиги мумкин. Лекин у ҳофиз томонидан Навоий ва Муҳаммад Юсуф, Ойбек ваFaфур Гулом сўзларининг қўшиқда тўғри айтилишини ва ижроси аъло даражада бўлишини талаб қилишга ҳақли-ку! Қўшиқчиликда паст овоз, заиф ижро миллат обрўсини тушириб юборишидан нега қўрқмаймиз? Баланд овоз, юксак соз тарафдориман мен қўшиқчиликда. Бундан аллома ҳофизларимизнинг сасларини қўмсанш ҳисси бироз бўлса ҳам таскин топади.

Ковуннинг ёрилиш жараёнида ҳам сас, мусиқа бор. Замирахонимнинг саси келаягти радиодан. Унда худди бокий руҳнинг ёрқин ракси давом этгандай. Унинг жозибали қирралари, истиқбол сари интилаёттан нурли қўлларни, абадий нурлар ҳаёт баҳш этган жило-ларни фақат озод қалблар, бесиyrаг кўзлар, некбин ва тоза бўлган назарлар илғанилади менга. Бу худди бошқаларга ҳам нур улашаёттандай туюлаверади на-

заримда ушбу жозибали қўшиқ билан. Яхши қўшиқ кўнгил ва дил тиниқдиги. Бундай қўшиқларни фақат истеъдодини суюйдиган қўшиқчилар яратиши мумкин. Ботир Зокиров шундай қўшиқчи эди. Бутун мен юятда мамнуният билан Замирахоним Суюновани ҳам шу сирага кириттим келади. Қўшиқчиликда лахнпардозлик — чолғу йўлига соз қўшиб ижро этиладиган усул бор. Фанижон Тошматовнинг «Сегоҳ» усулида ёзган «Қора кўзингга кўзим тушмаса ёмон», деб бошланадиган, мумтоз қўшиқлар билан бемалол беллашаоладиган қўшиғи бор. Замирахоним этнида заррин либос, бошида харир дурра, заррин либос остидан кўйлагининг оппоқ ёқалари кўриниб, қўшиқ ижросига янада чуқурроқ сайқал бериб, ижронинг классик усулга монандлигини бўй-басти билан кўрсатиб туради. Шунинг ўзиёқ ижрочининг катта маҳоратидир. Замирахонимнинг «Қиз узатдик, ёр-ёр» деган қўшири бор. Бу қўшиқни ижро этганда шарқона, заррин нимча остидан товлантириб атлас кўйлак кияди. Қўшиқ бошқача, бошқалардан ҳам бошқача. Бу қўшиқни бошқалар ҳам айтишган. Аммо Замирахоним унга ўзгача сайқал, наво, кўрк берди. Ўзи келин бўлиб, ўзини келиннинг ўрнига қўйиб айтади, уни юрак билар, қўшиқ сўзларига эргашиб, орқасидан қувлаб бу қўшиқни.

Маҳорат — чексиз. Яхши қўшиқнинг юраги бошқа бўлади. Яхши қўшиқ бир йилда битта, иккитагина яратилади. Мухторжон Муртазаевнинг қўшиқлари ҳам Замирахонимнинг ўзиники бўлиб қолди: «Келин бўлган билар келин аҳволини...». Замирахоним бу қўшиқни жуда нозик, хадиксираб, кўрқиб-қўрқиб қиёмига етказган.

Фанижон Тошматов ўн беш йиллар «Дуторчи қизлар»га устозлик қилди, уни ташкил этди, кашф этди 65 ёшлирида Замирахонимни, у билан бирга «Дуторчи қизлар»ни ҳам. Бинобарин, Замирахоним Фанижон аканинг кексалигидаги ижоди ҳосиласидир. Тингловчилар Замирахонимнинг «Этма», «Ойбулоқ», «Розиман» сингари қўшиқларини аллақачон ёд олиб, ўзларича хиргойи қиладиган бўлиб қолишган. Айниқса унинг устозлари ҳақидаги «Розиман» қўшиғи кейинги пайтларда оғизга тутиди:

Қаламингиз қўзларимга сурай агар,  
Юраклардан жой олгум ёна-ёна.  
Устозларим сиздай бедор ўтай, деб  
Осудалик дамларидан кечдим мен.

Аёллар бўлмаса бу нурли олам совуқ мозорга ўжшаб қоларди. Бунга Замирахонимнинг «Ишонмасанг», деган қўшигини тингласангиз, роппа-роса ишонасиз:

Сўзларимни ёримга айтмадим бутун,  
Пайдо бўлди юрагимда енгилмас тутун.  
Ачинмайман сен билан ўтган кунимга,  
Ишонмасанг жоним агар муҳаббатимга!

Бу — ўзбек қўшиқчилигида катта воқеа бўлган қўшиқдир. У бу қўшиқни бироз паст овозда, сатрларини панжалари билан силаёттандек, авайлаб, сайраб турган полопонини чўчитишдан қўрқаёттандек, ҳадик билан, деярли пичирлаб бошлайди ва катта маҳорат билан тингловчига етказади.

Сўзлаш санъати бор, куйлаш санъати бор. Маҳорат билан ижро этилган қўшиқда туйғу, дард ва шакловоз мутаносиблиги муштарак бўлғди. Замирахоним раҳбарлигидаги дуторчи қизлар ижро этган «Келдиму», «Айтаман», «Жўжим ойтаман», «Агар он турки шерозий», «Боғларимга жамбил экдим» номли қўшиқларнинг ҳаётийлиги ҳам ана шунда Кейинги қўшиқ Туроб Тўлага хос ҳалқона усул билан ёзилганлиги дуторчи қизлар ижросида жуда жозибали чиққан:

Том бошида икки кантар ўйнайди,  
Икки кантар ўйнаб сира тўймайди.  
Юрагимнинг ҳокимаси андиша,  
Иккимизни ўйнаттани қўймайди.

Машҳур рус эстрадасининг юлдузи Алла Пугачёва айтганидай, хонанда драматик актрисадан устунроқ бўлолмаса эл ичиди севимли бўлолмайди. Агар куйлаёттанингизда мулоим ва зиёли бўлсангиз, турмушда ҳам шундайман дегани эмас. Хонанда табиатан гўзал бўлмаслиги мумкин, аммо саҳна жозибани талаб қиласди. Замирахонимда эса жозиба истаганча бор. Ҳар бир юксак маҳорат билан ижро этган қўшиқда Замирахонимнинг ўзи яшайди. Мана унинг машҳур «Мушкулдир» қўшиғи. Бу қўшиқни куйлаганда қўшиқ Замирахонимнинг кўзларидан кўриниб туради. Заҳиридин Бобур дарди. Йўқ, бу саркарда Бобурнинг шиддатли жанглари ёки диёр соғинчлари билан тўлибтошган ўтли садоси эмас. Ошиқ Бобурнинг дарди, нидоси, муножати, таваллоси, орзуси, умидлари Замирахоним ижросида узукка кўз қўйилгандай беназир, рисоладагидай чиққан. Бошида оқ ҳарир дуррача ё

кўйилган ўсмали қошлари қиё этилган, чараклаб очилган офтобмисол кўзларида Бобур дарди, фифони шундай билиниб туради. Сўзларга жўр бўлиб мусиқа йирлайди Замирахоним билан бирга Бобуршоҳ бўлиб, худди Моҳимбегим бўлиб, ўтли бека Дилбарбегим ишқида ёниб, мушкул аҳволга тушган ошиқ шоир бўлиб. Замирахонимнинг либосида ҳам қандайдир мунг, армон, изтироб бор. Заррин мурсак остидан кўриниб турган заъфарон куйлак, қулоқларидағи тўрткўзлик тилло зираклар ҳам Бобуршоҳнинг ишқий изтиробларини куйлагандай йирлатади тингловчининг ёшларини шашқатор қилиб Замирахоним ошиқнинг ҳолига ачинтириб, ўзи билан эргаштириб тингловчини. Бу оҳу-нола аҳли замондин, давр мушкулликларидин, турмуш қийинчилкларидин фифонларнинг устунлиги, афронли нолалар эди. Шу боисдан ҳам Замирахоним куйлайдиган қўшиқлардаги ҳар бир сўзнинг юки бор, жилоси бор, мазаси бор, ранги бор. Бундай ҳолатни Замирахоним ва дуторчи қизлар ижро этаёттан «Оҳким», «Омономон», «Нолиш», «Дарду-дилим», «Билмасмикан», «Қайтиб келган қалдирғочлар» қўшиқларида ҳам кўрамиз. Кечагина мухлислар Замирахоним Суюновани юксак унвон, унга Ўзбекистон ҳалқ артисти номи берилгани билан беҳад қувониб қутладилар. Янги унвон янги масъулият юклаганини атоқли хонанда жуда яхши билади. Ҳизр таёғи теккан юртнинг эркагина хонандаси янги-янги жозибали қўшиқлари билан юртини, элини, мухлисларини хушнуд этишига шубҳа йўқ. Замирахонимни ўзинг асрар ёмон кўзу нафаслардан, Яратганим.

### ҚИРЛАРДА ЛОЛАЛАР УНДИРГАН ҚЎШИҚ

#### ёки Ўзбекистон ҳалқ артисти Ғуломжон Ёкубов ижодига чизгилар

Ким учун баҳт,  
Ким учун дард,  
Ким учун армон ҳаёт.  
Тўхтатиб бўлмас ҳаётни,  
Тўхтамас карвон ҳаёт.  
Англагил мард бўлса ҳар ким  
Бир умр исён ҳаёт!

Бу сатрлар унинг ҳаёт йўли. Зотан, бу ҳалқона қўшиқнинг сўзлари хонанда хонишининг ойга бориб уланишидан дарак беради. Одатда, шеър умри шоир

умрига тенг бўлмайди. Бироқ Фуломжоннинг юқоридаги сўзларни қўшиққа соганида қўшиқ умри унинг ижрочиси умри билан тенглашиб кеттанидан далолат бергандай туловеради менга. Чунки халқнинг меҳри, муҳаббати, ардоғи ҳар қандай санъаткорнинг муддаоси, талпинган баҳтику ахир. Фуломжон Ёқубовнинг қўшиқларини тинглаганимда шулар кечди хаёлимдан.

Фуломжон Ёқубов бир қўшиғида «Оқ тулпор, хаёлинг қайларга қочди» дея хониш қилади ва яна ўша сўзларга қўшимча равищда «Кийланган бир қўшиқ лоласиз қирларни лолазор қиласин», дея тингловчини ўзига ром этади. Мен Фуломжон Ёқубов ижодини кўпдан кузатиб бораман унинг содик муҳлиси сифатида, айни пайтда Ўзбекистоннинг бугунги қўшиқчилигини усиз тасаввур қилолмайман. Фуломжоннинг қўшиқларини тинглаб, бу қўшиқларнинг мусиқаси ўзи танлаган шеърга қараб басталанганилигига ва у ижро эттан қўшиқлар айнан ўша шеърлариники эканлигига имон келтираман дилдан. Мана, унинг ғоятда ёқимли, ўйноқи тоҷикча қўшиғи «Аз нози ту»:

Аз нози ту,  
Овози ту,  
Ҳар ишваю,  
Ҳар чашми ту.

Ёки мана бу сатрларни ёнмай, бефарқ тинглаб бўлмайдику:

Майли дил ёнсин фироқингда сенинг.  
Майли тил толсин фироқингда сенинг.

Фуломжон Ёқубов айтаётган қўшиқлар аслида нафақат оҳанги билан ширали, балки уларни маърифат деб аташга ҳам лойикдир. Унинг «Ҳаёт», «Шириним, шакарим, дилбар», «Фироқингда сенинг» номли қўшиқларида олам-олам маъно, маърифат, тарбиянинг зангламас садолари бор. Мен унинг қўшиқларини тинглайману тансиқ, ширин таомга, ажойиб, сермазмун асарга, дилбар дўст суҳбатига, хушрўйгина санамнинг дийдорига илингандай илинаман унга. Унинг қўшиқларидағи лутф, самимият, ўйноқилик, муҳаббат қояларини равшан этувчи ёрқин туйғулар завқланганим, ҳайратланганим сабаблими, унинг ҳақиқий ширин қўшиқларидан жуда кам одамлар баҳраманд бўлаётганидан изтироб чекаман. Назаримда ҳозирги ёшлар «Сувора»ни билмайди, «Муножот»ни эшитгиси кел-

майди. Фарбдаги қайсиdir гурухни эса «севиб» тинглашади, гарчан сўзлари ва мусиқасига тушунмасалар ҳам. Ўша ёшларга айттим келади: Ўзбекнинг ўзига хос катта ашуласи ҳам бор. Катта ашула асли каттага, Яратганга баришланган мадхиядир. Одатда, қўшиққа яхши шеър топилгандағина унга мос мусиқа яратида. Бироқ яратилган яхши қўшиқни хонанда меъёрига етказиб айтолмаса, унда иккидан бир фожиа юз беради: ё томошабин чиқиб кетади залдан ёки хонанда... Аммо Фуломжон Ёқубов қўшиқларини тингларкансиз, хониш пайтида санъаткорнинг ўзини тутишига, ўзини бошқара билишига, тингловчини ром қилаолишига таҳсин айтмай беиложсиз менга ўхшаб. Назаримда Фуломжон Ёқубов ҳеч бир қўшиғидан ўзининг кўнгли тўлмагунча саҳнага чиқмайди. Акс ҳолда унинг «Шоҳиста», «Бир қиз кўрдим», «Бир яхшига бир ёмон», «Азизим», «Ёр келсин», «Соҳибжамол» сингари зарбаст қўшиқлари тингловчилар қалбини бунчалик катта эҳтирос билан ром қилолмаган бўларди. Унинг қўйидаги сатрлар билан қилган хонишлари менимча ўликка ҳам жон киритиб юборадиёв:

Бир қиз кўрдим минг қизларнинг ичинда,  
Барча товус лол қолади кўрса ким,  
Қоматига беш кетади кўрса ким,  
Бунча гўзал, бунча гўзал бой-бўй.

Ёки қўйидаги қочириққа бой сатрлар билан айтиладиган қўшиқ эса ғоятда ўйноқи, киши дилига ҳайратланишдан ташқари катта завқ ҳам бераолади:

Пари десам, париларнинг париси,  
Йўл беради париларнинг бариси.

Ёхуд:

Бунча зебо бўлибсиз.  
Ойдек нурга тўлибсиз,  
Мени сарсон қилибсиз,  
Сиз яхвисиз, мен ёмон.

Назаримда бундай қўшиқчини дунё жуда кам кўради. Талантли санъаткорлар дунёга фақат бир марта келадилар. Ғоят ўзига хос теран талантта эга бўлган Фуломжон Ёқубовнинг қўшиқларини одамлар кўзларини юмиб, сел бўлиб, тебраниб-тебраниб, бутун вужудларини қулоққа айлантириб тинглайдилар. Бу эса яхши қўшиқлар ўз ижрочиларини узок муддат кутади,

дегани бўлади. «Жафо қилма» узоқ, муддат Карим Зокировни, «Ўртар» Муроджон Аҳмедовни, «Сочининг савдоси» Фахридин Умаровни, «Яралған» Шерали Жўраевни, «Лайло» Дадаҳон Ҳасановни кутганидай «Шоҳиста», «Мардлар қўриқлайди ватанни», «Соҳибжамол», «Ёр келсин» ва бошқа барча у ижро этаётган яхши қўшиқлар Фуломжон Ёқубовни кутган эди.

Фуломжон Ёқубов қўшиқдан қўшиққа ўсиб боради. Унинг қўшиқларини шинавандалар янги фарзанд туғилгандаи севиб, севиниб олқишилашади. Ахир яхши қўшиқнинг тили ҳам, оёқ-қўли ҳам узун ва чаққон бўлади. Зоро, шунинг учун ҳам айтадилар: қўшиқчи кўп, лекин нодири кам! Қўшиқнинг, қўшиқнинг қамчиси эса уни тинглай билишдир. Шундай ҳам бўладики, хонанда битта нодир қўшиги билан санъат тарихида қолиши мумкин. Шу сабабли ҳам Фуломжон тинмай изланади, натижада янги-янги қўшиқлар ҳадя этади ҳар сафар муҳлисларига, шинавандаларга. Унинг қўшиқлари кишини ўйлантиради, севинтиради, изтиробдан чиқаради, кўнгил үборларини эритиб юборади:

Сенинг ишқинг менга бебаҳо эди,  
Тилимда янграган шўх наво эди,  
Сен ила қувончим бир дунё эди,  
Фамга дучор этиб кетдинг, азизим.

Қўшиқ азалдан миллий тараққиётнинг олий белгиси бўлиб келган. Аммо сўнгги вақтларда овоз чиқариб гапираоладиганлар борки, ўзини қўшиққа ураяпди. Бу эса ҳозир қўшиқчиликни ҳайвонот боғидаги кўргазмага ўхшатаёзди. Қўшиқ-қўшиқдай бўлиши керак, зоро, мазмун қўшиқнинг асосини ташкил этиши зарур. Аммо сўзи йўқ қўшиқлар ҳам борку. Бундай қўшиқлар нидо билан, қалб билангина куйланади. Тўйхашамларнинг наҳорги ошларида куйланаетган мумтоз қўшиқлар базм оқшомларига ҳам файз киритиши мумкинку. Аммо Алишер Навоий, Фузулий, Машраб, Зебунисолар ёниб ёзган ғазалларга басталанган қўшиқларни биз тинглай олмаяпмиз, билмаймиз уларни тинглашни. Албатта, тингловчи аксари вақт хонанданинг одобига, куйлаш услубига, мулоқотига ҳам жиддий аҳамият беради. Шу нуқтаи назардан кўз олдингизга келтиринг: Фуломжон Ёқубов саҳнада юксак одоб намунаси билан куйлаяди:

Баҳор кетди биздаи нари,  
Қараб қолар ёшу-қари,  
Айт мен не қиласай, эй пари,  
Аста ёнимга ёр келсин...

### ОФТОБДАН АВВАЛ ЎЙҒОНГАН ҚҰШИҚЛАР

#### ёки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Fuēs Бойтоев хонишлари тўхрисида

Машҳур хоразмлик ҳофиз Мадрайим Шерозий лутф қилган эдилар: «Кўшиқчининг уч тури бор. Биринчи си булбул қўшиқчи — гўянда, деб аталади. У ҳалқ меҳрини чуқур қозонади, одамлар унинг концертига севинч-қувонч билан ошиқиб, меҳр ва ҳавас билан борадилар. Иккинчиси от қўшиқчи — булбул қўшиқчи бўлмагандан одамлар унинг концертига боришга мажбур бўладилар. Учинчиси чумчук қўшиқчи, бу оғзига келганини айтадиган, ўз услуби ва йўлига эга бўлмаган отарчи қўшиқчидир». Назаримда яқиндагина Президентимизнинг марҳаматига тушиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», деган фахрли номга эга бўлган таниқли ва талантли хонанда Фиёс Бойтоев «Булбул қўшиқчи — гўянда»лар сирасига киради. Унинг ширали, тотали, ўтли, чўрли қўшиқлари аллақачон шинавандалар қалбидан жой олиб, хонандани Республикамиздан чекка қишлоқларда ҳам обрўсини оширган. Фиёс қўшиқ куйлаётганда ҳамма нарсани — бола-чака, аёл, пул, турмуш, муаммо, ютуқ, изтироб, алам — ҳаммасини унутади. Бусиз яхши қўшиқ чиқмайди. Тингланг-а, Фиёс куйлаяпди жўшиб-ёниб:

Сочларимнинг қорасидан оқлари кўп,  
Юрагимнинг соғ жойидан дорлари кўп.  
Кўргилигинг бунчалар кўп, ёлон дунё?  
Ёлон дунё экан бу, ёлон дунё!  
Диёнатдан хиёнатнинг бўйи узун  
Муҳаббатдан маломатнинг бўйи узун...  
Одамларинг одамларнинг изин ўяр.  
Ёмонларинг яхшиларнинг кўзин ўяр.  
Мен куймасам, сен куймасанг кимлар куяр.  
Кўргилигинг бунчалар кўп ёлон дунё?  
Ёлон дунё экан бу, ёлон дунё!

Сўз — жимликнинг мулки, сукунат манбаи бўлса, мусиқа руҳнинг зинапоялариdir. У пастдан юқорига

кўтарилади. Аван руҳга етиб боради, кейин эса дара ва андуҳни муножаат қиласи унга сеҳр ва меҳр кучи билан. Мана унинг дил тубидан чиқсан нолалари:

Кечаки бахтли эдик, жоним,  
Қумлардан уй қурардик, жоним,  
Шундай уйни буздилар, жоним,  
Кўнгил узмоқ осон эмас!

Ёки унинг «Дили ярим етимлар» номли қўшиғини тингланг:

Тўрғайдайн нолалар  
Қиласидим, айтинг мен.  
Ўз бағримни бир ўзим  
Тиласидим, айтинг мен.  
Ҳатто тошдан бўлса ҳам  
Менинг уйим бўлсайди,  
Ҳамма каби менинг ҳам  
Ёлғиз онам бўлсайди...  
Кимга керак биз каби  
Дили ярим етимлар...?

Мусиқа оғир, мунгли, қўшиқ эса дилни ларзага келтирадиган даражада даҳшатли. Қўшиқнинг бошланишиданоқ қандайдир фалокатни сезиб турди киши. Бу мураккаб қўшиқ. Унинг ҳар бир сатрининг ўз мавқеи, ижро тони, тембри, таъкиди, зарби, жойи, ўрин вазифаси бор. Бу қўшиқни куйлаётганда Фиёс учун ҳар бир лаҳза ҳисобда. Янгилишиш кетмайди. Айни пайтда ўзи чалаётган сознинг йўналишига ҳам алоҳида эътибор беради. Шу ўринда бир гап. Комилжон ака Отаниёзов бир сұхбатда шундай деган эдилар: «Ўзбекнинг учта сўзи бошқа халқлар тилларига сўзма-сўз таржима қилинмайди: Тўй, Ер, Соз сўзлари. «Соз» сўзи жуда кенг маъно касб этади. Соз мусиқагина эмас, у катта маънавият ва қудрат олами ҳамдир». Шунинг учун ҳам Фиёс Бойтоев соз чалиб куйлаганда эзгу туйгулар алансида ёнасиз ҳам, қувонасиз ҳам. Зоро, айтадиларку, қовуннинг ёрилиш жараёнида ҳам куй бор эмиш. Фиёс Бойтоев куйлаганда бошқалар сингари овозни кекирдақдан эмас, киндиқдан тортиб чиқаради, шунинг учун ҳам унинг саслари бир тош масофага етади. Ҳали данаги қотмаган, ҳаваскорнинг машқларига ўшшаган, бир кунлик гапдан иборат бўлиб олаётган «қўшиқлар» кўпайиб кеттан ҳозирги замонда унга болалиги билан кирган ва фақат мардликка ярашади-

ган Фиёс Бойтоевнинг қўшиқларини одамлар соғиниб, қувониб, зориқиб тинглайдиган бўлишганига анча фурсат ўтганига қарамай ҳамон бу қўшиқлар офтобдан аввал уйғонган хонишдай кишиларнинг дилига малҳам бўлмоқда. Унинг «Кўнгил узмоқ осон эмас», «Сўрама ёр», «Ёлғон дунё», «Ҳаммани ҳайрон этган», класик мақомлар турига монанд бўлган «Менга», «Кўклам қани» сингари қўшиқлари бутун орзуманд кўнгилларнинг зиёсига айланиб қолди. Тингланг-а, Фиёс куйлаяпди:

Кўйдиргувчи дедингиз кўйдирганларни,  
Кўйдиргувчи ўзингиз, кўйдирдингизку.  
Бу ишқ саҳросида ўлдирдингизку!?

### Ёки

Шамол ўпмаган қизлар,  
Атлас киймаган қизлар,  
Табассуми яширин,  
Нози ўзидан ширин.

Шуларни тинглайману қўшиқни қўшиқдай қилиб айтёттан Фиёсга ҳавасим келади. Одатда, саҳнада ижро этилаёттан рақс, куйлананаёттан қўшиқ муваффақиятнинг ярми санъаткорнинг либосига таалуқли бўлади. Шу боис Фиёс ҳар бир қўшиқка алоҳида либос танлайди. Зоро, ҳар бир яхши қўшиқ яхши спектакл бўлиши керак. Бу дунёда қўшиқ айтиб одамларни қойил қолдириш қийин. Бу фақат буюк санъаткорларнингтина қўлидан келади. Эл назарининг юксак кошонасидан жой олган буюк санъаткорлар Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Муроджон Аҳмедов, Таваккал Қодиров, Зайнаб Полновнова, Ҳафиза Иброҳимова, Мукаррама Азизова сингари буюкларгина эришган бу шарафга, уларнинг йўлига дадил кириб келаётганлар сафига бутун Фиёс Бойтоев ҳам дастлабки қадамни ташлади. Отларнинг дупури, қушларнинг мастона хонишлари, бўзтўргайларнинг самода муаллақ тургандаги сайрашилари сезилиб турган мана бу қўшиқни тинглаб, хаёлга ботасиз:

Юрак тўла оғриқقا,  
Кимга айтай зоримни.  
Отаси олтин сандиққа  
Солиб қўйди ёrimни.  
Олтин сандиқ очилмас,  
Уфорлари сочилмас.  
Кенг дунёни изласам  
Ўшандай ёр топилмас.

Олтин сандиқ устида  
Олти аждар пойлоқчи.  
Дарвоза тўла соқчи,  
Кўргон тўла айроқчи.  
Жон сўраса мен тайёр,  
Шул санамда ишим бор.  
Бир бошга бир ўлим бор,  
Бир бошга бир ўлим бор!

Ёки хонанданинг ёниб куйлаган мана бу хонишларига қулоқ беринг:

Сүйдирдингиз, бизни сира сүймадингиз,  
Күйдирдингиз, ўзингиз ҳеч куймадингиз.  
Бу дунёни ошиқ учун сайир деманг,  
Худо хайрингизни берсин хайр деманг!

Бу ерда ҳам хонанда эркак зотининг буюк мураббий-си бўлган аёлга сажда қилгудай сеҳрга ўрайди сизни!

### ФАЗАБЛИ ҚАҲ-ҚАҲАЛАР УСТАСИ

Эллигинчи йилларнинг ўрталари, университетда талабалик йилларим эди. Ёзувчилар уюшмасининг Биринчи май кўчасидаги биносида Иоган Вольфганг Гёте ижоди бўйича қандайдир тадбир ўтказилиб, унда атоқли аллома Мақсад Шайхзода ажойиб маъруза қилдилар. Тадбир тамом бўлгач, Шайхзода домлани кузатиб чиққанларнинг орқасида мен ҳам чиқдим. Йўл-йўлакай орқароқда келаёттанимда домла папирос чекиши учун тўхтадилар. Иттифоқо у буюк алломага дуч келдим рўбарў. Саломлашгач, домла менинг қаердан эканлигимни суриштирдилар. Оҳангаронлик эканлигимни билгач, «О, ул гўшада Усмон Умарзода яшайдилар, танийсизми ул табаррук зотни?», дедилар. Мен ҳали бу кишини танимас, ҳатто исмларини ҳам эшитмаган эдим, мулзам бўлдим.

Шундан сўнг мунтазам «Муштум»ни излайдиган бўлдим. Ундан домла Шайхзода мактаган Усмон Умарзоданинг шеърларини қидириб топиб ўқирдим. Кейинроқ эсладим, мен Усмон аканинг шеърлари билан анча илгари танишган эканману, аммо Шайхзода домла билан сұхбатда шу нарса хаёлимга келмаган экан. Мен Усмон аканинг ҳар доим ўқувчини ўзига ром этувчи «Муштум»да босилган шеърларини ҳузур қилиб ўқийдиган бўлдим. Энди хаёлимга келди. Эллик иккинчи йиллар бўлса керак, мен, қишлоқ мактабининг 8-синф ўқувчиси. Усмон Умарзоданинг ўша пайтда «Муштум»да босилган «Оҳангаронда бор гаплар» номли шеърий фельетонини ўқиб шоир билан биринчи бор боибона танишган эканман. Кейинроқ, туман газетасида ишлаб юрганимда бу камгаپ, босиқ сұхбатдошимни тинглай оладиган, сермулоҳаза, фикрлаш ҳофизаси кенг шоирга тоғдек меҳрим ортган ва бу меҳрни ҳали ҳам у кишининг табаррук ёшларига ва ибратли шахсларига нисбат бериб келаман.

Усмон Умарзода Оҳангароннинг Телов қишлоғида таваллуд топиб, ўзининг ҳозирги тўқсон ёшигача бўлган даврни шу гўшада яшаб ўтказмоқдалар. Табиатан шоир бўлган бу одамнинг юморининг қаҳрамонлари кули олдида ипсиз борланган қуёндан, юксакликдан ағдарилиб, инсон кулгиси олдида ерпарчин бўлган лаганбардор, ҳушомадгўй, халқ мулкига кўз олайтириб, кейинчалик тузоққа тушган юлгичлар, ёлғончи, икки юзламачиларни кўз олдингизга келтиради. Чўлпон домланинг таъбири билан айтганда, ҳеч нарсадан кўрқмайдиган одам ҳам кулгидан, одамларга кули бўлишдан кўрқади. Адабиётимизнинг кекса авлодига мансуб бўлган Усмон Умарзода эса ана шу кулгининг, аниқроғи ғазабли қаҳ-қаҳаларнинг қуийб қўйган устаси ҳисобланади. Унинг «Ука», «Қабулхонада», «Айлаганлардан», «Кўрганман» сингари ва сўнги пайтларда ёзган жуда кўп сатирик шеърларини эслашнинг ўзи кифоя. Сиз бу сингари асарларда қаҳрамонларнинг ҳажвий ҳолатлари юмор билан кўшилиб кетган тасвиirlаридан ҳузур қилиб куласиз, уларга нисбатан ичингиздан ғазабли қаҳ-қаҳалар отилиб чиқади.

Аруз вазнининг ҳақиқий устаси, сатира ва юморнинг гулханийона давомчиси Усмон Умарзода ҳозир ҳам ижоддан қолгани йўқ. Шу пайтгача унинг сатирик шеър ва ҳикоялардан иборат бўлган ўндан ортиқ китоблари «Муштум» кутубхонаси» сериясида чопа этилиб муҳлислари қўлига текканлигининг ўзи қувончлидир.

Менинг учун Усмон Умарзоданинг китоблари кундалиқ эҳтиёж ҳисобланади. Ҳозир ҳам уйда бирор нарса ёзиб чарчасам, бирор нарсадан дилим ҳуфтон бўлса, дарҳол китоб жавонимдан Усмон Умарзоданинг китобларини топиб олиб, ўқий бошлайман. Уларни ўқиб ҳам ҳордиқ чиқараман, ҳам ёзадиган янги мақолаларим, фельєтон ва юморларим учун мавзуларни аниқлаб оламан. Зеро, Усмон Умарзода ижодининг бетакоролиги ҳам шунда.

Усмон ака ўз вақтида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фиграт, Faфур Fuлом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодалар билан қалин улфат бўлган. Адабиётимизнинг бутунги яловбардорлари Иброҳим Раҳим, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар билан алоқада бўлиб туради. У домла Комил Яшин билан ҳам қалин дўст эди. Теловдаги мўъжазгина тор кўчанинг чорраҳасидаги кичкинагина кўк эшикли уйдан ҳозир ҳам

Усмон аканинг мухлислари: шоирлар, журналистлар, шеър мухлислари узилмайди. Тўқсон ёшга кирсаларда, ҳали ҳам Усмон ака бақувват, тётик, шахдам, ҳамон сатира ва юморнинг янги-янги пайровларини топиб, мухлисларини кулдириб, одамларга кулги улашиб турдилар. Унинг бетакрорлиги ҳам шунда. Етмишинчи йилларнинг охирлари бўлса керак, адабнинг хонадонига меҳмон бўлиб келган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар орасида бўлган Абдулла Орипов Усмон акага жудаadolатли баҳо бердилар. Воқеа шундай бўлган эди. Дастурхон устида Усмон Умарзода ижодининг кимга, кимнинг ижодига ўйлаши устида баҳс бўлиб қолди. Шунда машҳур бир адабий танқидчи сўз олиб, Усмон Умарзода ижоди хусусида анча маъкул гапларни айтди ва ўзига ўзи савол берди ва худди муҳим бир янгиликни кашф қилгандай «Биласизларми, Усмон ака кимга ўхшайди?» дебаромат қилмоқчи бўлганда, Абдулла Орипов шартта унинг сўзини бўлиб, «Усмон ака фақат ўзига ўхшайди», деган эди. Ҳа, Усмон Умарзода фақат ўзига, оригиналлиги билан, сермаҳсуллиги билан, ҳозиржавоблиги билан фақат ўзига ўхшайди. Бугун нафақат Оҳангаронда, балки мамлакатда ҳам унинг мухлислари шоир ёзганларини қунт билан излаб юрадилар. 1991 йилда ўтказилган унинг саксон йиллигига сўзлаган жуда кўп шоир ва танқидчиларнинг фикри ана шундан далолат беради.

### АКРОМ ҚОДИРИЙ

Эллигинчи йилларнинг авваллари эди. Билмадим, Оҳангарон туман газетаси «Оҳангарон»да айрим ходимлар таътилда учунлигими ёки бошқа сабабданми, ҳар йили ёзда, мактабдан таътилга чиққанимда газетанинг ўша пайтдаги биш мухаррири Иброҳим Алиев мени бир ойга ишга чакирадилар, мусахҳихлик қиладим. Ўша пайтда Акром Қодирий газетанинг масъул котиби бўлиб ишлар, шубҳасиз, мен бу ажойиб шоир, ҳазилвон асқиячи билан жуда кўп мулоқотда бўлардим. Бу пайтда Акром Қодирий ўзининг узлуксиз равишда «Муштум»да, республиканинг бошқа газета ва журналларида босилаёттан сатирик ва юмористик шеърлари, фельетонлари, ҳикоялари билан республикага танилган эди. Лекин табиатан шўх, қизиқчи, асқиячи бўлган шоир Акром Қодирийнинг оиласи ҳам, тайнинли ётоқ жойи ҳам йўқ эди. Аксари таҳририятнинг

кичик бир хонасида истиқомат қилардилар, нонушта, тушлик ва кечки овқатлар албатта чойхонада бўларди. У кишининг улфатлари жуда кўп эди. Бир вақт Пиримқул деган молиячи одам келиб, Акром Қодирийдан қандайдир беш юз сўм пулни дарҳол тўлашини талаб қилди. Маълум бўлишича, Акром Қодирий давлатдан уй қуриш учун ссуда—қарз кўтарган эканлару, пул озгина фурсат ичидаги йўқ бўлиб кетган экан. Акром Қодирий Пиримқул акани жимгина тинглади ва у гапини тутатгандан сўнг унга деди:

— Пиримқул, шу нобакор қарзни тўламасликнинг иложи йўқми?

— Фақат ўлган тақдирингдагина давлат кечиши мумкин, акс ҳолда тўлаш керак, гап тарқалиб кетса, оқибатини ўзинг биласан, — деди Пиримқул ака зарда билан.

— Унда жуда осон экан, сенга «Акром Қодирий ўлган» деган справка ёки далолатнома олиб келсан бўлдими, ўшанда қутиламанми? — деди Акром Қодирий.

— Лекин сен тириксанку, ким беради сенга бундай далолатномани? — деди Пиримқул ака.

— Ишинг бўлмасин, далолатномани эртага тушлиқда Парпи аканинг чойхонасида қўлингта топшираман, — деди Акром ака ва Пиримқул акани чиқариб юборди. Мен ҳайрон бўлдим. Акром ака бундай далолатномани қаердан оларкин? Эртаси куни атайлаб Акром ака билан чойхонага чиқдик. Пиримқул ака Акром Қодирийни ўз жўралари: қўрс ва дағал бўлган Рашид «ҳофиз», Турсун банги, Обид чойхоначи, Бобоён буфетчи ва бошқалар билан кутиб туришарди. Акром Қодирий далил юриб Пиримқул аканинг ёнига борди ва ёнидагиларга астагина кўз қисиб бир қофозни узатди.

— Мана, Пиримқул, сен истаган далолатнома тайёр, делонгта тикиб қўйда, бемалол юравер, энди мени безовта қилма, — деди қофозни унга бериб. Пиримқул ака қофозни олди, ўқиб бироз қоши чимирилди ва далолатномани ёнига солиб, унга деди:

— Мана бу бошқа гап, бўлди, сен ҳам тинч, мен ҳам тинч. — Орадан бир-икки чой қўйим палла ўтгач, Акром Қодирий ўз даврасида ўтирган газетамизнинг ўша пайтидаги фаол мухбирлари Тарих Фаттоҳ, Усмон Умарзода,Faффор Сатторий, Шахсавоний ва бошқаларга қараб баланд овоз билан шеър ўқииди:

Эй, Пиримқул сўзлаяпсан ҳар кимсани мот қилиб,  
Турқинг кўрса не сулувлар қочиб қолар дод қилиб,  
Ахир бунча гўл бўлмасанг, соҳангни барбод қилиб,  
Барча сенга таъна қилгай, беҳаё имдод қилиб,  
Сен бепарво чой хўплайсан, қўлларингни от қилиб.

Нега бунча бош згибсан, арзимаган ғам билан,  
Мен ўлганман, беш юз кетди, қўлингдаги «дам» билан.  
Ахир аввал қайда эрдинг, шу ақл, шу фаъм билан,  
Эшиздим, қўлга тушибсан тошкентлик «санам» билан,  
Қўрқаманки, жўраларинг қўймаса деб «пўрт» қилиб...

Даврада қаттиқ қаҳ-қаҳ, кўтариди. Пиримқул аканнинг жаҳди чиқди. Ўридан туриб кетди.

Орадан бир неча йиллар ўтиб Акром ака Кўқон томонларга кетдилар. 1952 йилнинг июль ойида «Муштум»да Усмон Умарзоданинг «Оҳангаронда бор гаплар» сарлавҳали шеърий фельветони босилди. Журнал ихлосмандлар орасида талош бўлиб кетди. Усмон Умарзоданинг ўша шеърида шундай сатрлар бор эди:

Чойхонадан чиқилгач, ошхонага юрасиз,  
Бўш жой кутиб камида бир ош пишим турарсиз,  
Охир насиб бўлиб жой, овқатни ҳам сурарсиз,  
Вақти келиб буюртма овқатни ҳам кўрарсиз,  
Шолғом суюб карамни тушган чуқур товоққа.

Бунда карамдан ўзга сизга бўлак «карам» йўқ,  
Гўшт тушмаса на ташвиш, жаздан бирор ялам йўқ,  
Таъна қилиш на даркор, балки мудирда фаъм йўқ,  
Ҳозир шу ҳам ғанимат, тушдан кейин у ҳам йўқ,  
Сиз ўзгасини кутмай, дарҳол уринг томоққа.

Орадан тахминан бир ойларча вакът ўтди. Бир куни чойхоначи Парпи ака мени кўриб, «Усмон Умарзодага Акром Қодирийдан хат келди, кўрсанг айтиб юбор», дедилар. Усмон ака ҳозиргидай туман марказидан анча олис бўлган Телов қишлоғида турардилар. Айттириб юбордим. Усмон ака келдилар, бирга чойхонага чиқдик. Салом-алиқдан сўнг бир пиёла чой устида Парпи ака Усмон Умарзодага битта қоғоз бердилар, очилиб-ёпилаверганидан хатнинг конвертлари йиртилиб, адреслари ўқиб бўлмайдиган даражага келган экан. Хатни Усмон ака қўлига олиши билан чойхонадаги атроф сўрилардан одамлар яқинлашиб ўтиридилар, улар хатни баландроқ овоз билан ўқишини илтимос қилдилар. Усмон ака хатта аввал бир кўз югуртириб чиқиб, кейин

менга бердилар, овоз чиқариб ўқишимни илтимос қилдилар. Мен шеърий мактубни ўқидим. У шундай бошланарди: Оҳангарон тумани, Хонобод қишлоғи, Парпи аканинг чойхонасига. Усмонзодага тегсин:

«Муштум» билан элашиб, бир шеър келди буёққа,  
Оҳангаронда комхоз, қолган эмиш чатоққа,  
Мазмуни танг бўлибсиз, чойхонада ётоққа,  
Юрманг бўлиб овора, дайдиб уёқ-буёққа,  
Билган чойхонангизга етиб келинг «томоққа».

Оҳангаронда айтинг, барча дўстлар омонми?  
Рашид ашулачининг феъли ҳамон ёмонми?  
Чойхонада Обидми, ё эски Парпижонми?  
Закускага ҳали ҳам қоттан яримта нонми?  
Ё бўлдингизми сероб тариқ билан қўноққа?

Ногоҳ, келди хотир Турсун банди хаёлга,  
Бечора ялчимабти ҳанузгача аёлга,  
Айтинглар суркалмасин ҳар кун саҳар деволга,  
Сизлар туриб у ерда қолманг тағин уволга,  
Уйлантириб қўйинглар бир эскироқ ямоққа.

Сатторий орайнимиз дарёга оқдан эрмиш,  
Боди фиғонлар айлаб, ҳар ёққа боқдан эрмиш,  
Мастликка тоза музлаб пўстакни қоқдан эрмиш,  
Айрилиб ҳамёнидан кўп иснод тақдан эрмиш,  
Айтиб қўйинг ичиб кўп айланмасин қўноққа.

Буфетчи Бобоёнга мендан ҳазор дуо денг,  
Офицанткаларига маҳлиқ жон фидо денг.  
Қарздор эдим улардан, сўрса «чево-чево» денг,  
Беш-олти сўм кифоя, жонимга бир даво денг,  
Узатмасин қўлинни олисдаги қўноққа.

Айнишга ўтди ишлар, ҳуллас қилай қаломим,  
Сизларни ўйлагайман ҳар дамда, субҳи-шомим,  
Согинаман сизларни, ҳамма дўстта саломим,  
Деб бармоғимни босдим Акром Қодирий номим,  
Бир айланиб келинглар отпускага буёққа.

Акром Қодирий,  
Кўкон, 1952 йил 14 июль.

Шеър битди. Ҳамма хоҳолаб кулиб юборди. Усмон Умарзода эса ёнидан уч сўм чиқариб бир йигитчага берди. Йигит қорозга ўраб нимадир олиб келди. Усмон ака пиёлаларга қўйди ва тантанали равишда шеър ўқиди:

Дүстим ёзган хатингиз келиб етди бүекка,  
Дархол одам юбордим ярим литр ароққа.  
Шеър үқиљи сарбасар, барча туриб оёққа,  
Сүнгра «отиб» юбордик бир рюмкадан томоққа...

Акром Қодирий кейинроқ, 1957 йилнинг ёз палласида ҳам Оқангаронга келиб, бир неча кун дўстлари билан сұхбатлар қурган. Бугун унинг дўстлари Парпига, Турсун банди, Абдураффор Сатторий, Тарих Фаттох, Шахсавоний, Иброҳим Алиев ва бошқалар бандаликни бажо келтиришган. Усмон Умарзода ҳозир тўқсон бешларда, ҳаёт. Ҳар сафар Теловга борганимда у кишини зиёрат қиласман. Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида Кўқондан дарак келди: Акром ака Қодирий ҳам бандаликни бажо келтирибтилар. Уни билганлар, дўстлари, мухлислари Акром Қодирийнинг руҳи-покларига оят тортдилар...

### ЧОТҚОЛ КУЙЧИСИ

Агар қўшиқ учқир чавондозлардай елса,  
Агар қўшиқ минг най каби ёниб куйласа,  
Агар қўшиқ чўл йўлидай тик, тўғри бўлса,  
Не қўшиқ бу? У — ҳаётнинг ўзи бўлмаса!

Мўмин Қаноат

Устоз адиллардан бири башорат қилган эди: қўшиқ айтишга мутлақо қобилиятсиз одамни саҳнага чиқариб қўйсанг иккidan бир қулфат рўй беради — ё томошибиндан айриласан ё «ҳофиздан». Чотқол тоғларининг бағрида ўсиб-улғайган Каримжон саҳнага чиққандан бери, худога минг қатла шукурки, у билан ҳали бундай фожиа юз бергани йўқ. Каримжоннинг концертига кирдим қайси куни. Залга одам сирмайди, бўш жойларнинг ўзи йўқ. У ёниб куйляяпти. Ўзимча ўйлаб кетдим. Нега унинг қўшиқлари одамларни бу қадар ром қилиб олган ўзига, нега уни мухлислари ўзгача иштиёқ билан тинглайди тўйларда, радиодан, телевизорда? Ўйлаб-ўйлаб жавоб топгандай бўлдим. Чунки унинг қўшиқлари — ҳалқнинг ўзи тўқиган, ўзи айтган қўшиқлар. Каримжон фақат ширадор овоз билан сайқал берган уларга. Қулоқ солинг-а, у хониш қилаяпти:

Ҳой бахмалчи, бахмалчи,  
Кизил бахмалдан олчи,

Дилдорга ёқармикан,  
Бахтим синаб кўрайчи!

Рўмолимни олибсан,  
Олиб дорга солибсан.  
Рўмолимни беролмай,  
Уволига қолибсан.

Одамлар энг яхши орзу-истакларини қўшиққа со-  
лади. У билан бирга яшайди, уни довонлардан довон-  
ларга олиб ўтади, у билан ҳамроҳ бўлиб юради, яратади,  
кашф этади. Халқ яраттан қўшиқ яхши ижрочи  
орқали инсонни қаҳрамонликка бошлайди, жасоратга,  
журъатта интилтиради, ватанпарварлик ва ҳужумкор-  
лик руҳида, маънавий бойлик руҳида улғайтиради  
уни. Каримжоннинг ҳамма қўшиқларида кишиларнинг  
қиёфаларигача, замонасининг тўлиқ ва тарихигача би-  
линиб туради:

Олмадан от қиласман,  
Баргидан пат қиласман,  
Мен ёримни соғинсам,  
Ўлтириб хат қиласман.

Сой ичидা сандалча,  
Сув уларнинг таҳтидир.  
Боши тўла заркокил,  
Акасининг баҳтидир.

Бу қўшиқлар Каримжонга обрў, мартаба, янги-янги  
парвозлар олиб келди. Албатта, у бундай сертомоша-  
бин саёнага осонликча эришгани йўқ. Зоро, 1957 йил-  
нинг сержилва баҳорида Чотқолнинг этакларидағи Чи-  
нор деган дўппидай қишлоқда таваллуд топган Ка-  
римжон Бобораҳимов ўрта мактабда ўқиб юрган пайт-  
ларидаёқ қўшиқ билан ошна бўлган эди. Зотан, у ту-  
филиб ўсган гўшанинг ўзи қўшиқ эди. Сойликларга  
яширинган Тангатопди, қоялар устида жойлашган Чет-  
сув, адирлар ёнбағридаги Серка қирилди, тинимсиз  
ҳайқириб оқаёттан Оҳангарон оби-ҳаёти ёқасидаги  
Бешқўл буларнинг бари алоҳида-алоҳида қўшиққа  
ўхшайди. Каримжон қўшиқнинг билагидан тутдию унга  
ҳамроҳ бўлиб юраяпти ҳанузгача, қўшиқнинг этагида,  
бошловида одамлар ичига кириб борди.

Одамлар қизиқ, ширин бўлсанг ютиб юборади, ач-  
чиқ бўлсанг туфлаб ташлашади. Бундай хуружлар унга  
ҳам бўлган. Аммо у ҳар қандай қийин ҳолатда ҳам

қўшиқдан ажралмади. Устоз санъаткорларнинг этагидан тутди, уларнинг куйлаш йўлларини ўрганди, бироқ ўзининг йўли, оҳанги, хониши, куйлаш усули билан ёндошли у ҳар сафар янги қўшиқда. Олий илмгоҳни тамомлагач, мактабда математикадан дарс бериш билан бирга қўшиқчилик тўгарагини ҳам ташкил этди. Муаллим сифатида болаларнинг қалбига йўл топабилди ва Оҳангаронда устоз, устоз бўлганда ҳам иқтидорли устоз бўлиб танилди. Унинг қўшиқлари мумтоз куйлар етагида туғилади кўпинча. У ўзи куй басталаган ва тингловчилар қалбида бир умр жой олган, Фурқат разали билан айтиладиган «Қани», И. Хаиров шеъри билан куйланадиган «Ҳалолмидинг», Тоҳир Қаҳҳор қаламига мансуб «Қарамайсан» сингари қўшиқлари «Муножот» бешигида, «Сегоҳ» силсиласида, «Ушшоқ» авж пардаларида бунёд этилди. Ва ниҳоят Каримжон ўзи мактабда таълим берган шогирдларини тўплаб «Чотқол» ашула ансамблини тузди. Бу даста бутун наинки фақат Оҳангаронда, балки Ангренда, Янгиобод, Бўка, Пискент, Оққўрғон, Бекобод, Тошкентда шухрат қозонди. Унинг репертуаридаги фақат лирик қўшиқларгина эмас, кишини ўйга толдирадиган, инсон қадриятини улувлайдиган куй-қўшиқлар билан ҳам тингловчиларни ром этади. Кўшиқ фақат моддий дунё эмас, у ҳар бир кишининг руҳий дунёси ҳамdir. Каримжоннинг қўшиқлари гоҳо севги оқшомларини, ёшлик бекарорлигини, гоҳо марҳум ота-оналар, дўстларни хотирда тиклайди. Мен Каримжон ижросида «Ушшоқ», «Чоргоҳ»ларни тинглаб беихтиёр Регистон, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо, Амир Алишерни кўз олдимга келтирган паллаларим жуда кўп бўлган. Шундан бўлса керак у ўзи тузган «Чотқол» дастасининг кейинги йиллардаги репертуари асосидаги концерт-ижрочилик фолияти учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг маҳсус мукофотига сазовор бўлди.

Ўша хушхабарни эшишиб Чинорга — Карим Боборажимовнинг хонадонига бордим, муборакбод қилдим уни юксак мукофот билан, келгуси режаларини сўрадим сухбат асносида.

— Тинган сувни қурт босади, — деди у сергаклик билан. — Репертуарни «Чотқол қўшиқлари» номли туркум дастур билан бойитмоқчиман. Бир гурӯҳ маҳаллий шоирларнинг қўшиқ-шеърларини кўйга сола-япман. Мақсадим «Чотқол»ни мамлакет миёсига олиб чиқиши. «Қоракўз» туркумига кирган лирик дастури-

миз ҳам тайёр бўлди. Уни биринчи марта туман муаллимларининг катта йиғинида ижро этдик. Дарвоқи «Қоракўз»:

Излаб тополмадим қоракўз,  
Топиб етолмадим қоракўз,  
Адаштириб кетдинг йўлингдан,  
Изингни изладим қоракўз.

Бу қўшиқнинг ilk тингловчиси бўлганман Каримжоннинг хонадонида. Сеҳрли қўшиқ экан, мусиқаси ҳам қалбнинг тубигача борадиган бўлибди. Беихтиёр фикрга толаман, эй мусиқа дунёси, сенсиз оламнинг аҳволи не кечар эди?

— Мактабчи, ўқувчиларингизчи? — дея сўрайман ундан.

— Санъаткор мактабсиз яшай олмайди, мен ўзимнинг келажагимни ҳам шогирдларимда, тийрак ўқувчиларда кўраман, уларсиз мен ҳеч кимман.

Каримжон қўшиқ учун шеър танлашда ҳам жумлаларни, ибораларни эркалайди. Эркалаган сайин жумлалар, сўзлар ахир жилмаяди сеҳрли қўшиқ бўлиб, ҳофизнинг янги-янги истиқболларини очади. Мен шуларни ўйлайману баъзан бўлса-да, ёғ ўрнига совун еб саҳнада хиргойи қиласидиган «қўшиқчи»ларнинг одида Каримжон Бобораҳимов ҳақиқатан ҳам улкан санъаткор, муаллим санъаткор эканлигига имон келтираман.

Унинг қўшиқлари қулоғимдан кетмаяпти:

Мен борай сўқмоқ билан,  
Пистазор ичи билан.  
Йигит қўли борлансин,  
Қизларнинг сочи билан.

Чинордан чиқарканман, Чотқол тоғлари, бағри кенг яйловлардан яна Каримжоннинг хонишлари эшлиларди:

Гулчехра аксин кўрдим  
Лолалар япрогида,  
Мулоим кулгуси бор,  
Баргининг титрофида...

## «ОҚ ТУЛПОР»ЛИ ҚҰШИҚЧИ

### «ЕКІ ХОНАНГА ТОШПҮЛАТ МАТКАРИМОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР»

Унинг құшиқлари Қурама төглари тизмасидан чиққан ва Оқангарон дарёси қирроқларида сочилиб ёттан гавҳарга үхшайды. Дарҳақиқат, Оқангарон қадимдан құшиқчилар, құшиқсеварлар юрги бўлиб келган ва бугун ҳам шундай бўлиб келмоқда. Оқангаронликлар ҳар доим кўнгил ва дил тиниқлигини яхши қўшиқда ифода этганлар. Бугун Тошпўлатнинг қўшиқларини тинглассангиз бунга имон келтирасиз. Унинг қўшиқлари йўлларда сочилиб ёттан гавҳарга үхшайды. Бугун Тошпўлат болалигида бувисидан эшлитиб, кейинчалик йўқотиб қўйган қўшиқларини териб юрибди йўл-йўлакай Телов, Санам, Овжаз, Олмазор, Қорахитой, Ёнариқнинг илонизи йўлларидан, сойликларга қўйилган яккачўп кўприклардан, ўнгир-ўнгир тепалигу қирликлардан, даралардан, жўнлардан. Унинг «Ойнамов» деган ширингина қўшиғини тинглаганмисиз? Унинг замирида мен бугун ҳалқ орасида кенг тарқалган ва одамлар тўйлару байрамларда, кенг қирларда, авжи кўкламда оқшомда далага гулхан ёқиб хиргойи қила-диган қўйидаги сатрларни кўраман:

Ўйнаганим—кулганим  
Райёнга сув қўйганим.  
Мустақил юрт қўйнида  
Даври-даврон сурганим.

От бойладим ёнроқда  
Ёр истаб чиқдим боқда.  
Бепарвойим келмади,  
Назар тўкиб биз ёқса.

Ой Барчиним ёр-ёр.  
Гул Барчиним ёр-ёр.  
Фанимига тегмаган  
Ўз Барчиним ёр-ёр.

Тошпўлатнинг «Ойнамов» қўшиғи ҳам маңа шу булоқнинг томчисидай туюлаверади менга. Қўшиқнинг мусиқаси ҳам гўзал, ҳалқона. Яратганинг ўзи ато эттан қўшиқ айтиш истеъодига эга бўлган Тошпўлат Маткаримов ана шу мухитда таваллуд топгани учун ҳам ҳалқ қўшиқларига катта қизиқиш кўради ўзида. «Ойнамов»да нола, авж, созга жўр бўлиш талабари меъёрида айтилгани билан ҳам ажралиб туради. Бу қўшиқни ижро этгунча Тошпўлат Оллоҳ берган овозни тарбиялаб бориш, уни асраш, мусиқани тушуниш,

саҳна маданияти сингари катта бир мактабни ўтади.- Шунинг учун ҳам Тошпўлатнинг ҳар бир қўшиғи юртга муҳаббат изҳори бўлиб янграйди. Кишининг руҳи, кўнгли унинг қўшиқларидан қувват олади. Хонанда эса худо берган овозни эл-юрт эшилтса, эслаб юрса, деб орзу қилади. Бугун Тошпўлатни кўплар зориқиб тинглайди. У эса ҳар бир янги қўшиғини юракдан куйлайди элига, юртига, мамлакатига совға тарзида. Зотан, баҳиси юракдан куйламаган ҳалқнинг шўри бор. Кутлуғ қўшиқнинг мавзун либоси, рангин қаноти бўлади. Мен бу фикрларни Тошпўлат Маткаримов катта эҳтирос билан ижро эттан «Гулла Туркистон» қўшиғида кўраман. Бу қўшиқда боболаримиз руҳи, авлодлар қаноти, алломаларимиз дараклари бир-бирлари билан мужассамлашади. Зеро, бу қўшиқни тингласангиз, мустақил юртимиз иқболи ва истиқболни, ўзлигингизни, юрт ободдигини яна бир карра англайсиз унинг оғушида.

Шуниси қувончилик, Тошпўлат тақлидчиллик балосидан сакраб ўтиб кетди. Бу эса уни бугун машҳур қўшиқчилар билан бемалол ҳамнафаслик қилаолишига катта йўл очиб берди. Қулоқ солинг-а, Тошпўлат операмизнинг етакчиси, бугун кўпларнинг қўли етмайдиган Муяссархон Рассоқова билан ҳамнафас бўлиб айттан Ўзбекистон ҳақидаги қўшиғининг саси келаяпти радиодан. Унда худди боқий руҳнинг ёрқин рақси давом этгандай, юртнинг жозибали қирраларини, истиқбол сари интилаёттан нурли қўлларни, абадий нурлар ҳаётбахш эттан жилоларни, фақат озод қалблар, басийрат кўзлар, некбин ва тоза бўлган назарларни илрайсиз. Бу қўшиқ худди бошқаларга ҳам нур ва завқ-шавқ улашаёттандай туюлаверади назаримда.

Яхши қўшиқда туйғу, дард, шакл ва овоз мутаносиблиги муштарак бўлади. Ҳали данаги қотмаган ҳаваскорона хиргойилар кўпайиб кеттан шу кунларда Тошпўлатнинг машҳур «Оқ тулпор» қўшиғи ялт этиб одамларнинг назарига тушди. Излаб, орқасидан қувлаб эшигадиган бўлди одамлар «Оқ тулпор»ни. Тўғрида, қўшиқ ҳам фақат мардликка ярашади. Тошпўлат қўшиқни қўшиқдай қилиб ижро этади. Яхши қўшиқ бир йилда битта-иккита яратилиши мумкин. «Оқ тулпор» ҳам шунанақа. У Тошпўлатни элга яқинроқ қилиб қўйди. Агар у бошқа қўшиқ айтмаса ҳам «Оқ тулпор» билан абадий қолиши мумкин санъят оламида. Ахир Озода Мадраҳимовага ҳам фақат «Кумушбиби фарёди» қўшиғи

катта шуҳрат олиб келганку. Бугун ҳам фақат шу қўшиқ туфайли эъзозлаб юришади Озодахонни одамлар. Радио эса унугтиб қўйди нимагадир Озодахонни, «Кумушбиби фарёди»ни ҳам.

Умид тугаган жойда бўшлиқ пайдо бўлади. Тошпўлатнинг эса катта умидлари бор санъат оламида. Бугун унинг умидлари фақат ўзининг қўшиқларидағина эмас, қўлларида соз билан туғилган Қураманинг ҳаваскорлари Улуғбек Мирзаев, Ўсимбой, Хайритдин, Ўткирбек, Баҳодир ва бошқалар — Қураманинг шуҳратини халқ қўшиқларини ижро этиш билан рӯёбга чиқараётганлар орасида ҳам кўз очаётгани қувончилидир.

Аксари қўшиқларимиз бир кунлик гапдан иборат бўлиб қолаётган ҳозирги кунларда Тошпўлатнинг «Ойнамов», «Гулла Туркистон», «Ўзбекистон мадҳи», «Оқ тулпор» ва бошқа кўплаб қўшиқлари даврлар довонлари орасидан асрларни асрларга, авлодларни авлодларга боғловчи қўшиқлар даражасига кўтарилидди назаримда. Бугун унинг қўшиқлари етмаган жой йўқ мамлакатимизда, унинг нолалари банд этмаган қалб, олмаган хаёл йўқ, унинг қўшиқлари қаерлардадир ётадиган қўшиқлармас. Улар аллақачон халқнинг мулкига айланиб кеттан, сизнинг ҳамроҳингиз, ҳамдардингиз бўлиб қолган унинг қўшиқлари. Унинг қўшиқлари Тошпўлат Маткаримовнинг ўзидек кезиб юради ватанини, юртини. Кирмаган водийси, юрмаган воҳаси йўқ бу қўшиқларнинг. Тошпўлат бу қўшиқларини аввал юрган йўлларида, борган овул ва қишлоқларида, дала-даштларда, боғ-роиларда куйлаган, уләрни авайлаб, қалб торларидан ўтказиб узатган халқига. Тингланг-а, қалбинизни ларзага солиб Тошпўлат куйлаяпти «Оқ тулпор»га миниб, «Оқ тулпор»ни чоптириб...

## ЙЎЛЛАРДАГИ ҚЎШИҚЛАР

### ОҲАНГАРОН ЎЛАНЛАРИ

Ўланлар... халқ ижодининг жуда катта жозиба кучига эга бўлган ўлмас мероси. Оҳангаронда, нафақат Оҳангаронда, ҳар бир гўшада, ҳар бир қишлоқда, кенту маконларда айтилади ўланлар тўй-ҳашамларда, маросимларда. Афсуски, шўро замонида мана шу ўлан-

ларни ҳам таъкиқлаб қуючилар топилган эди. Юрт мустақиллиги бошқа адабий-маданий меросимиз билан бирга ўланларни ҳам қайтариб берди бизга. Мен Оҳангароннинг Чотқол, Серка қирилди, Сусам, Қорахитой, Овжаз, Шовғаз, Ўргоз, Қуон ва бошқа ўнлаб қишлоқларида бўлганимда момоларим, боболарим, қизжувонлардан жуда кўплаб эшигтанман уларни. Айниқса кўклам ва ёз кунлари қишлоқ аҳли тор яловларига чиқиб, олов ёқиб, атрофини ўраб, тўпланишиб ўлан айтишади тонгача. Ўлан айтишуви ўз-ўзидан мусобақага айланиб кетади кўпинча.

Оҳангаронда ўланчилар кўп. Аммо бу ўланларни ҳам улар кимларданdir эшигтан, уларга айтиб берганлар ҳам эшигтандан эшигтан. Шунинг учун ҳам унинг ижодкори ёлғиз бир киши ёки бир неча ўланчи бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли уларни мен йўллардаги қўшиқлар деб атадим. Оҳангаронда жуда кўп ўланларни билган, уларни ўз услуби, жозиба кучи билан куйладиган Ҳуррият Холтўраева, Қурбонжон Бийтўраева, Хобуви Абдуҳакимова, шунингдек, Тилла момо, Бувижон момо, Ултув момо деган ўланчилар борлиги билан ҳам фахрланасан, киши. Улар ўзлари билган ўланларни бутун фарзандлари, набираларию чевараларига ўргатишмоқда. Мен касбим тақозаси билан да-лаю дашт кезиб, бу ўланларни баҳоли қудрат ёзиб олдим ва шу рисолага киритишга жазм қилдим. Зоро, аста-секин унитилиб бораётган қадимги ўланлар ёшли-римиз учун жуда катта эстетик завқ беришига ишона-ман. Оҳангарон ўланларида халқнинг ҳазил-мутойибасидан ташқари тарихий кунлари, қувончли дамлари, унитилмас онлари ўз аксини топган.

### ОҲАНГАРОН ЎЛАНЛАРИ

Юқоридан келаман от ўйнатиб,  
Тўйхонангта тушаман ёр йўқотиб,  
Туйхонанинг эшиги арча экан,  
Қизларининг кийгани парча экан.

Қарясимдан келаман мерган бўлиб,  
Оқсаройнинг йўлини кўрган бўлиб,  
Йўлда бирор ётибти ўлган бўлиб,  
Жанозасин ўқийман билган бўлиб.

Хангиронни ёқалаб мөш оламан,  
Чүчқа келса қўлимга тош оламан,  
Суйганимнинг овули олис экан,  
Йигламсираб кўзимга ёш оламан.

Хангиронни ёқалаб моя кегди,  
Ул моянинг оёғи тоя кетди.  
Жўн ўланни ўнгариб айтмайсан,  
Сенга айтган ўланим зое кетди.

Ирвойи бет деганда ирвойи бет,  
Қўйинг сувдан ўтмаса қурайлаб ўт,  
Ўтганданам сўрайман, кеттганданам,  
Қақа кетиб борасан чиройли бет.

Ана тоннинг бошида қалин ялпиз,  
Қалин ялпиз ичида қолдим ёлғиз,  
Қалин ялпиз ичидан чиқиб олсан,  
Сенман ўлан айтишай ўзим ёлғиз.

Охтахона бошида полвон тоши,  
Айланади қизларнинг урчук, боши.  
Айланганда қизларнинг урчук, боши,  
Куидиради йигитнинг қора қоши.

Ёмғир ёғиб келади дўзаҳ, айлаб,  
Бойнинг қизи қарайди чийдан бўйлаб,  
Қўй соғ деса сормайди бойнинг қизи,  
Қайтиб сигир соғади бошин бойлаб.

Ҳавога булут тошар чойдай бўлиб,  
Оғажоним қўш ҳайдар бойдай бўлиб,  
Олти ботман тариқни сепиб келиб,  
Олчонглайди минг қўйли бойдай бўлиб.

Юқоридан келади тарғил мушук,  
Сенга ўлан айтмайман, оғзинг қийшиқ,  
Сенга ўлан айтганда оғзинг қийшиқ,  
Туни билан ётасан итдай ингшиб.

Ўлан айтиб юримман ўлганим йўқ.  
Олтой бўлди онамни кўрганим йўқ,  
Олтой бўлса онамни кўрмаганга,  
Эсон-омон юримман, ўлганим йўқ.

Хангиронни ёқалаб топдим қайроқ,  
Мулла Қўшдинг отини чопдим яйдоқ.  
Ёмон қизга мол бериб ялингунча,  
Даҳанингни дол қўйиб, ўттин бўйдоқ.

Худойди яраттани қўй бўлади,  
Уни сўйса маърака—тўй бўлади.  
Эр йигитни олгани ёмон бўлса,  
Ўз тенгининг ичида хўр бўлади.

Худойди яраттани тулки бўлар,  
Уни сўйса териси бўрки бўлар.  
Эр йигитни олгани ёмон бўлса,  
Ўз тенгининг ичида қулки бўлар.

Ўланчилар йигилиб шинни қилар,  
Ёмон одам ҳар гапни гина қилар.  
Бироннинг боласини не қиласан,  
Ўз уйинга борганда мулла қилар.

Қоровули бор экан қовоғида,  
Қора нозик ятирар томогида,  
Ўттан ойнинг ичида берган куртинг  
Майиз бўлиб татииди тонглайимда.

Кўш ҳайдадим Қўқоннинг кўкимига  
Кашта тиқдим кўк отнинг тўқимига,  
Қизман йигит ўйнайди пўта солди,  
Ётсан уйқим келмайди шовқинига.

Арқон солиб юигирдим ҳалинчакка,  
Қиипин кўйлак ярашар келинчакка.  
Келинчакни неси бор? Қасабаси  
Ўттиз жувон бир қизнинг садағаси.

Ўлан айттим келмайди сизи билан,  
Сизни майлиз бормиди менинг билан.  
Сизни майлиз бўлганда менинг билан,  
Тонг оттунча айтишай сизнинг билан.

Керагани қўзида кўрдим сизни,  
Шунча қизни ичида сўйдим сизни.  
Суйганимни билмайин кетаяпсиз,  
Мени ташлаб кетаверинг, қўйдим сизни.

Мен отанинг уйида меҳмон эдим,  
Олтин сандиқ устида ўйнар эдим.  
Олтин сандиқ устидан тойдим-кетдим,  
Қадрим билмас жойларга қайдан тушдим.

Ой олдида бир юлдуз ойдан қолди,  
Қўнғироқли кўк серка қўйдан қолди.  
Анов қизнинг келмасин энди билдим,  
Ковушини киёлмай тўйдан қолди.

Ёмғир ёғиб келади муз аралаш,  
Бир түп хотин келади қыз аралаш,  
Аллақайтиб келган здим озулингта,  
Талқон қўйдинг олдимга туз аралаш.

Керагани кўзидан қил ўтади,  
Сен бир ўлан айтгунча ийл ўтади.  
Жўн ўланни ўнгариб айттолмайсан,  
Олдингдаги ўртогин ўргатади.

Озулинг кўчиб боради Кўшбулоқقا,  
Сени сотиб оламан эчки-улоқقا.  
Сени сотиб олганда эчки-улоқقا,  
Жун саватиб қўяман кунчивоқقا.

Ўлан-дўлан деганда ўлаверма,  
Ўланнинг ўртасини бўлаверма,  
Ўланнинг ўртасини бўлаверсанг,  
Шинғирайиб олдимга келаеверма.

Ҳаво булут деганда, ҳаво булут,  
Ола хуржин тўқийман, ёрма булут.  
Үрмагимни олгунча ёғаверсанг,  
Оёғинга соламан тошдан қулф.

Осмонларда айланган оқ сормикан,  
Отиб олсам боласи қақшармикан?  
Қизлар билан баҳслашиб ўлан айтсам,  
Овозим овозига ўхшармикан?

Коровулни бошида қон тортаман,  
Отам билан онамга жон тортаман.  
Отам билан онамга жон тортмасам  
У дунёда азобин мен тортаман.

## МУНДАРИЖА

Осмоннинг оғирлигини кўтартганлар.....	3
Оҳангарон .....	5
<b>Ривоят</b>	
«Оҳангарон жулғаси» .....	6
Наврўз шарофати .....	8
Жўра саркор .....	11
Ҳар куни бир олам бўлган қишлоқ .....	14
«Минг йилқи» .....	17
Амир Темур Оҳангаронда .....	20
<b>Ҳикоят</b>	
Ботолмаган ой .....	22
Ўткир эди қалами .....	25
«Руксорида ломай малоҳат» .....	27
Яхшидан қолган ном .....	30
Файзиёб оиласнинг устуни эди .....	32
Муҳаррирлар .....	34
Замин шунқори .....	38
Қишлоқнинг удабурро саркори .....	41
Раисалар .....	45
Отларни кечувда алмаштиrmайдилар .....	50
Амал хиёнатли бўлмаганда .....	53
Оҳангарон XX асрда .....	56
Юрт қозиси .....	60
Майрам раис .....	62
Уруш қурбонлари .....	63
Орзулари кўп эди унинг .....	65
<b>Нафосат</b>	
Ой нурига чайилган қўшиқлар .....	67
Қирларда лолалар ундирган қўшиқ .....	72
Офтобдан аввал уйғонган қўшиқлар .....	76
Фазабли қаҳ-қаҳалар устаси .....	79
Акром Қодирий .....	81
Чотқол куйчиси .....	85
«Оқ тулпор»ли қўшиқчи .....	89
<b>Йўллардаги қўшиқлар</b>	
Оҳангарон ўланлари .....	91